

**ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**РЕСПУБЛИКА МА ННАВИЯТ ВА МА РИФАТ МАРКАЗИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ Б УЛИМИ**

АҚЧАЕВ ФАРРУХ ШАВКАТОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ
ВА ҚАДАМЖОЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент – 2021

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
30 йиллигига бағишиланади**

УО`К: 9(069)

КВК: 63.4

А-40

Фаррух АҚЧАЕВ.

Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. – Тошкент: 2021, 185 бет

Масъул мұхаррир: А.А. Аширов – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: А.Х.Дониёрөв – тарих фанлари доктори, профессор

А.Х.Пардаев – тарих фанлари номзоди, доцент

Ф.Э.Тошбоев – тарих фанлари номзоди, доцент

Янги Ўзбекистонда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиши борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бу ўринда юртимизнинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари қатори Жиззах воҳасини ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, ҳудуднинг қулагай географик жойлашуви гоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналарнинг уйгуналашган ҳолда шаклланшишига сабаб бўлган.

Ушбу монографияда Жиззах воҳасида инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бошлаб шаклланган, кишиларнинг маънавий эҳтиёжлари нуқтаи-назаридан вужудга келган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тарихи, таснифи, транформацияси, улар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларнинг воҳага хос жиҳатлари, шунингдек, зиёрат туризмни ривожлантириши истиқболлари тарихий адабиётлар ва дала-этнографик тадқиқотларга асосланган ҳолда ёритиб берилган.

Ушбу монография Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Кенгашининг 2021 йил 30 марта 8-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7210-4-3

© “Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари”

© Тошкент-2021

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
I БОБ. ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТАВСИФИ	
1.1. Зиёратгоҳларга оид манбалар.....	7
1.2 Қадамжо ва зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни.....	22
1.3 Воҳа муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг таснифи.....	36
II БОБ. МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР	
2.1. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларда қадимги диний эътиқодларнинг ўрни.....	63
2.2. Зиёратгоҳлардаги ислом дини билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....	75
2.3. Воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг локал хусусиятлари.....	84
III БОБ. ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ	
3.1. Мустақиллик йилларида зиёратгоҳларни муҳофаза қилиш масаласи.....	97
3.2. Жиззах воҳасида зиёрат мавсуми ва унинг иқтисодий имкониятлари.....	106
3.3. Ёш авлодни тарбиялашда зиёратгоҳларнинг ўрни.....	118
ХОТИМА.....	130
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	133
ИЛОВАЛАР.....	146

КИРИШ

Бугунги кунда жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни Ғарб ва Шарқ цивилизациялари уйғунлашуви, халқларнинг миллий ўзлигини англаши ва локал маданиятларни сақлаб қолишга бўлган интилишни тобора долзарб масалага айлантироқда. Бу эса турли тарихий-этнографик минтақаларга хос бўлган этнохудудий хусусиятлар ва маданий мерос объектларини халқ маданиятининг феномени тарзида чукур ўрганишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон дунёning муҳим цивилизация бешикларидан бири сифатида, азалдан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келган. Бунда моддий ва маънавий бойликларнинг бўллаги ҳисобланган муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар халқнинг миллий бойлиги сифатида дунё маданиятининг муштарак қисмига айланган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикаиз ҳукумати томонидан ўзбек халқининг қадимиј тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда.

Зиёратгоҳлар ва уларга оид маросимларни тарғиб қилиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ташкил қилиш ва тарихини ўрганиш маданий антропологиянинг долзарб вазифаларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистон этнология фанида Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини халқ мероси обьекти ва анъанавий маданиятнинг таркибий қисми тарзида ўрганиш, улар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар мавзусининг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Жиззах воҳасидаги муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга доир илмий изланишлар архитектура, санъатшунослик, археология фанлари нуқтаи назаридан қисман ўрганилган бўлса-да, зиёратгоҳларнинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, ўтказиладиган маросимлар ва уларнинг минтақавий хусусиятлари этнологик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Шу боис биз мазкур монографияда Жиззах воҳасининг қадамжолари ва зиёратгоҳларини мавжуд илмий адабиётлар, этнографик

материаллар таяниб, қиёсий таҳлил қилиш орқали уларнинг этнолокал хусусиятларига асосий эътиборни қаратдик.

Тарихий-географик манбалардан маълумки, воҳанинг географик жиҳатдан қулай жойлауви, Сангзор ва Зоминсув дарёлари, Моргузар, Туркистон тизмаларидан бош олувчи ўнлаб сой ва булоқлар ҳавзасида дехқончилик ва боғдорчилик учун обикор ва лалмикор ерларнинг мўллиги, чорвабоп тоғолди ва дашт яйловларининг бепоёнлиги сабабли Жиззах ва унинг атрофида аждодлармизнинг чорвачиликка асосланган кўчманчи, овчиликка асосланган ярим ўтроқ, ярим кўчманчи, дехқончилик, хунармандчиликка асосланган ўтроқ ҳаёти анча қадимги даврлардан бошланган. Шу билан бирга, Жиззах воҳаси ўтроқ ва кўчманчи минтақалар ўртасида “контакт макон” сифатида Суғд ва Чочга ўтадиган савдо йўлларида муҳим ўрин тутиб, чўл минтақаси ва Сирдарё бўйларини Зарафшон воҳаси – Суғд ва жануб – Тохаристон билан боғлаган. Мана шундай қулай шароитнинг мавжудлиги воҳада инсон фаолияти ҳамда унинг маънавий дунёси билан боғлиқ ижтимоий жараёнларнинг ўзаро ривожланишига асосий сабаб бўлиб, бу қадимги даврлардан одамлар дунёқарashi ва эътиқоди билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишига ҳам ўзига хос замин ҳозирлаган. Жиззах воҳаси зиёратгоҳларининг шаклланиш тарихи, топонимикасига эътибор қаратилса, муқаддас қадамжолар билан боғлиқ тасаввурларнинг халқ онгига сақланиши, бугунги кунга қадар етиб келишида халқнинг миллий ва диний қарашлари, маҳаллий урф-одатлар ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини кузатиш мумкин.

Ушбу монографияда Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини шаклланиши (*тарихий шахслар, табиат мўјизизалари, ҳайвонларни муқаддаслаштириши*), жойлашуви (*тоғли, тоз олди ва текислик*) ҳамда зиёратчиларнинг ижтимоий таркиби (*маълум касб эгалари, аёллар ва ёшлиар*)га кўра таснифий хусусиятлари, зиёратгоҳларда умумўзбек маданиятига хос жиҳатлар билан бирга маҳаллий маросимлар, маросим таомлари ва турли атрибутларнинг структурал-семантик функциялари, воҳа қадамжо ва зиёратгоҳларидаги табиат объектларини ҳимоя қилиши билан боғлиқ мифологик

қарашлар ва инончлар миңтақада “этноэкологик қўриқхона” тарзидаги муносабатга сабаб бўлганлиги, таҳлилий фикрлар асосида ёритиб берилган.

Монографияни нашрга тайёрлаш ишлари Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида бажарилди ва бу жараёнда ўзларининг самимий ёрдамларини аямаган институт раҳбариятига, жумладан, мен учун қадрли ва қадрдон бўлган Тарих факультети жамоасига ҳамда китобни нашрга тайёрлашда ўзларининг илмий маслаҳатлари билан самимий ёрдам кўрсатган хурматли устозимиз профессор Адҳамжон Ашировга, шунингдек, назарий ва амалий кўрсатмалар бериб, ҳамиша қўллаб, қимматли маслаҳатларини аямасдан ёрдамлашган устозларимиз профессорлар Алишер Дониёров, Улуғбек Абдуллаев ва Очил Бўриев, доцентлар Мухторқул Пардаев, Нодирбек Абулаҳатов, Ахрор Пардаев ва Фурқат Тошбоевларга чексиз эҳтиромимни билдираман.

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган муқаддас зиёратгоҳларимиз ва қадамжоларимиз тарихи ҳамда этнографиясига бағишланган мазкур асар шубҳасиз айrim хато ва камчиликлардан ҳам холи эмас, албатта. Шу боис биз учун азиз бўлган зукко ва синчков китобхонлар ушбу нашр билан яқиндан танишиш жараёнида ўзларининг қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдиришади деб умид қилиб қоламиз.

I БОБ

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТАВСИФИ

1.1. Зиёратгоҳларга оид манбалар

Худуднинг дехқончилик воҳалари ва унга туташ даштикларда яшовчи аҳоли ҳаёт тарзи, эътиқод ва сифиниш обьектлари билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар борасида сўз юритилган ёзма манбаларни икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи тур манбалар – воҳа ва унинг атрофида яшовчи чорвадорлар ҳаёт тарзи билан боғлиқ битиклар, иккинчиси эса воҳанинг ўтрок дехқон аҳолиси тарихи ҳақида маълумот берувчи эсадаликлардир. Аҳоли хўжалик ҳаёти ва маънавияти билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берувчи турли даврга оид ёзма манбалар, асосан, ўрта асрлар тарихий воқеалари билан боғлиқ. Воҳадаги тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларни ўрганишда асосий муаммо – ҳудуд тарихи ҳамда улар ҳақида ёзма манбаларнинг камлигидадир.

Уструшонанинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган ҳозирги Жиззах воҳасига IX–X асрларда яшаган араб тарихчи-географлари томонидан теккис, чўлликларга туташ рустоқларга эга бўлган дехқончилик воҳалари сифатида таъриф берилган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Фанкон рустоқининг бош шаҳри Дизак бўлган, шаҳар атрофидаги қўрғонлар эса работ дейилган¹. Ушбу манбаларни таҳлил қиласидан бўлсак, улардан Жиззах вилояти ҳудудида Фанкон-Фағнон (Дизак), Зомин, Сарсанда, Сусанда (Зомин), Харқона, Янгикўрғон (Фаллаорол), Бурнамад (Бахмал), Нужкет (Нушкент, Бахмал туманида), Марсманда, Минк (Зомин туманида) номи билан аталувчи рустоқлар, уларнинг обод марказий шаҳарлари, ўнлаб рабод, қалъа,

¹ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард (Араб тилидан таржима ва изоҳлар муваллифи Ш.С. Камолиддин). –Тошент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. –Б. 68.

карвоңсаройлар² бўлганлиги билан бир қаторда, аҳолининг маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондирувчи муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар мавжуд бўлганлигини билишимиз мумкин. Мазкур шаҳар ва қалъа рабодларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда археологик тадқиқотлар орқали аниқланган бўлиб, улар тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳлар билан узвий боғланган.

Ўрта асрларга оид араб муаррихларининг асарларида тарихий ёдгорликлар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Масалан, ибн Ҳавқал Зомин ҳақида ундаги бозор, жомеъ масжиди, шаҳардаги боғ ва узумзорлар; Дизак ҳақида эса Фекнон рустоқи, Худайсар работи ва айниқса, Минк рустоқидаги тоғ-кон ҳунармандчилиги, темир рудасини қазиб олиш ва шу жойда ундан жанговор қуроллар ясаш; унинг маъмурий маркази Марасманда шахрида ҳар йили бўлиб ўтадиган ярмаркалар, халқ сайллари ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, ал-Истаҳрий ва ибн Ҳавқал асарларида Уструшонадаги йўллар, уларнинг йўналиши, аҳоли манзилгоҳлари, зиёратгоҳлари, шаҳар ва қишлоқ, работ ва карвоңсаройлар, чегара худудлар, Жиззах воҳасининг кўчманчилар дашти билан яқин жойлашган рустоқлари орасидаги масофалар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Юқорида таъкидланган араб манбаларида Уструшонадаги бош шаҳар сифатида Бунжикатдан кейин Зомин тилга олинади³. Зомин Фарғона билан Сўғдни боғловчи катта карвоң йўли ёқасида (ҳозирги Зомин тумани марказида), тоғ олди ўлкасида жойлашган. Бу ҳақда ибн Ҳавқал: “У Фарғонадан ас-Сўғдга олиб борувчи йўлда жойлашган, унинг бошқа номи Савсанда. У ерда эски шаҳар ҳам бор, лекин у хароба ҳолатида. Бозорлар, жомеъ масжиди ва аҳолисининг ҳаммаси Савсандага кўчирилган. Бу янги шаҳар бутун ас-Сўғдан Фарғонага кетаётган йўловчиларнинг тўхтов еридир.

²Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. – Б. 68–70., Ибн Хордадбех. Книга “Пути и страны” / Пер. с арабск. comment. и исслед. и карты Н.Велихановой. Баку: Элм, 1986; Истаҳри (Абу Исҳак Ибрагим ибн Мухаммад). Китаб масалик ал-мамалик // Материалы по истории киргизов и Киргизии. - М., 1973. Вып.1. - С. 5–23;Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касима ибн Хаукаля. Труды САГУ. – Ташкент, 1957.– С. 17.

³ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард... –Б. 69.

Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва экинзорлар бор”⁴, – деб маълумот беради. Ушбу таърифдан биз учун Зомин рустоқида жойлашган янги шаҳар, бозорлар, жомеъ масжиди билан бир қаторда, аҳоли зиёратгоҳлари ҳақидаги маълумотлар хам қимматлидир.

Факнон рустоқининг бош шаҳри Дизак аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлиб, кўп сонли уйлари, бозорлари, боғлари, мусофир ва савдогарлар учун карвонсаройлари билан машҳур бўлган. Ўрта аср тарихчи-географлари Ибн Ҳавқал, ал-Истаҳрий, ал-Муқаддасийларнинг ёзишларича, “Дизак текисликда (жойлашган) шаҳар. Унинг ёнида Фанкон номли рустоқи бор. Уруш вақтида унда Самарқанд аҳолиси тўпланади. Унда кўп сонли одамларни сифдирадиган работлар бор... Дизакда оқар сувлар ва боғлар бор. У ҳосилдор шаҳар. Дизакликлар жун ва тивитдан кийим-кечак тикишга, гилам тўқиши ва намат босиш ишларига ниҳоятда уста”⁵ эканлиги баробарида дехқончилик борасида ҳам моҳир бўлганлиги таъкидланади. Манбаларда таъкидланишича, ўлқада мевалар шу қадар кўп етиширилганки, ҳатто мевалар билан уй ҳайвонлари боқилган. Шаҳарда ҳунармандчилик, шаҳар атрофида зироатчилик ривожланган.

Уструшона бўйича илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Худуд ул-Оlam” асарида ҳам Жиззах воҳаси ҳақида маълумотлар бор. Унда ёзилишича, “Дизак оқар сув яқинидаги унча катта бўлмаган шаҳар. Унинг ёнида Марасманд деган жой бор, ҳар йили у ерда ярмарка бўлади ва айтишларича, бир кунлик савдо муомаласи 100000 динордан ошади”⁶. 1X–X асрларда Дизак шаҳри муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга ҳам эга бўлган. Дизак бу даврда даштдан кириб келувчи чўлликларнинг талончилик юришларига қарши зарба берувчи ислом лашкари “ғозийлар” қароргоҳига айланган.

⁴ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард... –Б. 69.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Сверчков Л.М. Поселение Мық–источник по истории средневековой Уструшаны: Автореф.дис.... канд.ист.наук.- Самарканд,1991. –С.15.

Шу сабабли Дизакда нафакат уструшоналикларнинг, балки самарқандликларнинг ҳам хусусий роботлари қад кўттарган⁷. Жиззах воҳасида роботларни бошқа иншоотларга нисбатан кўп ва моҳирлик билан қуришган. Худайсар роботининг овозаси эса узоқ элларгача тарқалган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам яна бир ўрта аср муаллифи Аҳмад ал-Котиб Уструшона ҳақида: “Бу улкан ва муҳим аҳамиятга эга мамлакат, унда 400 та қалъя ва бир қанча йирик шаҳарлар мавжуд”⁸, – деб таъкидлаган. “Қалъя ва роботлар мамлакати” ҳисобланган Уструшонанинг Фағнон рустоқи бошқа маъмурий ҳудудлар қатори Сомонийлар давлатига қўшиб олингандан кейин ҳам янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, араб ёзма манбаларида қадимги ва ўрта асрлардаги Уструшона давлати тарихи, хусусан, Жиззах вилоятида жойлашган тарихий ёдгорликлар ҳақида ғоят қимматли, холис маълумотлар берилган. Уларда Уструшонада, бир томондан, дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, иккинчи томондан эса воҳанинг обод бўлиб гавжумлашгани, ички ва ташқи савдо ҳамда товар-пул муносабатлари кенгайишига сабаб бўлганлиги таъкидланади. Бу ҳолат аҳолининг доимий сифиниш объектлари билан бир қаторда, тарихий ёдгорликлар ва аҳоли зиёратгоҳлари ҳам обод бўлиб боришига сабаб бўлган.

Айнан муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар қайд қилинган ҳамда улар билан боғлиқ маълумотлар қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, туркий халқларнинг VIII асрга оид ёдгорликларидан бири “Билга хоқон битиги”даги фикрлар эътиборга молиқдир. Чунки туркийлар эътиқодига кўра зиёратгоҳларни асраб-авайлаш жуда муҳим бўлиб, уларни қўлдан бериб қўйиш

⁷ Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касима ибн Хаукаля. Труды САГУ. – Ташкент, 1957.– С. 21.

⁸ Грицина А.А. Уструшанские были. – Ташкент: Издательство народного наследия им. А. Кадыри, 2000. –С. 33.

урф-одатлардан ажралиб, ёвга таслим бўлиш билан teng⁹, деб ҳисобланган. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарида “инсоннинг моддий маданият ёдгорликларига бўлган муносабати унинг ахлоқий камолоти қай даражада шаклланганлигини англатган”¹⁰, –дейилади.

Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг “Насабнома”¹¹ асарида бир боб самарқандлик олимлар тавсифига бағишлиланган бўлиб, унда Уструшона шаҳар ва қишлоқларидан етишиб чиққан Ал-Ховасий, Аз-Зоминий, Ал-Уструшаний, Ас-Санжуфиний, Аш-Шиблий, Ал-Можармий, Ан-Нужоникасий, Ал-Ёркасий, Ас-Собатий, Ал-Кабудий ва Ал-Худисарий каби бир қатор олим, шоир, муҳаддис ва фақиҳлар ҳақида маълумот берилади. Ушбу маълумотлар Жиззах воҳасидаги бугунги кунда мавжуд бўлган қадамжо ва зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, уларнинг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Тарихий ёзма манбаларда Жиззах воҳаси аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда муқаддас қадамжолари тўғрисида маълумотлар қайд этилган бўлиб, хусусан Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридаги 1367–1368 йилларда бўлиб ўтган уруш воқеаларига боғишлиланган бобда Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи ва Малик роботи (Малик ота зиёратгоҳи жойлашган ҳудуд) ҳақида маълумот берилган¹². Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида эса Дизак ва унинг атрофидаги Зомин, Йом, Хавос сингари қўрғон ва кентлар аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида ёзилган¹³. Воҳа зиёратгоҳлари ва аҳоли урф-одатлари билан боғлиқ маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида анча кенг ёритилган. Муаррихнинг

⁹ Эралиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти). 1-китоб. – Тошкент: Turon Zamin Ziyo. – 2014.–Б. 7.

¹⁰ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б. 12–137.

¹¹ Абу Саъд Абдулкарим Самъоний. Насабнома / Арабчадан Абдулғаффор Рассоқ таржимаси, 1 -жилд. – Тошкент: Ҳилол, 2007. – Б. 134–200.

¹² Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 68–70.

¹³ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 36, 54–55.

ёзишича, “Уструшона бир пайтлар Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган”. Шунингдек, асарда Жиззах воҳасидаги аҳоли масканлари – Дизак, Зомин, Йом, Пешағор, Ёр-Яйлоқ, Халилия каби кентлар ва Илонўтти дараси ҳақида маълумот берилади. Улардан биз учун Сайд Бурхониддин Қилич (Зомин туманида шу номдаги зиёратгоҳ) авлодлари тўғрисидаги маълумотлар қимматлидир. Унда: “...Хожа Мавлонойи Қозининг исми Абдуллодир. Бу ном билан машҳур бўлган эди. Ота тарафдин насаби Шайх Бурхониддин Қиличга туташади. Она тарафидин Султон Илик Мозийга боғланади”¹⁴, тарзида ёзиб қолдирилган.

Маълумки, узоқ тарихий тараққиёт жараённида Мовароуннахрда (Туркистанда)ги муқаддас қадамжолар, жумладан, мадрасалар, масжидлар, зиёратгоҳлар, диний авлиёларга вақф сифатида инъом этилган, васият қилиб қолдирилган ер ва мол-мулкларидан солиқлар олинмаган. Аммо В. Наливкиннинг ёзишича, 1880 йилда Губернатор Фон Кауфманнинг буйруғига биноан вақф маҳкамалари, хусусан, зиёратгоҳлардан ва уларга қарашли мол-мулклардан «земство солиғи» олиш жорий этилади¹⁵.

1886 йилда чиқарилган “Туркистан ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг 265-266-267-236-289-ҳамда 299-моддалари бевосита тарихий-маданий қимматга эга бўлган ёдгорликларга ва уларнинг вақф мулкларини тафтиш қилишга оид бўлган¹⁶. Натижада Туркистан ўлкасида 1882 йилда подшо Александр III нинг “Туркистан ўлкасини тафтиш қилиш” тўғрисидаги буйруғига кўра, ҳарбий маслаҳатчи Гирс бошчилигига юзлаб тарихий қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг вақф мулклари ҳам мусодара қилинган. Шубҳасиз, булар орасида Самарқанд вилояти, Жиззах уезди зиёратгоҳлари ва қадамжоларига тегишли мулклар ҳам бўлган. Хусусан, М.Е. Салье томонидан рус тилига таржима қилинган “Маноқиби Хўжа

¹⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 60–61.

¹⁵ Наливкин В.П. Положение вакфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания // Ежегодник Ферганской области. Т. III. – Новый Маргелан, 1904.– С. 3–16.

¹⁶ Там же.

Ахрор” асаридаги маълумотларга кўра Хўжа Ахрорнинг Темурийлар даврида Мовароуннахрдаги масжидлари, мадрасалари ва бошқа диний характердаги мол-мулклари тасарруфига Жиззах воҳасидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга туташ каттагина суформа ерлари ҳам кирган¹⁷. Хўжа Ахрор Валий ерларидан ташқари, зиёратгоҳлардан тушган маблағларнинг бир қисмини давлат ҳисобига ва маълум миқдордаги маблағ эса маҳаллий ҳукмдорларга совға тариқасида ўтказиб турилган¹⁸. Бундан кўринадики, хукумат ўша даврда ҳам қадамжо ва зиёратгоҳлардан моддий манфаат кўрган.

XIX асрнинг 60–70– йиллари ҳарбий топограф Г.А. Аминов раҳбарлигига Мирзачўл ва Жиззах чўлларида археологик қидирув ва топографик ишлар ўтказилган. У қадимги ўтрок аҳоли манзиллари ва Эски-Туятортар шоҳ ариғи сувлари ўзани ва унинг Мирзачўл дашт мавзеларигача етиб келгани ва унинг атрофи бўйлаб жойлашган масканларга тўхталар экан, бевосита қадамжоларни ҳам санаб ўтган. В. Наливкин, В.Ф. Караваев, И.А. Кастанье, Н. Лиқошин, П.С. Скварский каби ўлкашунослар ҳам у ёки бу мавзу доирасида Жиззах воҳасига туташ ёдгорликлар хақида умумий маълумот тарзида тўхталиб ўтишган¹⁹.

Д. Ошанин, В. Радлов, Н. Веселовский, А. Самойлович, И. Мушкетовларнинг ўлқадаги тарихий-маданий обьектлардан зарур материалларни йигиши, саралаш ва уларни музейлаштириш билан боғлиқ ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади²⁰. Шу тариқа кўплаб зиёратгоҳлар ва муқаддас жойларга экспедициялар уюштирилади. Ушбу олимларнинг изланишларидан воҳа зиёратгоҳларининг жойлашган ўрни ва ўша даврдаги ҳолати ҳақида маълумот олиш мумкин. Бу даврда яратилган адабиётларнинг

¹⁷Пардаев А. Жиззах беклиги –Ўрта Осиё ҳонликлари даврида (XVI асрдан XIX асрнинг 60 - йилларигача): Тар.фан.ном.... дис. – Тошкент, 2004.– Б. 35.

¹⁸Ўша жойда.

¹⁹ Караваев В.Ф. Голодная степь в ее прошлом и ностащем.– Петербург, 1914; Кастанье И.А. Древности Ура-Тюбе и Шахристана //ПТКЛА. Год двенадцатый.–Ташкент, 1915. –С.44; Скварский П.С. Несколько слов о древностях Шахристана // ПТКЛА.–Ташкент, 1896. – С. 44.

²⁰Рахмонов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.–Б. 157.

аксариятида зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши ва қаерда жойлашгани тўғрисидаги ҳамда Россия империяси даврида диний қарашлардаги ўзгаришлар ҳамда унинг натижасида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга бўлган муносабатни кўриш мумкин. Шунингдек, аксарият адабиётларда қадамжо ва зиёратгоҳларга тарихий ёки ижтимоий обьект сифатида муносабатда бўлинганини, бу жойларнинг халқнинг маънавий ҳаёти ва кундалик турмушида тутган ўрни каби масалалар четда қолганини кўриш мумкин. Умуман олганда, XX асрнинг 20–йилларигача Жиззах воҳасидаги тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳларни ўрганиш бўйича алоҳида мавзу доирасида, маҳсус режага асосланган экспедициялар уюштирилмаган.

Советлар даврида Жиззах вилояти зиёратгоҳлари, тарихий-маданий обьектлари ҳақида баъзи олимлар ва мутахассисларнинг асарлари таҳлил этилди. XX асрнинг 20–30–йилларидан бошлаб Туркистон Халқ комиссарлиги ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жиззах уездларига маҳсус этнографик экспедициялар уюштирилган. XX асрнинг 20–йиллари охиридан, айниқса 1928 йил Средазкомстарис (Ўрта Осиё санъати ва табиати, музей ишлари ва қадимги ёдгорликларини қўриқлаш қўмитаси) ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларида тарихий ёдгорликларни режали асосда ўрганиш бошлаб юборилади. Археолог М.Е.Массон бошчилигига маҳсус экспедиция уюштирилиб, унда Мирзачўл сардобалари тарихи ўрганилган²¹.

М. Андреев бошчилигидаги экспедиция Жиззах ва Нурота атрофларидағи аҳоли пунктларида ҳамда унга туташ Қизилкум чўлида ҳам амалга оширилган²². И. Зарубин бошчилигига эса Самарқанд вилояти уезд ва волостларига, Жиззах уездининг Фориш, Синтоб, Қоратош, Накурт, Боғдон, Тўсин волостларига этнографик экспедициялар уюштирилиб, анчагина статистик ҳамда этнографик

²¹ Массон М.Е. Проблема изучения цистеры-сардoba // Материалы Узкомстариса. –Ташкент, 1935. № 8.

²² Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область в 1921 г. // Изв. Туркестанского отдела Русского географического общества. Т. XVII. – Ташкент. – 1924. – С. 121–140.

маълумотлар тўпланган²³. Уларнинг айримларида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тарихи, ўша даврдаги аҳволи ва ижтимоий ҳаётда бажараётган функцияси тўғрисидаги маълумотлар қайд қилинган. Жумладан, М. Андреев асарида масжидлар, қабристонлар ва бошқа моддий маданият ёдгорликлари рўйхатини келтирас экан, уларни бошқарувчи имомлар, мутавалилар ҳамда диний уламоларнинг фаолиятларини кўпроқ хурофий мазмунда бўлган, деб ҳисоблайди²⁴. Бу жиҳатдан олим ушбу масалага совет тузуми мафкураси нуқтаи назаридан ёндашганлигини англаш қийин эмас.

XX асрнинг ўрталаридан эътиборан Жиззах воҳаси тарихи ва моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш бошланиб, бу борада ўtkазилган дастлабки тадқиқотлар Я. Фуломов, А. Мухаммаджонов номлари билан боғлиқ. Жумладан, XX асрнинг 50–60–йилларида воҳадаги Қулписар ота, Дунётепа, Қалиятепа археологик ёдгорликлари, Такатош қоятош суратлари, Жиззах воҳасининг “Канпирак” девори топилган ва тадқиқ қилинган²⁵. Мазкур тадқиқотлар, асосан, археологик характерда бўлсада, уларда Жиззах шаҳридан 30 км шимолда жойлашган, IX–X асрларга оид “Қулписар” зиёратгоҳининг роботи ва ушбу ҳудуддаги Дунётепа археологик обьекти очиб ўрганилганлигини қайд қилиш лозим. Я. Фуломовнинг фикрича, “Қулписар ота” ёдгорлиги халқ орасида муқаддас ҳисобланиб, бу ерга шифо ёки мадад тилаб келган кишилар турли ибодатлар қилиб, зиёрат одатларини бажарганлар²⁶. Ушбу зиёратгоҳга ҳозирга кунда ҳам маҳаллий қозоқ ва ўзбек миллатига мансуб кишилар келиб турли хил маросимлар ўтказишади.

XX асрнинг 80–йиллари тадқиқотлари негизида Н. Раҳмонов ва А. Умаралиевларнинг “Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари” асарида

²³ Зарубин И. Население Самаркандской области (Численность, этнографический состав и территориальное распределение). – Ленинград: Изд-во Акад. наук СССР, 1920. – 32 с.

²⁴ Андреев М. Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандскую область... – С. 32.

²⁵ Гулямов Я. Кладбище Кулпи - Сар // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 2.– Тошкент: Фан, 1961. – С. 92–96.

²⁶ Гулямов Я. Кладбище Кулпи-Сар... – С. 92 .

маданиятнинг барча компонентлари қатори, совет даврида Ўзбекистонда маданий ёдгорликлар, музейлар, тарихий қадамжоларнинг аҳволи, уларни совет тузуми талабларига мослаштирилишига оид умумий маълумотлар қайд қилинган²⁷.

Совет даврига оид адабиётларда масаланинг сиёсий томонига кўпроқ эътибор қаратилиб, воҳада жойлашган зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг сони ҳисобланган ҳамда айrim ҳолларда маданий ёдгорликлар қаторида тилга олинган. Уларнинг жамиятдаги вазифалари эса ғоявий жиҳатдан экологик тизим нуқтаи назаридан кўриб чиқилиб, музей ёки қўриқхона шаклида талқин қилишга эътибор берилиб, ушбу жойлар миллий–диний қарашлардан узокроқ тутилганини кўриш мумкин. Яъни, бу даврда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга бўлган муносабатда обьектни “жисмонан” йўқ қилишга эмас, унга нисбатан халқнинг ғоявий қарашини ўзгартиришга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида, ўзбек халқи турмуш тарзининг турли қирраларини комплекс тарзда ўрганиш туфайли, ушбу йўналишдаги илмий изланишларнинг янги авлоди шакллана бошлади. Ана шундай изланишлар самараси сифатида воҳалик адаб Оға Бургутлининг “Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” номли рисоласини келтириш мумкин. Бу асар воҳа зиёратгоҳларига бағишланган ягона рисоладир²⁸. Рисолада воҳа зиёратгоҳларининг шаклланиши ҳақидаги афсона ва ривоятлар, уларнинг луғавий маъноси, архитектураси ва давлат муҳофазасига олинган архитектура ёдгорликларининг ҳолати ҳақида сўз юритилади. Муаллиф ушбу рисолада зиёратгоҳларнинг шаклланиши тўғрисидаги ўз қарашларини баъзи илмий манбалар билан бир қаторда, афсона ва ривоятлардан ўринли фойдаланган ҳолда таҳлил этган.

2010 йилда чоп этилган “Жиззах” фотоальбомида мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган қурилиш, ободонлаштириш ишлари, миллий-маданий

²⁷Рахмонов Н., Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 156-157.

²⁸Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фан, 2008. – 50 б.

қадриятларнинг қайта тикланиши, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида сўз кетганда Саъд ибн Абу Ваққос, Ўсмат ота, Новқа ота, Хўжамушкент ота, Парпи ота ва Қулписар ота сингари муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг жойлашган ўрни, архитектураси, улар тўғрисида ривоятлар ҳамда аҳолининг ижтиомий-маънавий ҳаётига таъсири тўғрисида умумий маълумотлар келтирилиб, зиёратгоҳларда амалга оширилган қурилиш, ободонлаштириш ишлари ёритилган²⁹.

Рустамжон Раҳматуллозоданинг изланишларида ўрта асрларда воҳанинг ҳозирги Фориш тумани қишлоқларида яшаб ўтган ва ислом оламида ўзларининг асарлари билан танилган Асад ибн Али ал-Можармий, Ҳасан ибн Али ал-Можармий, Нуҳ ибн Жаноҳ ал-Можармий, Собир ибн ал-Муҳаммад ибн Абдулло ал-Пораштий, Муаҳмад ибн-Ҳасан ал-Пораштийларнинг номлари ҳамда улар томонидан қолдирилган илмий мероси тўғрисида маълумот бериш билан бир қаторда, туманинг Можрум қишлоғидаги Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳига номи берилган шахс Ҳазрати Зайнулобиддин ва унинг шажараси ҳақидаги маълумотларни ҳам таҳлил қилган³⁰. Ушбу манбадаги маълумотлар қисқача рисола даражасида ёзилган бўлсада, унда воҳанинг ислом оламидаги машҳур кишилари номлари билан боғлиқ бўлган “Ҳазрати Зайнулобиддин” зиёратгоҳининг бугунги кундаги аҳоли орасидаги ижтиомий-маънавий аҳамияти баён қилинган.

Суюндик Мустафо Нуратоийнинг асарида Ўзбекистондаги қатор қадамжолар ва зиёратгоҳлар, шу ерда яшаб ўтган машҳур диний авлиёлар ҳақида маълумотлар берилган³¹. Айнан мазкур асарда муаллиф Жиззах воҳасидаги Саъд ибн Абу Ваққос ва Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳларига ҳам қисқача тавсифлар бериб, ушбу зиёратгоҳларга номи берилган шахсларнинг шажаравий келиб чиқиши ҳамда уларнинг авлиёлик хислатлари билан боғлиқ жиҳатларига тўхталган.

²⁹ Жиззах. Фотоальбом/Тузувчи ва матнлар муаллифи Ў.Носиров. – Тошкент: Тафаккур, 2010. – 357 б.

³⁰ Рустамжон Раҳматуллозода. Аждодлар меросига эҳтиром. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 3-14.

³¹ Суюндик Мустафо Нуротоий. Мунаввар қадамжолар . – Тошкент: “Ноширлик ёғдуси”, 2011.– 83 б.

Б. Эралиев, М. Қораевларнинг рисоласида Ғаллаорол тумани Авлиё қишлоғидаги муқаддас қадамжога номи берилган Саъд ибн Абу Ваққоснинг шахсияти билан боғлиқ фикрлар баён қилингандык. Китобда айнан Саъд ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Сурхондарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Андижон шаҳрида ҳам мавжуудлиги қайд этилади.

Сўнгги йилларда воҳа зиёратгоҳларининг аҳамияти ва ҳудуднинг иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, муқаддас қадамжоларнинг бугунги ҳолати ва жойлашган ўрнига бағишлиланган турли илмий изланишлар амалга оширилди. Шундай асарлардан бири Б.Эралиев бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан нашр этилган “Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари” (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) номли китобдир³². Асарда Жиззах воҳасига мансуб қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотлар туманлар кесимида ўрганилган бўлиб, бунда кўпроқ зиёратгоҳларнинг ижтимоий-маънавий хусусиятларига эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида бир қатор маҳаллий ўлкашуносларнинг ўз қишлоқлари, маҳаллалари ва бу ердаги зиёратгоҳлар тарихи ҳақида ёзган рисолалари чоп этилган³⁴. Юқорида таъкидланган рисолалар тўла илмий характерда бўлмаса-да, муаллифларнинг қишлоқлари ўтмиши, муқаддас қадамжолари ва бугунги ҳолати, олиб борилаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳақидаги маълумотлари этиборга моликдир.

Н. Абдулаҳатовнинг Фарғона водийси зиёратгоҳларига бағишлиланган тадқиқотида, ушбу ҳудуддаги зиёратгоҳларга ургу берилган бўлсада³⁵, унда муаллиф

³² Эралиев Б., Қораев М. Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016.– 63 б.

³³ Эралиев Б. ва бошқалар. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари). IV китоб. – Тошкент: Турон замин зиё, 2017.–228 б.

³⁴ Раҳмонов Т. Нарвоннома. – Гулистон: Зиё, 2009.–228 б.; Тиловов Т. Фўбдин ва ғўбдинликлар ҳақида. – Тошкент: Янги нашр, 2015, –39 б.; Толипов Ф. Мозийга бўйлашган маскан (Гараша қишлоғи ҳақида тарихий-этнографик рисола). – Тошкент: Нижол, 2008.–192 б.; Нурматов Э. Қоплонли ота қадамжоси. – Жиззах: Санѓзор, 2010. –8 б.

³⁵ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006.

масалани худудлараро қиёсий ўрганган. Шу боис ушбу илмий иш Жиззах вилоятидаги мавжуд афсона ва ривоятлар асосидаги ҳамда реал тарихий шахсларга оид маълумотлардаги ўхшашликларни таҳлил қилиш ва ўзаро таққослаш имконини беради. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, водий ва воҳа зиёратгоҳлари, уламо ва авлиёларнинг тарихий тақдирларидағи айрим ўхшашликлар мавжуд.

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари тўғрисида З. Абидованинг олиб борган тадқиқоти худуддаги зиёратгоҳнинг таснифи, таъсир даражаси ва локал хусусиятларига доир янги изланишлар олиб борилган³⁶. Ушбу иш орқали Хоразм воҳаси зиёратгоҳларини Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари билан таққослаш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида яратилган адабиётларда зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларнинг кишилар ва жамият маънавий барқарорлигига тутган ўрни, зиёратгоҳларнинг ички туризмни ривожланитиришда муҳим восита эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу асарларда мавзуни фақат тарих фани билан боғлиқлиқда эмас, балки уни бошқа бир қатор йўналишлар, этнография, социология, диншунослиқ ва бошқа фан соҳалари усууллари асосида ҳам ёритишга ҳаракат қилинган. Айниқса, давлатимиз томонидан маданий мерос объектларини қайта тиклаш ва уларнинг муҳофазасини ташкил қилиш борасида қабул қилинган қарорлар бу борадаги ишларнинг кўламини янада ёрқинроқ кўрсатиб беради.

Ўзбек халқи турмуш тарзи ва моддий маданиятининг қатор жиҳатлари хорижлик олимлар эътиборидаги масала эканлиги ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, А.Шевяковнинг илмий изланишларида Жиззах воҳасининг Нуротага туташ қишлоқларидағи қатор зиёратгоҳлар ҳақида маълумотлар бериб ўтилган³⁷. Муаллифнинг Нурота тоғ тизмасида тарқалган ўзбеклар маданияти, турмуш тарзи ҳақидаги мулоҳазалари ва зиёратгоҳларнинг тарихи, диний уламолар ва уларнинг

³⁶ Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тар. фан. бўйича фал. док. (PhD)... дис.–Тошкент, 2018.

³⁷ Шевяков А.О коренном населении Нуратинских гор и прилегающих районов. (Материалы полевых исследований 1988 - 1998 гг) // Восток. – 2000. – № 3. – С. 17-35; – № 4. – С. 19-33.

шажараларига оид маълумотлари, айниқса, қимматлидир. Аммо, муаллиф воҳанинг Фориш туманидаги бир қанча қишлоқлардаги, яъни Нарвон ота, Ҳасан ота, Жондахор ота каби қатор зиёратгоҳлар тавсифи ҳамда номларининг луғавий маъносида баъзи хатоликларга йўл қўйган.

Қирғизистонлик А.Самаков ва Г.Аитпбаевалар сўнгги йилларда зиёратгоҳларнинг инсон ҳаётида тутган урни, қадамжоларнинг ёпиқ зоналар кўринишида сақланиб қолиши каби масалалар юзасидан салмоқли ишларни амалга оширидилар. Улар зиёргогоҳларни ўзига хос жамоавий ҳудуд сифатида талқин қилиб, унинг фаолияти, бажариладиган маросимларнинг кетма-кетлик тартиби ҳамда жамоа орасидаги ўрни каби масалаларни белгилаш мутлақо табиий бўлиб, бу жараёнга на шахслар, на давлат таъсир қила олади, деган фикрни илгари сурғанлар. Шу нуқтаи назардан айнан қадамжолар сокрал жойлар сифатида одамларга ва ҳудудларга тегишли маданиятни сақловчи локал қўриқхона тарзда талқин қилинган³⁸.

Испаниялик олим Антонио Алонсо ўзининг илмий қарашларида собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин мустақил республикаларда, айниқса, Ўзбекистонда ислом дини билан боғлиқ зиёратгоҳларга бўлган аҳолининг муносабати, шунингдек, авлиёлар культига эътиқод ва муқаддас жойлар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган маросимлар тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган.

Д. Абрамсон ва ўзбекистонлик Э. Каримовлар томонидан Ўзбекистонда олиб борилган дала тадқиқотлари жараёнида тадқиқ қилинган муқаддас жойлар ҳақидаги фикрлар билдирилган мақола чоп этилган бўлиб, унда бугунги кунда Ўзбекистонда ислом эътиқоди ва зиёратгоҳларга муносабат, зиёрат, хайр-эҳсон тушунчалари ва аҳолининг зиёратга бўлган муносабати қандай ўзгаришлар сари юз тутганлиги борасида фикр билдирилган. Муаллифлар зиёратгоҳларни иқтисодий жиҳатдан

³⁸ Samakov A. & Berkes, F. Spiritual commons: sacred sites as core of community-conserved areas in Kyrgyzstan. International Journal of the Commons. 2017– 11(1). –P.422–444; Samakov A. Sacred sites: opportunity for improving biocultural conservation and governance in Ysyk-Köl Biosphere Reserve, Kyrgyz Republic.–2015; Gulnara Aitpayeva. Sacred sites of Ysyk-köl: spiritual pover, pilgrimage and art. Bishkek. Aigine Cultural Research Centre. 2009.–354 p.

тахлил қилишга эътиборни қаратганлар ва этнографик кузатувлар жараёнида уларнинг молиявий ахволини ўрганиб, жамиятнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрнини ёритишга харакат қилганлар. Бугунги кунда муқаддас жойлар обод бўлаётганини зиёратчиларнинг кўпайиши ва аҳолининг зиёратгоҳларга қилаётган ҳайр-эҳсонларининг ошиши билан боғлиқ, деган хуносага келинган.

Бундан ташқари, Н.Терлецкийнинг зиёрат тушунчаси, зиёратгоҳлар семантикасига доир мулоҳазалари, С. Абашиннингавлиёлар культи билан боғлиқ илмий асосланган фикрлари ва А. Сызрановнинг зиёратгоҳлар ва уларни таснифлашга доир бир қатор илмий тадқиқотлари диққатга сазовордир³⁹.

Хуллас, илмий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, Жиззах воҳасидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихий ва этносоциологик жиҳатдан ҳали ўрганилмаган.

³⁹ Терлецкий Н. Знамя для моления (Символизм и функция туза в практике зийарата у народов Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб.: МАЭ РАН, 2009. – С.112–117.; Его же. К вопросу о типологии мест паломничества и поклонения Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб.: МАЭ РАН. 2009. – С. 381–383; Его же. Некоторые древние атрибуты мусульманских мест паломничества и поклонения (к вопросу о функциях и символизме туза). Центральная Азия: Традиция в условиях перемен // РАН. МАЭ им. Петра Великого. Вып. 2. – СПб. 2009.– С. 112–149.; Абашин С. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. – № 2. – С.128–131; Соблазны культа святых (вместо предисловия) / Абашин С., Борбонников В // Подвижники ислама: Культ святых и суфизмы в Средней Азии и на Кавказе. – М.: 2003. – С. 3–17.; Сызранов А. Мусульманские святые места как объект этнокультурного наследия тюркских народов Нижнего Поволжья // Гуманитарные исследования. – 2011. – № 4 (40). – С. 38–44.

1.2. Қадамжо ва зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ўзбек халқининг маънавий дунёқарашида алоҳида қийматга эга бўлган обьектdir. Умуман олганда, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар маҳаллий аҳолининг азалий орзу-умидлари, истаклари ва урфодатларини ўзида мужассамлаштирган ғоялар мажмуаси сифатида асрлар оша халқни эзгулик сари чорлаб келган, уларнинг маънавий қарашларини шакллантирган. Халқимиз руҳий эҳтиёжини қондириш ва диний нуқтаи назардан таскин топиш мақсадида турли қадамжо ва зиёратгоҳларга ташриф буюради ҳамда у ерда турли маросимларни бажариб, бу борадаги зиммасига тушган вазифаларни бажарганлик ҳиссини ўзида шакллантиради.

Шу боисдан республиканинг барча ҳудудларида бундай зиёратгоҳлар мавжуд ва доимо аҳоли билан гавжум. Шу ўринда зиёратгоҳ ва қадамжо тушунчаси ва халқнинг бу ибораларга муносабатини ойдинлаштириш зарур.

Зиёратгоҳни сифинадиган, зиёрат қилинадиган муқаддас жой, шунингдек, кишилар кўп борадиган, йиғиладиган мўътабар жой⁴⁰, деб ҳам аташ мумкин.

Зиёратгоҳларнинг барчаси олдин қайсиdir авлиёнинг қабри (мақбараси) ёки “қадамжоси” (авлиёни қадами етган жой) ҳисобланиб, адабиётларда қадамжо сўзига куйидагича таъриф берилганини учратиш мумкин: **қадамжо** –(авлиёлар) қадами теккан жой. Зиёрат қилиш, сифиниш учун бориладиган, мўъжизали, муқаддас деб саналувчи жой⁴¹, яъни халқ учун алоҳида эъзозга эга бўлган авлиёларнинг қадами етган, маҳаллий аҳоли томонидан турли сабаблар билан зиёрат қилинадиган ва алоҳида муҳофазага олиниши натижасида зиёратгоҳга айланган муқаддас маскан сифатида таърифлаш мумкин.

⁴⁰Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006.–Б.148.

⁴¹Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008.–Б.204.

Умуман олганда, юқоридаги таърифдан ҳам кўриниб турибдики, қадамжо ва зиёратгоҳнинг жамиятда бажарадиган функцияси умумий бўлиб, халқ орасида ҳар иккаласи қариб синоним тушунчалар сифатида талқин қилинади.

Зиёрат – муқаддас жойларга, мозор ва қабристонларга бориб, муайян расм - русумларни бажариб келиш. Зиёрат маросими, одатда, қабр тепасида Қуръоннинг айрим сураларини ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек, хайр-эҳсон, садақа беришдан иборат⁴². “Зиёрат” сўзининг замирида умид қилиш, енгил тортиш, дардан халос бўлиш, савоб ишга қўл уриш, авлиё пирлардан мадад сўраш тушунчаси ётади⁴³. Дастлаб, ислом динида Макка зиёратидан бошқа зиёратлар тан олинмаган. Лекин, кейинчалик маҳаллий урф-одатларни сақлаган ҳолда Макка зиёрати элементларини нусхалаштирган маҳаллий қадамжолар зиёрати ривожланиб кетган⁴⁴. Исломшунос олим Б. Бобоҷоновнинг таъкидлашича, зиёрат амалиёти исломда илк даврларда таъқиқланган ва кейин пайдо бўлган⁴⁵. Бунга ўрта асрларда юз берган урушлар, таҳликали йилларда Ҳаж зиёратини амалга ошириш учун йўлларда хавф-хатарнинг кўпайиб кетиши исломий фарз арконларини адо этиш, Ҳаж амалларини бажариш учун зиёратга бориш ниятида бўлган мусулмонлар турли жойларни зиёрат этиш билан ўзларидаги ташналикни қондиришган. Шу боисдан ҳам XI–XII асрларда энг кўп зиёрат қилинадиган мозорлар, Каъба зиёратига боришнинг имкони йўқлиги туфайли, Маккадаги ҳаж вазифасини бажарган. Самарқанддаги Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат қилиш Каъба зиёрати билан тенглаштирилган бўлиб, зиёратчилар Каъба атрофида етти марта айланганларидек, бу мазор атрофида ҳам етти бор айланганлар⁴⁶.

⁴²Ислом энциклопедияси / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017.– Б.184.

⁴³Ислом: Справочник / М. А. Усмонов таҳрири остида. – Тошкент, Ўзбек энциклопедияси, 1987.–Б.85.

⁴⁴Огудин В.Л. Места поклонения Ферганы как объект научного исследования // ЭО. – 2002.– №1.–С. 75.

⁴⁵Бабажанов Б. «Новшество (бид‘ат) — худшее из заблуждений?» Фетишизация ритуальной практики глазами кокандских авторов XIX в. – М.: Pax Islamica 1(4). – 2010. – С. 26.

⁴⁶Немцева Н.Б. Тожикистон жанубидаги хожа Махшад кўп функцияли меъмориал-ибодатхона мажмуаси//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.1995 йил. 5-6-7-8 сон.- Б.128–130.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, юқорида тилга олинган мозорларга ҳам бора олмаганлар ҳаж амалларини ўзларига яқин ва бориш бехатар бўлган муқаддас мозорларда бажарганиклари сабабли, маҳаллий ҳудуддаги зиёратгоҳлар ахоли учун муҳим ўрин эгаллаган.

“Зиёратчи” дейилганда муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши⁴⁷ тушунилади. Зиёратдан қайтганлар ўша жойлардан эсдалик совғалар келтирганлар.

Зиёрат қилиш одати нафакат муқаддас жойларга нисбатан, балки ота-она ва барча қариндош-уруғлар, аждодлар руҳи боқий ором топган қабристонларга бориб дуои фотиҳа ўқиши, қариялар ва беморларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам дир. Диний уламолар фикрига кўра, зиёрат эркаклар учун мустаҳаб амалларидан бири ҳисобланган. Аёллар учун фақатгина Муҳаммад пайғамбарнинг қабрини зиёрат қилишга маҳсус рухсат берилган.

Айрим манбаларда эса аёллар учун ҳам қабр зиёратининг заари йўқ, фақат бунда фитнадан холи бўлиш, ислом ахлоқи ва интизомига, зиёрат одобига риоя қилиш шарт, деб кўрсатилган⁴⁸. Бизнингча, бу фикрларда балогат ёшидаги аёллар учун ибодат қилиш таъқиқланган кунларда зиёратгоҳларга келиш, шунингдек, кўпроқ аёллар томонидан бажариладиган қабрларни тавоғ қилиш, юз-кўллари билан қабрни силаш, яъни сажда қилиш, қабр устига чироқ ёкиб қўйиш сингари ширк (Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш) амалларни бажармаслик назарда тутилган.

Зиёратгоҳлар инсонни қадим аждодлари олдидағи бурчи ҳиссини англаш, ўтганлар ёдини эсга олиш, ўзи ёки яқинларида кузатиладиган касалликларга даво излаш ҳамда айрим диний амалларни бажариш йўлида муҳим восита ҳисобланади. Шу боис, Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ҳадислардан бирида: “Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарар эдим, кейин фикримга келди, огоҳ бўлинглар ва қабрларни зиёрат қилинглар, чунки зиёрат қилмоқ қалбларни юмшатади, кўзларни

⁴⁷Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006.– Б.148.

⁴⁸Мирзо Ахмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби.–Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б.9.

ёшлантиради, охиратни эслатади”⁴⁹, дейилган. Зеро, муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узок юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари хайрли ишларга ундан келган. Қадамжоларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилиш асносида айтиш мумкинки, зиёратгоҳларнинг инсон турмуш тарзидаги ўрни икки кўринишда – маънавий ва жисмоний ҳолатда юзага келади ва зиёрат қўйидаги мақсадларда амалга оширилади, яъни:

- соғлиқни тиклаш мақсадида;
- маънавий ва руҳан таскин топиш мақсадида;
- ҳомий руҳлар ва аждодлар удумини давом эттириш мақсадида;
- келажакка умид қилиш (фарзанд кўриш, мушкулларни енгиллатиш, бошлаган янги ишнинг хайрли бўлишини сўраш, ёшлар орасида эса ўқишига кириш ва х.к.)

Жиззахликлар ҳаётида зиёратгоҳлар ва уларда бажариладиган амалларнинг тутган ўрнини аниқлаш мақсадида турли ракурсларда социологик тадқиқотлар ўтказилди. Қадамжоларнинг жамиятда бажарадиган вазифасига кўра зиёратчиларнинг нима мақсадда ташриф буюриши, келувчиларнинг гендер таркиби ва зиёрат қилинадиган жойларни танлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил асосида ўрганилди. Ушбу омилларни ҳисобга олиб, воҳанинг Янгиобод, Зомин, Шароф Рашидов, Жиззах шаҳри, Фориш, Ғаллаорол ва Бахмал туманларида ўтказилган социологик сўровлар давомида қўйидагича натижалар олинди:

⁴⁹Ислом энциклопедияси. — Тошкент: ЎзМЭ, 2004.-Б. 93.




1.1-расм. Сиз зиёратгоҳларга нима мақсадда ташриф буюрасиз?

Юқоридаги жавоблар асосида айтиш мумкинки, зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётидаги асосий функцияси – маънавий эҳтиёжни қондириш ва саломатлик билан боғлиқ мушкулликларни енгиллатишидир. Жиззах воҳасига доир зиёратгоҳларнинг аксарияти аҳоли орасида мушкулларни осон қилиш каби мўжизаларга эга эканлиги билан характерлидир. Бу ҳолат қадамжолардаги шифобахш булоқлар ва улардаги балиқлар, мўјжизакор ғорлар, тошлар, дараҳтлар мисолида кўринади. Қадамжоларда бажариладиган амаллар ҳам у ерда жойлашган ва муқаддаслаштирилган обьектларга алоҳида муносабат кўринишида намоён бўлади.

Зиёратгоҳларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилишда ёш тоифаси, касби, жинси, миллати ёки бошқа кўринишларда ўрганиш мумкин. Масалани ўрганишда ҳудуднинг ўзига хос локал хусусиятлари бирламчи ҳисобланади. Шунуктаи назардан мазкур тадқиқотда аҳолининг касби ва жинси бўйича таҳлил қилишни мақсадга мувоғиқ, деб билдиқ. Зиёрат ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда

маънавий хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, ташриф буюрувчиларнинг касбий, ижтимоий таркибига ҳам ургу берилди. Сўровлар жараёнида иштирок этган зиёратгоҳ назоратчилари ва мутасадди шахсларга “Зиёратчилар орасида, асосан, қайси касб эгалари қўпчиликни ташкил қиласди? ”, – деган савол асосида қуйидаги натижалар олинди:



1.2-расм. Зиёратчиларнинг ижтимоий таркиби

Умуман, зиёратгоҳларга ташриф буюраётганлар орасида касб нуқтаи назаридан ишчилар ва деҳқонларнинг кўпроқ бўлишининг сабаби – зиёратгоҳлар ва у ерда ўтказиладиган маросимлар мавсумий характерга эга эканлигидадир. Чунки, бу касб эгаларининг фаолияти ҳам мавсум билан боғлиқ. Яъни улар мавсумий тарзда бошқа касб вакилларига қараганда кўпроқ ишдан холи бўладилар. Зиёрат мавсуми ва касб эгаларининг бўш вақтлари ҳамоҳанг келиши эса уларга ушбу маросимларда иштирок


этиш имконини беради. Иккинчи томондан, шу касб эгаларининг ўзи зиёрат мавсумини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Иккинчидан, ишсиз аҳоли қатлами (асосан, аёллар ва нафақа ёшидагилар назарда тутилмоқда) зиёратга бориш учун bemalol вакт топа оладилар, шунингдек, улар ҳаётда айрим муаммолар, жумладан, омадсизликлар, касалликларни енгишни ўзларининг рухий-эмоционал ҳолатлари билан боғлаб, зиёратгоҳларга бориб дуои фотихалар қилишни маъкул, деб ҳисоблайдилар⁵⁰. Аёллар масаласида шуни таъкидлаш жоизки, оиласа ёки яқинлар орасида кузатиладиган турли муаммоларнинг ечими қадамжоларнинг зиёрати ёки мистик табобат (фолбинлар, азаймхонлар, қушночлар) билан боғлиқ масалаларга тақалса, маросимларни ўтказиш, одатда, оиласинг аёли зиммасига тушади.

Учинчидан, аксарият эркин касб эгалари, яъни давлат иши ёки аниқ вакт бирлигига идорада ўтириши мажбурий бўлмаган шахслар турли юмушларни бажариш жараёнида йўл-йўлакай зиёрат маросимини ҳам амалга ошириб кетишиади. Эътиборли томони – уларнинг аксарияти йўл-йўлакай бажарилган ҳаракатларини маросим сифатида қабул қилишмайди. Бундай касб вакиллари фақатгина оиласи маросимларни ўтказиш учунгина яқинлари билан алоҳида қадамжоларга ташриф буюришиади.

Зиёратгоҳларнинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган функцияси асосида таҳлилни давом эттирсак, ташриф буюрувчиларнинг гендер масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Воҳага хос жиҳатлардан бири – зиёратгоҳларда бажариладиган маросимларнинг аксариятини аёллар иштирокисиз бажариб бўлмаслигига ёки аёллар жамоаси томонидан ташкил қилинишидадир. Тадқиқотлар давомида Жиззах воҳасидаги йирик зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг ўртача таҳлилини амалга оширидик. Натижада гендер кўрсаткичлари таҳлили қуйидагича намоён бўлди:

⁵⁰ Зомин, Бахмал, Фориш туманларидағи зиёратгоҳларда олиб борилган этносоциологик сўровлар натижалари. 2014 –2018 йиллар.



1.3-расм. Зиёратчиларнинг гендер кўрсаткичи

Зиёратгоҳларда гендер муносабатларининг бу кўринишда шаклланиши, аввало, зиёратгоҳнинг хусусияти билан боғлиқ. Яъни зиёратгоҳларнинг халқ орасида сақланган ҳислатлари ва жамиятда бажарадиган функцияси зиёратчиларнинг гендер таркибига ҳам таъсир ўтказади. Юқоридаги фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, воҳадаги Парпиойим зиёратгоҳида бошқа зиёратгоҳларга қараганда аёллар салмоғининг юқорилиги, бу ерда, асосан, аёллар муаммолари (фарзандсизлик, хомила тушиши ва аёлларга хос жинсий касалликлар) ва касалликлари билан боғлиқ амаллар бажарилади. Урф-одатлар ҳам, асосан, аёллар иштирокида ўтказилади.

Воҳадаги машҳур Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳига эркак зиёратчиларнинг кўплиги маҳаллий аҳолининг ушбу зиёратгоҳни қассоблар ва ўспирин йигитларнинг ҳомийси сифатида талқин қилишлари зиёратчилар таркибида эркакларнинг устунлигини таъминламоқда. Умуман, зиёратгоҳлардаги гендер муносабатларни ўрганар эканмиз, агар зиёратгоҳда маълум вақт ва қўшимча воситалар (ўзи билан олиб келиши зарур бўлган предметлар) талаб қиласиган маросимлар ўтказиладиган бўлса, у ерда аёллар кўпроқ фоизни ташкил қиласи. Дуо ўқиши, қабрларни зиёрат

қилиш, йил боши маросимлари ҳамда эҳсон каби жараёнлардан иборат маросимларда эса кўпроқ эркакларни учратиш мумкин. Чунки аксарият эркаклар оиласидаги мавжуд муаммолар ва мистик йўл билан ҳал этиладиган мушкулотларни жамиятдан сир сақлашга ҳаракат қиласидилар ва шу сабабли бу аёллар зиммасига кўпроқ юкланди.

Зиёратгоҳларга кўпроқ аёлларнинг ташриф буюриши республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам хос одат. Жумладан, О. Горшунованинг ёзишича, Фарғона водийсида эркаклар, одатда, зиёратгоҳларга зиёрат учун диний байрам кунларида ҳамда ўзи ёки яқин қариндоши бошига кулфат тушганда келиш ҳолатлари кузатилса, аёлларнинг мозор ва зиёратгоҳларга келиши одатий машгулот бўлиб, агарда умумоилавий муаммо туғилса, қоидага кўра оила аъзоларидан фақатгина аёллар борган⁵¹.

Навбатдаги масала аҳолининг қайси зиёратгоҳларга ва нима сабабдан ташриф буюришидир. Янгиобод, Зомин, Ш. Рашидов ҳамда Ғаллаорол туманидаги зиёратгоҳларда олиб борилган этносоциологик тадқиқотларда “Сиз, асосан, қайси зиёратгоҳларга кўпроқ ташриф буорасиз?”, деган саволга 67% зиёратчилар ўзларига тегишли маҳаллий “Ҳомий зиёратгоҳ”ларга кўпроқ келишларини ва ўша манзилгоҳлар ота-боболарига тегишли эканлигини таъкидладилар. 20 фоиз ахборотчилар бошқа вилоятлар ва туманлардаги зиёратгоҳларга боришга вақти ва баъзан маблағлари етишмаслигини қайд этган бўлсалар, факат 13 фоиз ахборотчилар учун бунинг аҳамияти йўқ. Демак, жамиятнинг маҳаллий зиёратгоҳларга бўлган муносабати ўз аждодлари билан руҳий боғлам вазифасини бажариши нуқтаи назаридан келиб чиқса, иккинчидан, авлиёларнинг маҳаллий ўлка учун қилган кароматлари эвазига ҳурмат маъноларида ҳам талқин қилиш мумкин.

Воҳа аҳолисининг зиёратгоҳларга мавжуд маросимларни бажариш учун ташрифини қўйидаги уч кўринишда таснифлаш мумкин:

⁵¹ Горшунова О.В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия. – Москва, , 2006. – С. 284.

- 1) оила аъзолари ёки сулолаларнинг анъанавий йил давомида амалга оширадиган зиёратлари;
- 2) ахолининг турли қатламлари томонидан, айрим расм-русумларни бажариш учун, муқаддас нарсалардан нажот истаб амалга ошириладиган зиёратлар;
- 3) маълум бир сабаб туфайли ахолининг турли этник қатламлари ва жамоалари томонидан уюштириладиган зиёратлар.

Қадимий диний эътиқодлар изларига кўра, шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир уруг, шу билан бирга оиланинг ўзига хос маънавий, руҳий ва “ҳомий зиёратгоҳлари” бўлиб, оиласидаги ҳар бир кишининг тақдири шу ҳомийлар билан чамбарчас боғлиқ, деб қаралган. Гўёки кишилар бундай жойларга келиб, турли одатларни бажаргандаридан сўнггина, ишлари бароридан келган ёки юришиб кетган ва касалликлардан фориг бўлганлар. Шунингдек, зиёрат туфайли шахсий ва оиласий муаммолар ўз ечимини топган. Бу бошқа жойларда бўлгани каби Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ҳам акс этади. Бундай расм-русумлар қўйидагилардан иборат:

-аждодлар руҳига атаб ис чиқариш, қадимги анимизм эътиқодлари билан боғлиқ одатлар сифатида, мозорларда шам ёқиши, латта тутатиш, ўчоққа ёғ сепиш кабиларни келтириб ўтиш жоиз;

-қадимги фетишизм билан боғлиқ амаллар, зиёратгоҳлардаги нарса ва буюмларни муқаддаслаштириш, уларни тавоғ қилиш, кўзига ва юзига суртиш, тошлар орасидан ўтиш, турли хил предметларни ўзи билан бирга олиб юриш кабилар. Шунингдек, мозор ёки ғорларни муқаддаслаштириш, тошлар атрофида айланиб ният айтиш, тозалаш, супуриб-сидириш, буюмлар ва тошларга бош, қўл ва белларини текизиш, улардан нажот тилаш ва бошқалар.

-шунингдек, маҳсус кишилар томонидан зиёратгоҳлар атрофида афсунлар айтиш, сехр-жоду билан боғлиқ амалларни бажариш;

-қон чиқариш, қурбонлик қилиш⁵², яъни Худо йўлига ва ўтганлар руҳига атаб ҳайвон ёки бирон жонлиқларни сўйиш ва ҳ.к.,

Зиёратгоҳлар ахолининг кундалик турмуши ва ижтимоий ҳаётида инсонларнинг руҳий мувозанатини сақлаш ва келажакка умид уйғотиш каби вазифаларни бажаради. Жиззах вилояти зиёратгоҳларида олиб борган кузатишларимизда маълум бўлишича, кишилар зиёратгоҳларга жамиятда инсоннинг ниятларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларида мадад берувчи куч сифатида қаралса, иккинчи томондан, аждодлар билан кўринмас ришта вазифасини ҳам бажаради. Умуман олганда, зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётида тутган ўрни муҳим бўлиб, улар қуидаги вазифаларни бажаради:

- коммуникатив вазифа;
- бирлаштирувчи вазифа;
- руҳий-психологик таскин берувчи вазифа.

Коммуникатив вазифа. Коммуникатив жараён - (лат. *Communicatio, communicare* – умумий қилмоқ, боғламоқ)⁵³ муқаддас қадамжоларда турли тоифадаги инсонларни бирлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини шартли равища иккига ажратиш мумкин: биринчиси, зиёратчиларнинг ўз аждодлари ёки вафот этган яқинлари билан руҳий яқинлик, кўнглида мистик боғланишни ҳис қилиш. Яъни, коммуникация зиёратчиларнинг ўзини насаб жиҳатдан ўтганлар руҳи билан боғлиқ удумларни амалга ошириши, уларни ёд этиш ва қилган амалларини хотира сифатида эслаш асосида юзага келади.

Иккинчи томондан, зиёратчиларнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси. Яъни, муқаддас қадамжолар зиёрат маскани бўлиши билан бирга, баъзида маҳаллий аҳолининг бир-бирлари билан ўзаро муносабат ўрнатувчи жой ҳам ҳисобланган.

⁵²Курбонлик арабча худога яқинлашиш, яъни унинг раҳмат-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйишни англатган. Қаранг: Ислом. Энциклопедия А-Х. 2017. – Б.619–620.

⁵³Коммуникатив – ўзаро фикр алмашув, алоқа // Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006.– Б. 395.

Зиёрат турларига эътибор қаратсак, маҳалланинг жамоа бўлиб ёки яқин қариндошларнинг ўзаро уюшган зиёрат тури ҳам мавжуд. Зиёрат баҳона қариндошларнинг йиғилиши, бир дастурхон атрофида бирлашиши ҳамда ўзаро самимий муносабатлар нафақат катталар ўргасида қавм-қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга, шунингдек, ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутади. Зиёрат жараёнида бир шахс ёки оила бошига тушган турли ташвиш ва муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш билан бир қаторда, маълум бир жамоавий юмушларни (арик ва булоқларни, қабристонларни тозалаш, кўча ва йўлакларни таъмирлаш) бажариш учун қилинадиган келишув ҳам зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини, жамиятдаги мавқеини белгилаб беради.

Бирлаштирувчи вазифаси. Зиёратгоҳларнинг навбатдаги функцияси жамият аъзоларини маълум мақсад ёки истак йўлида бирлаштиришидир. Жумладан, зиёратгоҳларда ўтказиладиган мавсумий байрамлар (Наврӯз, Йил боши, Ҳосил), сайиллар (Ийди Рамазон ва Ийди Қурбон), маросимлар (мушкулқушод, мавлуд, ақиқа, кокил қўйиш ва олиш, қурбонлик қилиш, пода қўшиш) кишиларни маълум ғоя остида бирлаштиради ва биргаликда ташкил этиладиган маросимларнинг гайритабиий кучига ишонч юзага келади. Ахборотчиларнинг фикрича, зиёратгоҳларда аҳолининг бирлашиб ўтказадиган маросимлари турли қизиқ воқеалар, жараёнларга бой ўтади ва халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Иккинчи томондан, халқнинг бирикуви натижасида қадимий урф-одат ва анъаналар турли даврлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келмоқда. Фориш тумани Можирум қишлоғида истиқомат қилувчи Рахимов Жўрабойнинг таъкидлашича, ҳар йили қишлоқдаги Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳида ўтказиладиган “Авлодлар учрашуви” маросимида совет Иттифоқи даврида турли сабабларга кўра қишлоқдан кўчиб кетган кишилар ота-боболари учун муқаддас саналган ушбу жойга йиғилиб, аждодларининг урф-одатларини давом эттиришади. Демак, зиёратгоҳларнинг бирлаштирувчи функцияси жамият ҳаётида умумий истак ва хоҳиш туйғуларини шакллантириш, миллий анъаналарни сақлаш ва бардавомлигини таъминлаш ҳамда

кишилар ўртасида жамоавий ва маросимий маданиятни шакллантиришга хизмат қиласиди.

Рухий-психологик вазифаси. Зиёрат одатига кўра зиёратчилар доимо муқаддас даргоҳларга ўзгача тавозе билан муносабатда бўлишган. Зиёрат жараёнида маҳаллий аҳоли ўзларини қийнаётган саволларга жавоб топган ва маълум бир вақт дунёғам - ташвишларидан озод бўлиб, руҳи енгил тортган. Ахборотчиларнинг фикрига кўра, зиёрат баъзи мушкулликларни енгиб ўтиш ва касалликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилса, бошқа томондан шахснинг рухий енгиллик излаш ва аждодлар хотираси олдидағи масъулият бурчи каби омиллар асосида кечади. Зиёрат амаллари бажарилгандан сўнг маросим вакиллари кўнглида енгиллик юзага келиши ёки айрим хасталикларни бартараф этишда шу қадамжони зиёрат қиласам фойдаси тегар, деган илинжнинг рўёбга чиқиши – зиёратгоҳ тушунчасини талқин қилишда кишилар учун зарур бўлган рухий таскин функциясини юзага келтирган.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш кишиларнинг хулқ-атвори, маданияти юксак савияда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиши этикети, яъни одоб-ахлоқ меъёрлари бўлиб хизмат қилган. Шу боис юқорида таъкидланганидек, ҳадисларда: “Қабрларни зиёрат қилиб туринглар, зеро у охиратни эсалатади”⁵⁴, – дейилган. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга, инсофли, диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхши ном қолдириш сингари хайрли ишларга ундан келган. Уларда тарбия, одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, кариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳак-хуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат сингари инсоний қадриятлар улуғланган. Қисқача айтганда, зиёратгоҳлар жамият аъзоларининг рухий мувозанатини сақловчи ҳамда ҳаётда учрайдиган айрим психологик жараёнларни енгиб ўтишда ўзида куч топиш учун рамзий тимсол вазифасини ҳам ўтайди.

⁵⁴Мирзо Анвар Хушназар. Қабристон зиёрати одоби.–Тошкент: Мовароуннахр, 2005. – Б.3.

Хулоса қилиб айтганда, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар кишиларда қуйидаги ижтимоий-маънавий фазилатлар янада ривожланишига турткى бўлган:

биринчидан, зиёратгоҳлар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар кишиларни ватанпарварлик, миллий ғуур, мардлик, ҳалоллик, ваъдага вафо руҳида тарбиялаб, инсонларда саховат, меҳр-оқибат, хислатларини уйғотишда эзгулик, ўзгаларга муруватли бўлиш сингари эзгу туйғуларни шакллантиришга хизмат қилган;

иккинчидан, зиёратгоҳларга номлари берилган авлиёларнинг турмуш тарзи, бажарган амаллари, кишиларни маърифатга, илм олишга чақириши муҳим роль ўйнаган. Бундай каромат соҳиби бўлган кишиларнинг фаолияти халқни азалдан диний ва дунёвий билимлар билан шуғулланишига чорлаган. Аҳоли воҳадаги йирик Хўжамушкент ота, Сайд Бурхониддин Қилич, Хожа Қаҳҳор Вали, Хожа Шоҳимардон Шердор, Хўжай Сероб ота, Ғўбдин ота, Ҳасан ота, Қорабдол ота, Ҳазрати эшону Халифа, Жондаҳор ота, Малик ота, Ўсмат ота, Богимозор ота каби авлиёларни илм-маърифат ҳомийлари, деб хисоблаган;

учинчидан, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одатлардан бўлган хайр-эҳсон, садақа қилиш кишиларда саховатпешалик фазилатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутган;

тўртинчидан, воҳадаги зиёратгоҳлар кишиларда меҳнатсеварлик фазилатлари шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Ваҳоланки, азиз авлиёларнинг касб-корига нисбат берилишида воҳадаги Хўжабоғбон ота ва Хўжай Сероб ота (боғдорчилик ва дехқончилик), Саъд ибн Абу Вакқос (қассоблик), Кўктўнли ота (дурадгорлик), Оқсоқ (ҳазрати Исҳоқ) ота (чўпонлик), Чўқмозор ота (жувозчилик) каби авлиёлар ҳамда уларнинг манзилгоҳларининг ўрни катта бўлган. Айнан ушбу авлиёлар азалдан воҳа халқлари орасида ўз касби, ҳунари билан шухрат қозонганлар.

Умуман олганда, зиёратгоҳларнинг воҳа аҳолиси ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилиш асносида турли ракурсларда, яъни зиёратчиларнинг ёш тоифаси, касби, жинси, миллати, зиёратгоҳга ташриф буюришидан мақсади, келувчиларнинг гендер таркиби ва зиёрат қилинадиган жойларни танлаш борасида ўтказилган социологик

тадқиқотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, зиёратгоҳлар жамиятда инсоннинг орзу-умидларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларида мадад берувчи куч сифатида қаралса, бошқа томондан, аждодлар билан кўринмас ришта орқали боғланиш вазифасини ҳам ўтаб келган.

1.3. Воҳа муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларининг умумий таснифи

Зиёратгоҳлар ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини моддий ва маънавий маданиятини ўзида мужассам этган муқаддас жойлар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларимиз онгида маънавий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва кишилар қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда тарихий-маданий ёдгорликларнинг ўрни катта.

Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Жиззах воҳасида ҳам зиёратгоҳлар, асосан, авлиёлар, муқаддас саналган предметлар, табиий-географик обьектлар, ҳайвонларларни муқаддаслаштириш ҳамда табиат мўъжизалари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Муқаддас мозорларнинг баъзилари исломдан аввалги маҳаллий культлар ва ислом динини ёйган саҳобалар ҳамда дин равнақ топгач, шу заминда яшаб ўтган авлиёлар, уларнинг яқинлари билан боғлиқдир. Бу ҳакда олим С. Токарев: “Мусулмончиликнинг кириб келиши ўзи билан янги ислом динини олиб келди. Натижада Марказий Осиёдаги маҳаллий илоҳлар ўзгаришга учради. Барча жойда маҳаллий авлиёларга топиниш кенг ёйилди. Гарчи, уларнинг айримлари мусулмон номлари билан аталса-да, аслида қадимги маҳаллий худоларининг ҳомийлари билан боғлиқ бўлган”⁵⁵, – деган фикрни илгари сурган. Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларни таснифлаш борасида турли қараашлар ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, шу йўналишда тадқиқот олиб борган олимлардан Н. Абдулаҳатов Фарғона водийсида мавжуд бўлган муқаддас қадамжоларни географик жойлашувига кўра тўрт

⁵⁵Токарев С. Религия в истории народов мира. – М.: Политическая литература, 1976. – С. 534.

гурухга ажратган бўлса (Марғилон, Қўқон, Фарғона ва Сўҳ худудларига хос зиёратгоҳлар), З. Абидова эса Хоразм воҳасига доир зиёратгоҳларнинг тарихий келиб чиқишига эътибор қаратган ҳолда саккиз гурухга (Куръонда зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ; Ҳазрати Али ва унинг авлодлари билан боғлиқ; саҳобалар, тобеъинлар билан боғлиқ; маҳаллий авлиёлар билан боғлиқ; дин уламолари билан боғлиқ; аёллар билан боғлиқ; шаҳидлар номи билан боғлиқ; тасаввуф тариқати пирлари ва уларнинг авлодлари билан боғлиқ бўлган зиёратгоҳлар) бўлиб таснифлаган.

Жиззах воҳасига хос зиёратгоҳларни ҳам географик ва тарихий келиб чиқишига кўра таснифлаш мумкин. Шу билан бир қаторда, айрим хусусий ҳолатлар ҳам борки, буларни инобатга олмаслик муқаддас қадамжоларнинг воҳага хос кўринишларини очиб бериш имконини чеклади. Муаммонинг жой номи билан, муқаддаслаштирилган ҳайвонлар билан боғлиқ томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, воҳа зиёратгоҳларини ҳалқ қарашлари, тасаввурлари, жойлашган ўрни ва функциясидан келиб чиқиб, муқаддас саналган булоқлар, дараҳтлар, тошлар ва ғорлар билан боғлиқ яна бир қанча кичик гурухларга ҳам бўлиш мумкин. Шунингдек, мавжуд зиёратгоҳларнинг ҳалқ орасидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, республика, вилоят ва маҳаллий ҳамда зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг ижтимоий таркибиغا кўра маълум бир қасб эгалари, аёллар ва ёшлар ташриф буюрадиган зиёратгоҳлар кўринишидаги шаклларга ажратса ҳам бўлади. Хуллас, воҳа зиёратгоҳларининг шаклланиш жараёни, аҳолининг уларга бўлган муносабати ва ташриф буюрувчиларнинг ижтимоий таркибини инобатга олган ҳолда, Жиззах воҳаси ҳудудидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни қуйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб билди:

1. Авлиёлар ва диний уламолар билан боғлиқ зиёратгоҳлар.
2. Табиат мўъжизаси ва географик обьектлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар.
3. Ҳайвонларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёратгоҳлар.
4. Республика, вилоят ва маҳаллий нуфузга эга бўлган зиёратгоҳлар.

5.Айрим касб эгалари, аёллар ва ёшлар ташриф буюрадиган зиёратгоҳлар.

Авлиёлар ва диний уламолар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Одатда, авлиёлар қайсиdir бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин, дуолари мустажоб, солих, қобил, камтар кишилардир, дея таърифланади⁵⁶. Авлиёлар ўз мақоми бўйича пайғамбарлар даражасидан кейин турди ва уларнинг мозорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш ислом динининг ҳанафиийлик мазҳабида савобли ишлардан саналади⁵⁷. Аслида “авлиё”, “валий” сўзларининг маъноси Аллоҳнинг энг яқин дўсти, яқин кишиси, демакдир⁵⁸. Умуман олганда, ўтган аждодлар руҳига сажда қилиш, уларни хотирлаш, табиат кучларига сиғиниш натижасида жуда қўп муқаддас жойлар ва авлиёлар вужудга келган⁵⁹. Жиззах воҳасида авлиёлар номи билан аталувчи бир қанча зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти нафақат маҳаллий ахоли ўртасида, балки қўшни республикаларда ҳам машҳурдир.

Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи. Фаллаорол туманида жойлашган мазкур муқаддас қадамжога номи берилган Саъд ибн Абу Ваққос шахсияти мавжуд адабиётларда қайд қилинишича, бу шахс биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган маккалик мусулмонлардан бўлиб, ҳаётлигига ёқ жаннат башорат қилинган ўн саҳобалардан бири ҳисобланади⁶⁰. Зиёратгоҳда машҳур булоқ жойлашган бўлиб, у ерда “муқаддас балиқлар”ни, жумладан, Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган реликт қора балиқларини кўриш мумкин. Қадамжодаги булоқ сувига турли касалликларга даво сифатида қаралиб, бефарзанд зиёратчилар муқаддас қабрни тавоғ қиласидилар ва атрофини супуришиб, тупроғини ўzlари билан олиб кетадилар. Кузатишларимизда аниқланишича, зиёратгоҳга, асосан, қассоблик ҳунари билан шуғулланувчи кишилар ҳамда эркак зиёратчилар турли сабабларга кўра кўпроқ

⁵⁶ Суюндик Мустафо Нуратоий. Мунаввар қадамжолар. – Тошкент: “Ноширлик ёғдуси”, 2011. – Б.7–8.

⁵⁷ Ислом энциклопедияси / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2004. – Б. 19.

⁵⁸ Ислом энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2004. – Б. 19.

⁵⁹ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 236

⁶⁰ Аҳмад Лутфий. Саодат асри киссанаси// Интизор кутилган тонг. 1-қисм. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 243–244.

ташриф буюришларини кўриш мумкин. Маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган ривоятга кўра ҳозирги зиёратгоҳ жойлашган Авлиё қишлоғи яқинида бўлиб ўтган бир жангда Саъд ибн Абу Ваққос яраланиб, синчилоги узилиб тушади, хонақоҳ ўрнига қони тўкилади ва табаррук зотнинг қони тўкилган жойда булоқ пайдо бўлади. Фарғона водийсидаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи тўғрисида сақланиб қолган ривоятда ҳам ул зотнинг қонлари сувга айланганлиги тўғрисидаги фикрлар учрайди. Унга кўра “Саъд Ваққос ота Маккада юрсалар, Пайғамбарга отилган бир тош у кишининг бошига келиб тегибди. Бошдан оққан қон ҳам шарқ томонга қараб оқибди ва бу қон тиниқ, зилол сувга айланибди. Саъд Ваққос ота шунчалик саҳоватли эканларки, ҳаттоқи қонлари ҳам зилол сувга айланиб қолган экан”⁶¹.

Бизнингча, Саъд ибн Абу Ваққос билан боғлиқ ривоятлардаги бармоғи узилиб қони тўкилган жойда булоқ сувининг пайдо бўлиши, бошидан оққан қоннинг зилол сувга айланиши каби ҳолатлар вақт ўтган сари аҳоли орасида қассоблик билан шуғулланувчи касб эгаларининг ҳомий авлиёсига айланишига олиб келган.

Айрим манбаларда Сурхондарё вилоятининг Отинсой тумани, Навоий вилояти Қизилтепа тумани, Андижон шаҳри Қирлик маҳалласи, Тошкент вилояти Зангиота тумани ва Фарғона вилояти Қува туманидаги Толмозор қишлоқларида ҳам айнан шу номдаги қадамжолар борлиги таъкидланган⁶². Бу ҳолат, албатта, халқимизнинг улуғ саҳоба – Саъд ибн Абу Ваққосга бўлган чексиз ҳурмат ва эътиқоди нишонаси эканлигини кўрсатади.

Совруқ ота зиёратгоҳи. Фаллаорол тумани Соврук ота қишлоғидаги қабристон ҳудудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳда рамзий қабр устига мақбара бунёд этилган. Совруксойнинг ўнг тарафида муқаддас саналган, асосан, қутуриш касаллигини даволовчи булоқ ва чап қисмида руҳий тушкунликлардан фориғ қилувчи афсонавий

⁶¹ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006. – 29 б.

⁶² Эралиев Б., Қораев М. Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – Б. 63; Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тар. фан. бўйича фал. док. (PhD)... дис. автореф. – Тошкент. – Б. 16.

тешиктош мавжуд. Маҳаллий аҳоли зиёратгоҳни Сўфиён Саврий билан, муқаддас булоқни эса Нурота зиёратгоҳи булоги билан боғлиқлиги борлигига ишонишади.

Хўжамушкент ота зиёратгоҳи. Янгибод туманидаги мазкур зиёрат манзили воҳадаги авлиёлар номи билан боғлиқ энг йирик зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли орасида зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши ва номланиши Хўжа ибн Исоқ шахси билан боғланади. Зиёратгоҳга номи берилган шахс тўғрисида Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”⁶³, Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг “Самария”⁶⁴ асарида, Абу Ҳафс Насафийнинг “Қандия”⁶⁵, Ҳожа Абдухолик Ғиждивонийнинг “Мақомати Юсуф Ҳамадоний”⁶⁶ асарларида маълумот берилади. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, Хўжа ибн Исоқ ғорни мушти билан урган ва у ерда ғор пайдо бўлган, шу боисдан қишлоқ ва зиёратгоҳнинг номи “Хўжамушкент”дир, дейилади. Фикримизча, ушбу сўз учта сўзининг бирикувидан ҳосил бўлган бўлиб, қуидагича ифодаланади: “Хўжа” – ҳурматли, обрў-эътиборли киши, кимсанинг ёки нарсанинг эгаси, хўжайин маъносида ёки ўзларини чорёрларнинг авлодлари, деб ҳисболовчи мусулмонларнинг фахрий номи⁶⁷. Унга қўшилган “муш” сўзи мушкулкушод сўзининг қисқартмаси бўлиб, қийинчиликларни бартараф этиш маъносини англатади. “Кент” эса шаҳар ва қишлоқдан фарқланиб турувчи, аҳоли яшайдиган жой, шаҳарча⁶⁸ маъносини билдиради. Бундан хулоса шуки, “Хўжамушкент” атамаси, мушкулларни осон қилувчи жой, макон, деган маънони англатади. Этнографик кузатувларимиз жараёнида аниқландики, Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳудудида жойлашган муқаддас ғор ва Ниятбулоқ, Иситмабулоқ, Қўтирулоққа зиёратчилар ўз дардларига шифо истаб, фарзанд кўриш, баҳти

⁶³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17– том. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2001. – 252 б.

⁶⁴ Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария (Самарқанд мозорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 153–154.

⁶⁵ Абу Ҳафс Насафий. Қандия ёҳуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд. – Тошкент: Минҳож, 2005. – Б. 15.

⁶⁶ Ҳожа Абдухолик Ғиждивоний. Мақомати Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 26.

⁶⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 435.

⁶⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Б. 353.

очилмаган йигит ва қизлар оила қуриш ниятида келадилар. Улар сувдан ичиб, ғордаги чиллахонада ният қилиб намоз ўқиб, мато боғлашар экан.

Ўсмат ота зиёратгоҳи. Бахмал туманида жойлашган “Ўсмат ота” зиёратгоҳи ўрта асрлар мусулмон шарқининг машхур олимларидан бири бўлган Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий номи билан боғлиқ. Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг “Асманд” ёки “Усманд”, деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. Баъзи олимлар бу жой “Асманд” деб номланган ва алломанинг нисбаси Асмандий бўлган, деб келтиришса, бошқалари қишлоқнинг номини “Усманд”, яна баъзилари эса “Саманд” шаклида баён этганлар⁶⁹. Маҳаллий аҳоли Ўсмат ота зиёратгоҳига турли мушкулотлардан халос бўлиш, ишлари бароридан келишлари учун ҳамда ўтганлар хотирасини ёд этиш учун ташриф буюрадилар.

Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳи. Фориш туманининг энг чекка, Навоий вилояти Нурота тумани билан чегарадош ҳудудида Можурум қишлоғида жойлашган бўлиб, унга номи берилган Ҳазрати Зайнулобиддин тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар фондида сақланаётган “Хазинат ул-асфиё” китобида маълумот берилган. Унга кўра, Зайнулобиддин деган лақабни олган зот ҳазрат Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг 24-авлодлари, яъни ҳазрат Алининг 25-авлодлари исмлари – Алоуддин, лақаблари – Зайнулобиддин (такрибан 895 йилда туғилиб, 915 йилда вафот этган) бўлиб, у зот айни йигитлик даврларида Ногур йўлида отасининг кўз олдида йўлтўсарлар қўлида шаҳид бўлган⁷⁰.

Ушбу зиёратгоҳга маҳаллий аҳоли вакиллари йил давомида турли кўринишдаги маросимларни ўтказиш билан бир қаторда, ҳар йили бир маротаба ота-боболари асли ушбу қишлоқлик бўлган, ҳозирда Республикализнинг турли ҳудудларида ҳамда

⁶⁹Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б. 35.

⁷⁰Рустамжон Раҳматуллозода. Аждодлар меросига эҳтиром.- Тошкент: Фан, 2006.–Б. 4–7.

қўшни Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларида истиқомат қилиувчи кишилар томонидан “Авлодлар учрашуви” маросими ўтказилади.

“Кулписар ота” зиёратгоҳи Шароф Рашидов туманинг Чимқўрғон мавзеида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳнинг асосини ташкил этувчи қабрнинг узунлиги 12–13 метрни ташкил этади. Маҳаллий аҳоли таърифича, мазкур қабрда авлиёнинг боши қулфлаб кўмилган. Шунинг учун қадамжонинг номи “Кулфисар”, яъни “кулфлаб кўмилган бош” деган маънони билдиради⁷¹. Археолог М. Пардаев ўзининг қарашларида “Кулписар” атамасининг бошқа шаклини, яъни “Кулфисар”нинг маъноси “бош қулф”, “асосий қулф” деганидир. IX асрда Қизилқумдан Жиззах воҳасига ҳужумга ўтган қўчманчи қабилаларга қарши бу ердаги қалъада катта ҳарбий куч турган. Бу ҳолат Жиззах йўли душман талончилари учун ёпилди, қулфланди деган маънони англатган⁷², деган фикрни келтирган. Бизнингча ҳам, зиёратгоҳ жойлашган ҳудуд географияси ва тарихий ўрнига эътибор берсак, иккинчи таъриф ҳақиқатга яқиндир. Бугунги кунда бу зиёратгоҳга нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни республикалар, жумладан, Қозоғистон Республикасидан кўплаб зиёратчилар (“Авлодлар учрашуви” маросимини ўтказиш мақсадида) ташриф буоришиади. Бу ерга зиёратга келувчилар, асосан, аждодлар руҳини хотирлаш, баҳор фаслида чорвадорлар учун йилнинг яхши келиши ва йил давомида оила аъзоларининг соғ-саломат бўлиши учун қурбонлик қилишиб, яратгандан мадад истаб келадилар.

Балогардон бобо қадамжоси. Янгибод туманида жойлашган ушбу қадамжо Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбандий номи билан боғлиқ, деб талқин қилинади. Ахборотчилардан ёзиб олинган ривоятларга кўра, Баҳовуддин Нақшбанд вафот этганда турли минтақалардан дағн маросимида иштирок этиш учун одамлар йигилади. Тобутни жуда кўплаб одамлар кўтаришга ҳаракат қилиб кўришиади, аммо ҳеч бирлари жойидан қўзғата олишмайди. Шунда ушбу қишлоқдан

⁷¹ Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 37.

⁷² Пардаев М. IX – X асрларда Жиззах – ғозийлар шаҳри // “Тарих ва қадриятлар” номли республика анжумани матиреаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 33.

жанозада иштирок этиш учун борганларга навбат келади, улар тобутни ҳеч қандай қийинчиликсиз кўтаришади. Жаноза намозидан кейин Баҳовуддин Накшбанднинг яқинлари унинг ҳассаси ва ковушини эсадалик сифатида Жўлангар қишлоғидан келганларга берадилар. Улар, ҳасса ва ковушни ўз қишлоғидаги тепаликка кўмишади ва бу жой зиёратгоҳга айланади.

Зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги юқорида келтирилган фикрлар, албатта, мазкур ҳудудда истиқомат қилган кишиларнинг қаҳрамонликларини ифода этувчи ривоят бўлсада, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби аҳолининг ислом оламидаги машҳур кишиларга тегишли бўлган нарса ва буюмлар ёки уларнинг қабрларидан тупроқ олиб келиб, ўзлари яшаб турган ҳудудда ўша авлиё номи билан боғлиқ рамзий қабр бунёд этиб, уни зиёратгоҳга айлантирганликлари ҳақиқатга яқинроқдир.

Хўжаси Сероб ота зиёратгоҳи (Мавлоно Муҳаммад Пешағорий) Зомин туманининг Пешағор қишлоғида жойлашган муқаддас маскан маҳаллий аҳоли томонидан “Хўжаси Сероб ота” (сув бошининг эгаси) деб аталади. Зиёратгоҳ ҳудудида Мавлоно Муҳаммад Пешағорий қабри, у кишига атаб қурилган мақбара, масжид ва муқаддас булоқлар мавжуд. Кузатишларимизда аниқланишича ушбу зиёратгоҳга кишилар, асосан, фарзанд кўриш, турли хил касалликларга даво топиш ҳамда отабоболарининг зиёрат маскани бўлганлиги учун оиланинг анъанасини давом эттириш мақсадида келишади. Шунингдек, зиёратгоҳдаги булоқлар ёнида яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолиси баҳор фаслида қурбонликлар қилиб “Йил боши” ҳамда “Пода кўшиш” маросимларини ўтказади.

Хожса Шоҳимардон Қутлуғхон Баходир Шердор зиёратгоҳи. Зомин туманидаги мазкур зиёратгоҳ тўғрисида маҳаллий аҳолининг берган маълумотларига кўра Хожа Шоҳимардон Қутлуғхон Баходир Шердор асли келиб чиқиши Афғонистоннинг Балх вилоятидаги Санчарак қишлоғидан бўлган. Ушбу зиёратгоҳга номи берилган инсоннинг авлиёлик кароматлари хусусида маҳаллий аҳоли орасида бир қанча ривоятлар сақланиб қолган. Ушбу зиёратгоҳга, асосан, фарзанд кўрмаган ва турли

касалликларга чалинган кишилар келиб, турли кўринишдаги маросимларни ўтказиб кетишиади. Зиёратчиларнинг асосий қисми ўзбекларнинг Туркман уруғи вакиллариридир.

Жондаҳор ота зиёратгоҳи. Фориш тумани Гараша қишлоғи қабристонига дафн қилинган авлиёнинг асл исми Муҳаммад Шариф (тахаллуси “Гирех кушод” – тугунларни, тилсимларни ечувчи) бўлган. Одатда, мақбара, масжидлар пештоқидаги тилсимий, ислимий нақшларни ўқиб, маъносини очувчи кишиларга “тирих” нисбаси берилган. Аслида “тирих” сўзи “муаммо”, “тугун”, “чигал” маъноларини билдириб, меъморчилик ва бадиий хунармандчиликда кенг қўлланиладиган нақш туридир⁷³. Ушбу зиёратгоҳга кишилар узоқ йиллар мобайнида фарзандли бўлмаган эркак ва аёллар, турмушга чиқмаган қизлар, тадбиркорлиги ривожланмаётган кишилар ишларининг ривожланиши мақсадида, шунингдек, зиёратгоҳдаги булоқ сувидан ошқозон-ичак тизими касалликларини даволаш учун келишлари дала тадқиқотларида аниқланди.

“Малик ота” зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ Ш.Рашидов тумани Равот ҚФЙ, Суғунбой қишлоғида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан эски хонақоҳ ўрнига 2017 йилда янгидан кичик мақбара курилган. Ушбу зиёратгоҳга воҳада истиқомат қилувчи ўзбекларнинг кирқ уруғи вакиллари ўзларининг ҳомий авлиёси сифатида, шунингдек, чилла билан боғлиқ маросимларини бошлишдан аввал ва тугагандан сўнг келишади.

Сайфин ота зиёратгоҳи. Фаллаорол туманининг Сайфин ота қишлоғидаги эски қабристон худудида жойлашган бўлиб, унинг асосини бешта нақшинкор безаклар билан безатилган ва арабий ёзувлар битилган катта мартартош, бир нечта кичик қабртошлар ташкил этади. Бешбулоқ сойининг ўнг томонида жойлашган ушбу қабртошлардаги ёзувлар Жиззах давлат педагогика институтининг шарқшунос мутахассислари томонидан ўқиб таржима қилинганда, Сайфин ёки Сайфиддин, деган

⁷³Булатов С., Мансуров Ў. Миллий меъморчиликда наккошлиқ фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 34.

исм тилга олинмаган. Бу шундан далолат берадики, Сайфиддин бирор бир кишининг исми эмас, балки лақаби ёки унвонидир. Сайфиддин сўзи арабчадан таржима қилинганда “диннинг қиличи” деган маънони англатади. Таъкидлаш жоизки, Сайфин ота қишлоғи ҳудуди ва унинг атрофидан ўндан ортиқ археологик ёдгорликлар топилган. Аксарияти милодий IV–V асрлардан XV–XVI асрларга қадар фаолият кўрсатган ушбу иншоотлар қадимда қалья, қўргон, карvonсарой вазифасини бажарган⁷⁴. Бу эса ҳозирги Сайфин ота қишлоғи ҳудудида азалдан диний-руҳоний ҳаёт билан боғлиқ турли тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Ғўбдин ота зиёратгоҳи. Фаллаорол тумани Ғўбдин қишлоғи ҳудудида, қишлоқнинг Ғўбдин тоғига қараб бораверишдаги тоғ оралиғи қисмида жойлашган. Қабристондаги эски қабрлар устида йигирмага яқин турли кўринишдаги ва катталиқдаги мармар қабртошлар бугунги кунгача сақланиб қолган. Уларда араб алифбосидаги Куръон оятлари битилиши билан бир қаторда, саналар ҳам кўрсатилган. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ходими Муслим Атаев томонидан 2014 йилда чоп этилган “Жиззах алломалари”⁷⁵ номли китобида олти нафар Ғўбдиний нисбаси билан тарихда қолган алломалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Жиззах воҳасидаги авлиёлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихига назар солсак, уларнинг аксарияти маҳаллий диний уламолар ва авлиёларнинг номлари билан боғлиқ бўлиб, бу ерда Куръонда зикр қилинган Пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари номлари билан аталадиган зиёратгоҳлар жуда кам учрайди. Воҳада авлиёлар номи билан боғлиқ зиёртгоҳлар географик жиҳатдан бир-биридан анча олисда, муайян кичик маданий воҳа ҳудудида жойлашган. Яъни уларнинг деярли барчаси воҳага туташ алоҳида-алоҳида тоғ тизмалари, Моргузар, Қўйтош, Нурота, Ойқортов, Зомин ва Ғўбдин тоғ тизмаларининг тоғолди ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу омил

⁷⁴ Пардаев М. “Жиззах ва Сирдарё вилоятлари археология мероси объектларининг мажмуасини тузиш ва уларнинг тарихий-географик ҳаритасини яратиш” лойиҳа бўйича ҳисобот / ЎзРФА Археология институти архиви. Самарқанд, 2017. ФА-АИ-Г009.П3-2014-0913000301.

⁷⁵ Атаев М. Жиззах алломалари. –Тошкент: Адид, 2014.-Б. 89–90.

воҳанинг табиий иқлим шароити билан боғлиқ. Шунингдек, воҳадаги 70 фоиз авлиёларнинг қабрлари ва мақбаралари шифобаҳаш ҳисобланган сув манбаи ҳавзасида ёки булоқлар атрофида жойлашган.

Табиат мўъжизалари ва географик объектлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

Ушбу таснифга хос бўлган қадамжо ва зиёратгоҳлар, асосан, ахолининг саломатлигини тиклаш ҳамда орзу-ниятларини амалга ошишида маълум жойдаги сув, тош, ғорларнинг ғайритабиий кучига ишониш орқали вужудга келган бўлиб, бу каби зиёратгоҳлар республиканинг барча ҳудудларида мавжуд ҳамда уларнинг аксарияти саломатликни тиклаш билан боғлиқ қарашлар асосида уйғунлашади.

Муқаддас булоқлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Булоқ билан боғлиқ жиҳатлар икки кўринишда учрайди: биринчиси – маълум авлиёнинг номи билан аталувчи зиёратгоҳлар таркибидаги муқаддас булоқлар; иккинчиси – зиёратгоҳга алоқаси бўлмаган маълум бир хасталикларни даволаш хусусиятига эга бўлган алоҳида булоқлар.

Биринчи грухга мисол сифатида Хўжамушкент ота зиёратгоҳи ҳудудидаги Ниятбулоқ, Иситмабулоқ, Қўтирубулоқларни келтириш мумкин. Булоқ сувидан зиёратчилар турли хил тери ва ички касалликлардан шифо топиш мақсадида ният қилиб ичишади. Зиёратчиларнинг айтишича, авлиё қабри жойлашган ҳудуддаги булоқлар ёнида яхши ниятда дуо қилса, муроди ҳосил бўлади. Шу боис, аксарият ҳолларда турли касалликларга чалинган кишилар зиёратгоҳдаги булоқлар ёнига келиб, дуолар ўқишади ва жонлиқлар қурбонлик қилишади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маҳаллий аҳоли орасида бу каби фикрларнинг юзага келиши узоқ муддат давомидаги кузатув натижасида юзага келганлигини, булоқлар ва шифобаҳаш сувлар билан боғлиқ масканлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашганлигини, яъни турли хил минералларга бой жойда эканлигини ҳисобга олиш керак. Айнан шу ерда тери ва ички касалликларига даво бўлувчи микроэлементлар мавжуд бўлган ва улар сув билан юзага чиқсан. Асрлар давомида шу сувларнинг шифобаҳшлиги ўз исботини топгач, маҳаллий аҳоли шу ерни

муқаддас билиб, авлиёлар номи билан аталган азиз масканга айлантирган.

Иккинчи гурухга мисол сифатида Бешбулоқ зиёрратгоҳини келтириш мумкин. Зомин тумани Пешағор қишлоғининг юқори қисмида жойлашган мазкур зиёррат манзили ўзининг шифобахш булоқлари билан машҳур. Бу ердаги тепаликда ғор – чиллахона бўлганлиги ҳақида ривоятлар мавжуд бўлиб, ҳозир мазкур чиллахона бутунлай кўмилиб кетган. Ушбу бешбулоқ суви кўтири, тошма, сувчечак, кўк йўтал, сариқ касалликларига даво ҳисобланганлиги боис, муқаддас “Бешбулоқ ота” даволаш маскани сифатида зиёррат қилинади.

Шунингдек, воҳа аҳолиси орасида Хўжай Сероб ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Қоплон ота, Боғимозор ота, Чилмаҳрам ота булоғи, Шербулоқ, Хўжа Боғбон ота, Жондаҳор ота зиёрратгоҳларидаги ҳамда Можирум ва Андагин қишлоқларидаги муқаддас булоқлар машҳур. Ушбу булоқлар Моргузар ҳамда Нурота тизма тоғларида жойлашганлиги боис, сувининг таъми ва балиқ турлари ҳам Нурота зиёрратгоҳи булоғи, балиқлари билан ўхшаш. Мавзуга оид адабиётларда келтирилишича, Нурота булоғидаги шифобахш сув бошқа зиёрратгоҳлардаги булоқлар билан тоғ остида сизиб ўзаро боғланган бўлса, ушбу балиқлар ҳам ер остидаги маҳсус йўллар орқали у булоқдан бу булоққа сузиб ўтар экан⁷⁶. Сув азалдан ўзбек халқи қарашларига кўра тириклик манбаи, поклик ва тозалик рамзи сифатида талқин қилинган. Булоқ сувлари, аввало, чанқоқни қондириш мақсадида истеъмол қилинган бўлсада, уларнинг минералларга бойлиги зиёратчиларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир ўтказган. Воҳанинг табиий шароити ва иқлимидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳудуднинг Қизилқумга тулаш жойлашганлиги аҳолига сув ва сугориш иншоотлари билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирган ҳамда бу ҳолат сув ва булоқларга бўлган муносабатни шакллантирган⁷⁷. Аксарият маҳаллий аҳолининг ривоятларига кўра, гўёки улуғ

⁷⁶ Исмоилзода Ш. Судур бобо ёхуд Нурато тарихидан саҳифалар. – Тошкент, 2005.– Б. 14.

⁷⁷ Джаббарова И. Илк ўрта асрларда Жиззах ҳудудидаги айрим сугориш тизимлари хусусида // Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иктисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги

авлиёлар каромати туфайли ушбу булоқлар пайдо бўлган ёки улар булоқларга кириб балиқ кўринишида ғойиб бўлган ва уларнинг авлиёлик сифати, мушкулни осон қилиш функцияси сувга ўтиб, шу аснода булоқлар зиёратгоҳ функциясини бажариб келган⁷⁸.

Фикримизча, булоқларнинг шифобахшлиги ҳамда воҳанинг сувга бўлган доимий эҳтиёжи, табиий булоқларни муқаддаслаштириш ва авлиёларнинг ҳислатларини сув билан боғлаш натижасида бу каби ривоятлар пайдо бўлган.

Муқаддас ғорлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Воҳа аҳолиси орасида барча туркий халқларда бўлгани каби, уларнинг анъанавий дунёқарашларида ер ости дунёси тоғ ва ғорлар билан боғланган, деган қараш мавжуд. Бу эса қадимги туркийларда ушбу жойлар илохий ва муқаддас саналганидан далолат беради⁷⁹. Бундан ташқари, ғорлардан Маккага йўл борлиги тўғрисида халқимиз орасида турли ривоятлар мавжуд. Масалан, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Имом ота гори тўғрисида ҳам шундай қарашлар мавжуд⁸⁰.

Пешағор (Пишағор) гори. Туркистон тизмасининг ғарбий қисми – Зомин туманининг Пешағор қишлоғидаги Дўлана Қудуқсойнинг чап томонида жойлашган ғор. Пешағор сўзининг этимологияси хусусида А. Илашев шуни қайд этадики, “Пешағор “беш оқар” (беш ариқ) маъносини англатади”⁸¹, аммо маҳаллий ахборотчиларнинг фикрича, бу сўз – “ғор олдидаги (этагидаги) қишлоқ” дегани ҳамдир. Ушбу ғорда маҳаллий аҳоли, асосан, чўпонлар шунингдек, чорва билан шуғулланувчилар март-апрель ойларида қурбонлик қилиб турли кўринишдаги маросимларини бажарадилар.

Фикримизча, қишлоқнинг номланиши ғор билан боғлиқлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Сабаби, ушбу ғор вилоят ҳудудида бугунги кунгача аниқланган

ўрни (антик давр ва ўрта асрларда) номли Республика илмий-назарий конференция материаллари. –Гулистон, 2016. –Б.169–170.

⁷⁸ Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. –Тошкент: Шарқ, 2005.- Б.29.

⁷⁹ Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин.– Тошкент:Ўқитувчи, 1990.– Б.116.

⁸⁰ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006. – Б.133.

⁸¹ Илашев А. Давр нафаси. –Тошкент: Мухаррир, 2013.– Б.104 – 107.

форларнинг энг каттаси бўлиб, қадимдан одамлар яшashi учун озиқ-овқат ва сув манбаи мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Зомин тумани Култепа қишлоғида жойлашган Форбобо зиёратгоҳи турли яралар тошган касаллар, фарзандсиз аёлларнинг зиёрат масканига айланган бўлса, Зомин туманидаги Хўжакўндаланг зиёратгоҳидаги ғоваксимон ғорга, қўпроқ ёш болаларда учрайдиган қаҳекция, халқ тилидаги “чиллашири”⁸² касаллигини даволаш мақсадида ташриф буюришади. Табобатга оид маълумотлардан маълумки, чиллашиб – чиллашиб касаллиги илмий тилда қаҳекция бўлиб, унинг клиник белгилари моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида боланинг озиб кетиши ва мускул массасининг камайиб кетиши билан характерланади. Ахборотчилярнинг айтишича, бу касаллик билан оғриган боланинг иштахаси тамоман йўқолади таъм билиш сезгиси бузилади. Қаҳекциянинг даражаси касалликнинг пайдо бўлиш сабабларига ва йўқотган оғирлигига қараб белгиланади. Бундан ташқари, чақалоқларда чилла вақтида учрайдиган бошқа турли касалликларни даволаш учун ҳам келишади. Бу каби ҳолатлар қадамжоларда шомонлик, фетишизм билан боғлиқ расм-руsumлар билан шуғулланувчи кишилар фаолиятининг сақланишига олиб келган. Маросимни, асосан, ушбу қишлоқда истиқомат қилувчи мистик табобат (фолбинлар, қушночлар) билан шуғулланувчи кекса аёллар касаллик билан оғриган бола ва унинг яқинлари иштирокида ўтказади.

Паймард ота зиёратгоҳи. Зиёратгоҳ Ш. Рашидов туманининг шу ном билан аталувчи қишлоғида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳда чамаси, узунлиги 25 метрлар келадиган, одам бемалол юриши мумкин бўлган ғор мавжуд. Ушбу ғордан маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган афсонага кўра Макка шаҳрига йўл борлигига бўлган ишонч уни муқаддаслаштирган. Бундан ташқари, ғорга кириш йўлагининг ўнг томонида Ҳазрати Алининг бармоқ ҳамда тирсагининг изи сифатида қараладиган

тешиктош ҳам мавжуд бўлиб, зиёратчилар орасида бу тошга нисбатан “инсоннинг гуноҳларини поклайди”, – деган қарап шаклланган.

Воҳада мавжуд кўплаб табиат мўъжизалари ва географик обьектлар билан боғлиқ муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда бўлгани каби, ушбу манзил ҳам исломдан аввалги диний тасаввурлар асосида шаклланган бўлиб, ислом дини воҳа бўйлаб кенг ёйилганидан сўнг, уларни ислом оламидаги машҳур саҳобалар номлари билан атаб, маҳаллий аҳоли уни илоҳийлаштириш мақсадида юқорида келтирилгани каби афсона ва ривоятлар яратган.

Муқаддас тошлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Этнографик дала тадқиқотлари давомида аниқланишича, маҳаллий халқларнинг анъанавий дунёқарашига кўра, қадамжоларнинг шаклланишида ўз даврининг авлиёлик кароматлари билан боғлиқ ҳолда уларнинг тошга айланганликлари ёки тешик тошга кириб ғойиб бўлганликлари, қурбонлик ўтказиш обьекти бўлганлиги ва айрим ноёб хусусиятига, шакл ва рангига эга бўлган тошлар ҳақидаги ривоятлар мавжуд бўлган. Бундай сиру синоатлар эса қадимдан воҳа халқлари дунёқарашида ушбу жойлар илоҳий ва муқаддас саналганидан далолат беради. Азалдан аждодларимиз тоғнинг юқори қисмида эзгулик остида ёвузлик рухлари яшашларига ишонганлар. Туркий халқларга оид кўплаб асотирларда тоғ ва ғорлар ибодат жойлари сифатида талқин этилган⁸³. Бу турдаги қадамжоларга воҳадаги машҳур “Илон ўтди” дараси ва унинг ҳудудидаги ғор, Соврук ота зиёратгоҳи ҳудудидаги қутуриш касаллигини даволовчи тешиктош, Оқтош ота зиёратгоҳи, Сўгаллитош, Парпи ойим ҳамда Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларидаги сирпанчиқ тошларни киритиш мумкин.

Тешиктош қадамжоси. Янгиобод тумани Пастки Сармич қишлоғида жойлашган. Қадамжода 2 дона катта ва 1 дона кичик кўринишдаги тешиктош мавжуд. Маҳаллий аҳоли томонидан 4х6 кв. метр ҳажмида оддий кўринишдаги кичик хонақоҳ

⁸³Жирмунский В. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – С. 25; Имомов К. ва бошқ. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 229.

барпо қилинган. Ривоятларда ушбу манзилгоҳ тешиктошлар орасига кириб ғойиб бўлган авлиёсифат кишига нисбат берилади ва муқаддас саналади.

Муқаддас тошлар билан боғлик зиёратгоҳлардан бири – юқорида келтирилган Пешағор қабристони ичидаги тошлардир. Махаллий аҳоли уни *Оқтош ота* зиёратгоҳи деб атайди. Зиёрат хонақоҳи ичидаги рамзий қабр, иккита йирик оқтош мавжуд. Ахборотчиларнинг маълумотларига қараганда, зиёратгоҳдаги тупроқ турли хил тери касалликлари, хусусан, оқ доғлар, яра ва тошмаларга даводир. Зиёратгоҳга бугунги кунда шу қишлоқда истиқомат қилувчи юз ва қирқ уруғи вакилларидан ташқари, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари зиёратчилар ҳам ташриф буюрадилар. Шунингдек, “*Қулписар ота*” зиёратгоҳидаги тош қабр ҳам зиёратчилар орасида анча машҳур. Ҳудудни тадқиқ этган археолог Я.Ғуломовнинг фикрича, бу ерга келган шифо ёки мадад талаблар дольмен (қадимги тош қабр) ва узун сағанага сифинишган. Бундай дольменлар қурбонлик ва дағн иншооти сифатида бронза давридан ислом дини оммалашгунгача кенг ёйилган⁸⁴. Қурбонлик учун олиб келинган жонликлар шу ерда сўйилиб, зиёратчилар маросимни тўлақонли бажариш мақсадида иншоотнинг юқорисидаги туйнукдан ўтишган.

Воҳанинг ушбу таснифдаги зиёратгоҳлари орасида Шароф Рашидов туманидаги Учқиз қадамжоси аҳамиятли бўлиб, учта мустақил (тут, ойна тош ва учқиз тош) қисмдан иборат. Кузатишларимизда аниқланишича бу ерга келган зиёратчилар чирок ёқиши, тут дараҳтига латта боғлаш билан бир қаторда устма-уст турган учқиз тошни уч маротаба айланиб, ниятларини айтади. Воҳа аҳолиси орасида бундай тошлар инсонлар бошига бирон-бир мушқуллик тушган кезларда халоскорлик вазифасини ҳам ўтаб келган. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, туркий халқлардаги “Яда” тош курсоқчиликда ёмғир ёғдирувчи восита бўлиб хизмат қилган⁸⁵. Тошларда қудратли куч мавжудлигига ишониш қадимги халқларни тошларга доим ёвуз

⁸⁴Гулямов Я. Кладбище Кулпи-Сар // История материальной культуры Узбекистана. Вып 2. – Ташкент, 1961. – С. 94–96.

⁸⁵Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.–Тошкент: Ўқитувчи, 1994.–Б 228–229.

кучлардан асровчи, мусибатлардан халос этувчи, муқаддас ашё сифатида эъзозланишига сабаб бўлган⁸⁶.

Зиёратгоҳларда муқаддас саналган сирпанчик ва тешиктошларнинг хусусияти маҳаллий аҳоли дунёқарашида, асосан, бел, оёқ оғригини даволаш билан бирга, инсоннинг гуноҳларини камайтиради, деган қарашлар билан омухталашган. Ғор ёки тошлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам булоқ билан ҳамоҳанг равишда саломатликни тиклаш мақсад қилинган маросимлари билан ажралиб туради. Зиёратгоҳлардаги тошларнинг кўриниши, ранги ва бирор авлиёнинг ғор ёки тош билан боғлиқ равишдаги фаолиятига оид ривоятлар шу каби зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Аҳоли ғорлардаги мистик кучларга, яъни бу ерда авлиёларнинг айrim кароматлари сақланганлигига ишонч билдиради.

Муқаддас дарахтлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Халқимиз анъанавий дунёқарашида дарахтларни жонли ва уларда инсонлар рухи яшашига ишониш билан боғлиқ қадимги анимистик қарашлар ислом дини кириб келганидан сўнг улар дин тарғиботчиларини душманлардан ҳимоя қилувчи куч сифатидаги қарашлар асосида шаклланган афсона ва ривоятлар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Марказий Осиё халқларида “Катта дарахтлар фақат азиз авлиёлар қадами еткан муқаддас қадамжоларда ўсади”⁸⁷, деган қараш мавжуд бўлиб, Сулаймон пайғамбарга аталган оби ҳаёт суви ҳам чинор дарахти тагига тўкилган⁸⁸. Зиёратгоҳлардаги дарахт ва ўсимликлар муқаддаслаштирилганлиги боис уларни кесиш, юлиш кишиларга зиён олиб келади, деган тушунча юзага келган.

Бу турдаги қадамжоларга воҳадаги Арчамозор ота зиёратгоҳи, Қорамозор ота зиёратгоҳидаги арча дарахти, Ёнғоқли ота, Тоғтерак ва Теракли ота, Қатрон ота зиёратгоҳидаги қатрон дарахти, Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳидаги кекса тут

⁸⁶ Вадецкая Э. Древние идолы Енисея. – Л.: Наука, 1967.– С.9.

⁸⁷ Гафферберг Э.Г. Пережитки религиозных представлений у белуджей// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии.–М., Наука, 1975.– 245 с.

⁸⁸ Абдулахатов Н., Зохидов Ф. Фарғона тумани тарихи. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2013. – Б.29.

дарахтлари, шунингдек, Богимозор ота зиёратгоҳидаги уч туп чинор дарахтларини мисол тарзида келтириш мумкин.

Кўктўнли ота зиёратгоҳи. Зиёратгоҳ Зомин шаҳарчасидан 5 километр узоқликда, Зомин сиҳатгоҳига борадиган тоғ йўлининг ёқасида, зиёратгоҳнинг тепа қисмидаги қадимий қабристон худудида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли мазкур зиёратгоҳни “Қанғли халқининг хонининг оти Кўк тўнли бўлган” деган ривоятдан келиб чиқиб ўзларининг хукмдорларидан бирининг қабри деган хулоса чиқаришади. Бироқ, юртимизда эркак авлиёлар кўк ва яшил кийимда тасвирлаш ва тасаввур қилиш кенг тарқалган. Масалан Али ҳақидаги халқ китоблари ва ёзма манбаларда уни кўк кийимда пайдо бўлиши кенг тасвирланган⁸⁹.

Бизнингча воҳадаги Кўк тўнли ота мозорлари замирида Ҳазрат Али ва унга ўхшашиб ислом оламидаги машҳур кишиларни кўк тўн кийган ҳолатида тасаввур қилишлари тушунчалари ётади. “Темурнома”да келтирилишича, яшил тўнлик ва оқ тўнлик кишилар рижол ул ғойиб, яъни ғойиб эрлардур, дея талқин этилади⁹⁰. Чунончи Кўктўнли ота ва Оқ тўнли ота номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Марказий Осиёда кўплаб учрайди ва мазорларидағи кўк ва оқ тўн соҳиблари уларнинг валийликларидан далолат берган.⁹¹

Ушбу зиёратгоҳдаги қабрнинг рўпарасида қадимий қатрон дарахти ўсади. Маҳаллий аҳоли ушбу дарахтни Кўктўнли ота томонидан ўтқазилган биринчи дарахт, деб ҳисоблайди. Зиёратчилар ушбу дарахт баргларидан маросим ўтказиб бўлганларидан сўнг бешикка осиб қўйиш учун олиб кетишади. Сабаби, қатрон дарахтининг сувсизликка чидамлилиги ҳамда бошқа дарахтларга нисбатан қаттиқлигидир.

⁸⁹ Абдулахатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006. – 96 б.

⁹⁰ Темурнома. Тошкент: Чўлпон, 1990. - 45 б.

⁹¹ Ҳамза Камол. Мавлоно Шамсуддин Сабзпўш. // Ҷаҳордаҳ мазор.: панжушгоҳи фарҳангӣ ва Бунёди фарҳангӣ Тоҷикистон. Душанбе. 2001 – 65 б.

Бахмал туманининг *Богимозор ота* зиёратгоҳидаги муқаддас чинор дарахти. Айтишларича, чинор унинг яқинига дағы қилинган Сайид Мир Халилуллоҳнинг назари тушган дарахт бўлган. Туркий халқларда чинор дарахти билан боғлиқ кўплаб ривоятлар сақланиб қолганлиги уни муқаддаслаштирилишга олиб келган⁹². Ушбу ҳудуддаги яна муқаддас дарахтлар – бу Беккелди ва Кўкжар қишлоқлари аҳолиси зиёрат амалларини бажарадиган Теракли ота қадамжосидаги тераклардир. Ушбу теракларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддас саналишининг боиси шундаки, уларнинг пўстлоғидан маҳсус елим ажралиб чиқиб, улар, асосан, яра-чақаларни даволашда ишлатилади.

Дарахтлар билан боғлиқ қарашларда, зиёратчилар уларга орзу-ниятларини амалга оширувчи восита кўринишида муносабатда бўладилар. Аҳоли орасида қадамжолардаги дарахтлар ҳам қувватга эга бўлиб, инсон истакларини қўкка етказувчи восита вазифасини бажаришига ишонч мавжуд. Ушбу дарахтларнинг қуриб қолиши ёки инсон томонидан зарар етказилиши турли оғатларни олиб келишига сабаб бўлади, дейилади. Шу асосда, зиёратгоҳлар ҳудудидаги дарахтларга турли матоларни ният қилиб боғлаш, ушлаб ният қилиш, уни қучоқлаш ва айланиш каби бир қанча амаллар, шунингдек, уларнинг шохлари, барги, пўстлоғи ва илдизи атрофидаги тупроқлардан малҳам ва тумор сифатида фойдаланиш ҳозирги кунга қадар воҳа аҳолиси ўртасида сақланиб қолганлиги дала тадқиқотларида аниқланди.

Ҳайвонларни муқаддаслаштириши билан боғлиқ зиёратгоҳлар. Бу каби зиёратгоҳларда, асосан, қадамжо ҳайвон номи билан аталади. Бу ҳайвонларнинг зиёратгоҳга қай даражада алоқадорлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамасада, айрим ривоят ва асотирларда бундай номлар чорвадор аҳоли қатламишининг фаолияти натижасида юзага келгани борасида айрим фикрлар мавжуд.

Новқа ота зиёратгоҳи. Бахмал тумани Новқа қишлоғининг кўҳна “Новқа ота” қабристони ёнида жойлашган. “Новқа ота” деб номланишини маҳаллий аҳоли кўпроқ

⁹² Басимов В. Пережитках тотемизма у туркмен //ТИИАЭ. Т.VII. – 1960. – С. 148.

“Нақъатун” (арабча), яъни “түя” маъноси билан боғланади. XX асрнинг 70-йилларида қадар қишлоқ ҳудудида “Норчўқди” деган жой мавжуд бўлган. Бу жойда яқин-яқингача кичик бир тепалик бўлиб, қишлоқ ахли бу тепаликни “ривоятдаги аёл туясини чўқтирган жой ва айнан туюнинг қолдиги”, деб билишади.

Бўтамоши вали зиёратгоҳи. Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳда туюнинг боласи, яъни бўталоқни эслатувчи тош мавжуд. Тош атрофини 3x3 кв. метр ҳажмда оддий кўринишдаги гумбазли хонақоҳ ўраб туради. Кузатишларимизда аниқландикси маҳаллий аҳоли ушбу зиёратгоҳга фарзандли бўлиш, тутқаноқ ва жинчалди касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида келиб, пахта пиликли чироқ ёқишида, хайру эҳсон сифатида эса ўзлари билан олиб келган оқ (фарзандли бўлиш учун) ёки қора мато (тутқаноқ ва жинчалди касалликларидан фориғ бўлиш)дан тикилган ёпинчиқни тош устида қолдириб кетишида.

Қоплон ота зиёратгоҳи. Зомин туманидаги Қовункесди ва Бешбулоқ қишлоқлари оралиғида жойлашган. “Қоплон ота” зиёратгоҳи ҳудудида сафана бўлиб, Аҳмад ибн Сайф Бурҳониддиннинг қабрлари шу жойда, деган қараш мавжуд. Манзилгоҳдаги шифобахш ҳисобланган булоқ атрофида, минг йиллик кекса тут ва тол дараҳтлари бор⁹³.

Хўроз ота зиёратгоҳи. Зомин тумани Туркман қишлоғининг юқори қисмida жойлашган қадамжо. Ахборотчиларнинг фикрича, ҳозирги кунда ушбу қишлоқда яшовчи Туркман уруғининг 3/2 қисми шу отадан тарқалган. Бу ерга зиёратчилар, асосан, оиласи маросимларни ўтказиш ҳамда ёш болаларда учрайдиган халқ тилида хўразак (нафас йўлларини бўғилиб қолиши) касаллигидан халос бўлиш учун ташриф буюришади. Эрта баҳор ва куз ойларида қўй ва эчки сўйиб, курбонлик қилишади. Яна ўзига хос маросими хусусияти шундан иборатки, ушбу жойга боланинг неchanчи ойда туғилганига қараб (1-12 дона) чироқ ёқишида. Бизнингча мазкур қарашлар

⁹³ Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. –Тошкент: Фан, 2008. – Б. 29–30.

замирида халқмизнинг паррандалар билан боғлиқ қадимги қарашлари ётади. Тарихдан маълумки, Олд Осиё ва Ўрта Осиё халқларида эрамиздан аввалги VII–VI асрлардаёқ хўroz “ёвуз кора кучларни ҳайдовчи парранда” сифатида муқаддаслаштирилган⁹⁴.

Ҳайвонларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг вужудга келиши, аксарият ҳолатларда ўша ҳайвонни маҳаллий аҳоли орасида культ даражасига кўтарилиши ҳамда айрим авлиёларга нисбат берилиши натижасида вужудга келган. Аҳоли орасида ўзларининг айрим ҳайвонлардаги хусусиятлар билан ўхшаш томонлари ёки ўзида йўқ ҳислатларга хавасманд ҳолатда ўша ҳайвонга бўлган муносабат шаклланган.

Воҳа зиёратгоҳларини аҳоли ўртасида тутган мавқеига кўра уларни маҳаллий, вилоят ва республика миқёсида ташриф буюрувчи зиёратчилар асосида шакллантирса ҳам бўлади. Зиёратгоҳларнинг функцияси, зиёратчиларнинг қайси ҳудудлардан келиши ва нима мақсадда зиёрат қилинишига қараб, уларнинг мавқеи шаклланади. Айнан, шу асосда Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини таҳлил қиласиган бўлсақ, улар қўйидагича:

-Маҳаллий зиёратгоҳлар – Янгиобод туманидаги Саид Исоҳўжа, Эрсулеймон бобо, Бўтатош Вали, Тешиктош бобо, Балогардон бобо зиёратгоҳлари, Зомин туманидаги Хожа Шоҳимардон Шердор, Хожа Қаҳҳор Вали, Арчамозор ота, Қум ота, Бешбулоқ ота, Хўжа Кўндаланг, Ғорбобо, Хўроз ота, Қорамозор ота зиёратгоҳлари, Ш.Рашидов туманидаги Қирқ чилтон, Поймард ота, Чўқмозор ота зиёратгоҳлари ва Учқиз қадамжоси, Жиззах шаҳридаги Бобоякка ва Хўжамозор зиёратгоҳлари, Фориш туманидаги Нарвон ота ва Ҳасан ота зиёратгоҳлари, Тешиктош чиллахонаси, Ғаллаорол туманидаги Ғўбдин ота. Соврук ота ва Қозон ота зиёратгоҳлари, Бахмал туманидаги Хўжа Кўндаланг ота, Теракли ота, Янгимозор ота ва Қирқчилтон зиёратгоҳларини маҳаллий зиёратгоҳлар қаторига киритиш мумкин.

⁹⁴ Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Издательство АН, 1956.– С.26.

- Махаллий зиёратгоҳларга, асосан, улар жойлашган қишлоқлар ва туманда истиқомат қилувчи кишилар зиёрат мавсуми жараёнида ёки айрим касаллик ва тушкунлик сабаб зиёрат қилиш ва турли кўринишдаги маросимларни ўтказиш учун келишади. Зиёратчиларнинг кўпчилиги муқаддас қадамжога номи берилган авлиёнинг ўзларини ва аждодларини ҳомий пирлари сифатида билишади. Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган туманларда бир қанча номи аниқланмаган шаҳид мозорлар ҳам борки, уларга фақат маълум бир маҳаллаларда истиқомат қилувчи кишилар ихлос билан мавсумий маросимлар ўтказишади.

- Вилоят миқёсидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга – Янгиобод туманидаги Чанговул ота ва Чилмаҳрам ота зиёратгоҳлари, Зомин туманидаги Хўжай Сероб ота, Кўктўнли ота, Сайд Бурхониддин Қилич ва Қоплон ота зиёратгоҳлари, Ш.Рашидов туманидаги Парпи ота зиёратгоҳи, Фориш туманидаги Жондоҳор ота зиёратгоҳлари, Галлаорол туманидаги Сайфин ота зиёратгоҳи, Бахмал туманидаги Ўсмат ота ва Богимозор ота зиёратгоҳларини киритиш мумкин.

Вилоят миқёсидаги зиёратгоҳларда авлиёлик кароматлари билан машхур бўлган шахсларнинг қабрлари, мақбаралари билан бир қаторда зиёратгоҳ ҳудудида муқаддас саналувчи булоқлар, дарахтлар ва табиат мўъжизаларининг мавжудлиги ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли ҳам зиёратчилар турли хил касалликларга шифо топиш, маросимлар ўтказиш билан бир қаторда табиат қўйнида дам олишни ҳам ният қилишади.

- Республика даражасидаги машхур жойларга – Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳи, Зомин туманидаги Пешағор ғори, Парпи ойим, Шароф Рашидов туманидаги Қулписар ота зиёратгоҳи, Фориш туманидаги Хўжа Боғбон ота, Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳи ва 2500 ёшли арча дарахти, Галлаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи, Темур дарбоза (Темур қопуғ) қадамжоси ҳамда Бахмал туманидаги Новқа ота зиёратгоҳларини киритиш мумкин. Республика миқёсидаги зиёратгоҳларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, уларнинг айримлари маҳобатли мақбаралари, машхур булоқлари ва ажойиб табиат манзараси

билин вилоятга ташриф буюрувчиларни ўзига жалб этади. Бундан ташқари, ушбу масканларга чет эллик мөхмөнлар ҳам зиёратгоҳлар худудидаги археологик объектлар, ноёб табиат ёдгорликларини кўриш мақсадида ҳам келишади.

Юқорида таъкидланганидек, воҳа муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари нафақат шакланиш жараёни, улар билан боғлиқ табиат ёдгорликлари, аҳоли орасидаги нуфузи ва ташриф буюрувчиларнинг ижтимоий таркибига кўра ҳам фарқланади. Шундан келиб чиқгани ҳолда, зиёратгоҳларга келувчи аҳоли қатламининг ўзлари ёки аждодлари шуғулланган касб-кори, жинсий мансублиги ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўйидагича таснифланди:

Маълум касб эгалари ташриф буюрувчи зиёратгоҳлар. Воҳа аҳолисининг ўзлари шуғулланувчи касблари ва амалларининг ривожига ҳомийлик қилиши тўғрисидаги қарашлари, авлиёларнинг вазифасига қўчиши ҳар бир касб-хунар эгасининг ўз ҳомийсининг қабрини зиёрат қилиш билан боғлиқ қарашларни юзага келтирди. Қуръони каримда номи зикр этилган пайғамбарлар ҳамда ислом оламидаги машҳур алломалар ҳаётида олиб борган машғулотлари туфайли, вафотларидан сўнг улар ҳар бир ҳунармандчиликнинг ҳомий пирларига айланганлар. Бу ҳақда Усмон Турар қўйидагиларни келтиради: “Тариқатларнинг валий пири бўлганидек футувват ташкилотида ҳар бир маслак арбобининг пайғамбарлардан иборат пири бор⁹⁵.

Жиззах воҳасида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг айримлари турли касб ва ҳунар соҳибларининг ҳомийлари сифатида аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Бунда авлиёларнинг таъсир доираси кучли бўлиб, кишилар касбий фаолиятида акс этгани ҳолда, улар ва авлодларининг ушбу касб ҳомий авлиёларига сифиниши сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Чўқмозор ота зиёратгоҳи (Жувозчилар пири). Ш.Рашидов тумани Ўроқли қишлоғи қабристони худудидаги ушбу зиёратгоҳ қадимги карvon йўлида жойлашган бўлиб, худудда ёши қарийиб олти асрга тенг муқаддас тут дарахти мавжуд.

⁹⁵ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Тошкент: Истиқлол. 1999.–Б. 97.

Зиёратгоҳ ҳақида маҳаллий аҳоли орасида бир қанча ривоятлар сақланиб қолинган бўлиб, ушбу қишлоқлик Зухра Маматқулованинг таъкидлашича, кечаси қабрдан нур таралиб туради, шу сабабли зиёратгоҳнинг номи “Чўқмозор ота” бўлиб, яна бир номи эса “Хўжа Рўшноий”дир. Зиёратгоҳга масъул бўлган 68 ёшли Исоқ Маматқуловнинг таъкидлашича, бу зот жувозчиларнинг пири бўлиб, ташриф буюрувчиларнинг аксариятини ушбу касб эгалари ва уларнинг авлодлари ташкил этади.

Оқсоқ ота (Ҳазрати Исҳоқ–чўпонлар пири) зиёратгоҳи. Зомин тумани Увол қишлоғи худудидаги учқур тепаликда жойлашган бўлиб, аслида бу чўпонларнинг пири бўлган Ҳазрати Исҳоқ⁹⁶ (маҳаллий аҳоли орасида вакт ўтиши билан Оқсоқ бўлиб кетган) номи билан боғлиқ.

Бу зиёратгоҳга, асосан, атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси чорва молларида учрайдиган, маҳаллий тушунчага кўра овсил⁹⁷ касаллигига учраган, чорва ҳайвонларини олиб келишади. Баъзи вақтларда қўй ва эчкиларнинг ушбу касалликка чалинишини олдини олиш мақсадида отари билан ҳайдаб келишиб, қурбонлик маросими ўтказишади. Маҳаллий аҳоли вакили бўлган Тоштемир Умматовнинг берган маълумотларига кўра, чорва молларида учрайдиган ушбу касаллик шу жойда тузалганлиги бир неча бор исботланган. Воҳадаги кўчманчи чорвадорлар маданияти билан шуғулланган илмий тадқиқотчиларнинг изланишларида, ушбу худудларда қадимдан кўчманчи туркий чорвадор қабилалар яшаганлиги археологик тадқиқотларда ўз исботини топган⁹⁸. Худудда қадимдан чорвачиликка ихтисослашган аҳоли қатламининг ўзига хос удум ва маросимлари бўлиб, улар томонидан ислом дини қабул қилганидан кейин ҳам ўзига хос одатлар сақланиб қолиб, маросим

⁹⁶ Ўша жойда–Б.97.

⁹⁷ Овсил – чорва молларида учрайдиган оқсоқланиш касаллиги бўлиб, асосан, эрта баҳорда кўпроқ учрайди.

⁹⁸ Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти: Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис. автореф. – Самарқанд, 2017.–22 б.

кўринишлари авлоддан-авлодга ўтиб, ислом дини билан боғлангани ҳолда шаклланганлигидан далолат беради.

Аёллар ташриф буюрадиган зиёратгоҳлар. Марказий Осиё халқарида момолар қульти жуда ҳам қадимий бўлиб, генетик жиҳатдан улар кекса аёллар руҳи билан боғлиқ ҳолда аёлларга кўзи ёришида, насл қолдиришда ҳомийлик қилганлар⁹⁹. Ўзбекистоннинг жанубидаги ўзбек қарлуқларда тўлғоқ оғир кечган вақти унга халақит бераётган инс-жинсларни ҳайдаш учун Биби Фотимага атаб қўчкор, эчки ёки хўрзни қурбонликка келтирганлар¹⁰⁰.

Жиззах воҳасида ҳам бошларига мушкул иш тушган пайтларда, айниқса, аёлларга хос жинсий қасалликлардан шифо топиш, фарзандли бўлиш мақсадида ташриф буюрадиган воҳа аёлларининг ҳомий зиёратгоҳларидан бири Парпи ойим номи билан аталади.

Зомин туманининг Увол қишлоғи ҳудудида жойлашган Парпи ойим зиёратгоҳи тўғрисида маҳаллий аҳоли ўртасида жуда қўплаб ривоятлар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бирида Парпи ойим воҳадаги Парпи ота зиёратгоҳига номи берилган авлиёнинг синглиси¹⁰¹, деган қараш мавжуд. Оға Бургутли “Жиззах вилояти зиёратгоҳлари” номли рисоласида: “Парфи” сўзи араб тилидан таржима қилинганда “оқ” деган маънони англатиб, “Парпи ота” – “оқ ота”, “оқ кийимли ота”, “оқ ниятли отадир”¹⁰², – деб таърифлайди. Шунга кўра “Парпи ойим” – “Оқ она”, “Пок ва бегуноҳ она” бўлиши мумкин, деган хulosага келишга асос бўлади.

“Парпи ойим” тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги туркий халқларнинг шомонийлик эътиқодидаги оналикни баҳш этувчи, чақалоқларни ёвуз кучлардан

⁹⁹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросими фольклори.–Тошкент: Фан, 1986.–Б.161.

¹⁰⁰ Шаниязов К. Узбеки–карлуки. –Ташкент :– Фан, 1964.–С.139.

¹⁰¹ Дала ёзувлари. Зомин тумани Увол қишлоғи, Парпи ойим зиёратгоҳи. 2016 йил.

¹⁰² Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари.–Тошкент:Фан. 2008.–Б.23.

асраб-авайловчи маъбуда “Умай она”¹⁰³ бўлиб, бизнингча воҳага ислом дини кенг тарқалгандан кейинги даврдаги трансформацияга учраган, аммо унга эътиқод қилиш давом этган кўринишидир.

Юқоридаги фикрларга хулоса сифатида айтиш мумкинки, воҳа зиёратгоҳларини маълум тизимга солиш асосида ўрганиш уларга хос хусусиятларни тўлақонли очиб бериш ва бошқа худудлардаги каби ўхшаш ҳамда локал томонларини кўрсатиш имконини беради. Жиззах воҳасига оид қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тузилиши ва жамиятдаги функцияси бошқа худудлар билан ўзаро муштарак ҳолда шаклланган бўлсада, уларнинг вужудга келишига оид қарашлар, у ерда бажариладиган маросимлар воҳа аҳолисининг худудий қарашларини, ижтимоий турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Жиззах воҳасига оид зиёратгоҳлар таркибига назар солсак, маҳаллий авлиёларга тегишлилари кўпроқ учрайди. Қолган тур зиёратгоҳлар ана шу авлиёлар фаолияти, касб-кори ёки уларнинг қадамжолари вужудга келиши натижасида шаклланган. Аҳолининг ислом динигача бўлган қарашлари муқаддас тош ва ғорларнинг ғайриоддий сифатларига ишониш кўринишида сақланиб қолган бўлсада, бугун аксарияти ислом дини қарашлари билан ўзаро муштарак ҳолга келган. Шунингдек, воҳа зиёратгоҳлари билан боғлиқ қарашлар ва ўтказилаётган маросимларда янги инновацион ўзгаришлар ҳам кириб келаётганлигини кўриш мумкин. Умуман олганда, таснифлаш натижасида маълум бўлдики, Жиззах воҳаси турли шаклдаги зиёратгоҳ ва қадамжоларга бой худуд бўлиб, уларни давлат муҳофазасига олиш ва тарғиб қилиш, худуд тарихини ўрганиш ҳамда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда муҳим обьект вазифасини бажаради.

Хуллас, Жиззах воҳаси зиёратгоҳларига бағишланган тадқиқотларнинг муҳтасар таҳлили шуни кўрсатдики, Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари

¹⁰³ Тошбоев Ф. Чорвадорлар маънавиятида Умай она топинчи//Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт: трансформацион жараёнлар мавзусида республика илмий-назарий конференция материаллари.–Термиз, 2016.–Б.383–385.

тадқиқотчилар томонидан тарихий ва этнологик нұқтаи назардан ўрганилмаганлиги аниқланди. Айрим үлкашуносларнинг ўз қишлоқлари түғрисидаги китобларида берилған зиёратгоҳлар ҳақидағи маълумотлар ҳам, асосан, ривоятларга асосланған бўлиб, публицистик талқинда баён қилинган. Тадқиқотлар жараёнида Жиззах воҳаси ҳудудидаги зиёратгоҳлар ўзининг географик ва тарихий шаклланиши, воҳага хос айрим хусусий кўринишлари, ҳалқ қарашлари, тасаввурлари, жойлашган ўрни, функцияси ва ташриф буюрувчиларнинг ижтимоий таркибига кўра таснифланди. Шунингдек, воҳада Пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар жуда кам бўлиб, асосан, маҳаллий диний уламолар ва авлиёлар номлари билан аталиб, қолган таснифдаги зиёратгоҳлар ҳам ана шу диний уламолар ва авлиёлар фаолияти, касб-кори ёки уларнинг кўрсатган кароматлари түғрисидаги ривоятлар асосида шаклланган.

Воҳадаги қўплаб зиёратгоҳларга номлари берилған шахслар азалдан маҳаллий аҳоли томонидан илм-маърифат ҳомийлари деб ҳисобланиб, уларнинг турмуш тарзи, бажарган амаллари, кишиларни маърифатга, илм олишга ундан, диний ва дунёвий билимлар билан шуғулланишга чорлаган бўлса, баъзилари маълум касб-кор эгалари ҳамда аёлларнинг ҳомий авлиёси ҳисобланган. Зиёратгоҳларнинг воҳа аҳолиси ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилиш асносида, зиёратчиларнинг ёш тоифаси, касби, жинси, миллати, зиёратгоҳга ташриф буюришидан мақсади, келувчиларнинг гендер таркиби ва зиёрат қилинадиган жойларни танлаш борасида ўтказилган социологик тадқиқотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар қиёсий таҳлил қилинди. Натижада, аҳолининг зиёрат амалларини бажаришида, энг аввало, маънан ва руҳан таскин топиш, соғлиқни тиклаш, фарзандли бўлиш, ҳомий руҳлардан мадад сўраш, бошланган янги ишнинг хайрли бўлишини исташ ҳамда аждодлар удумини давом эттириш каби мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

II БОБ. МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОХЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР

2.1. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарапшларда қадимий диний эътиқодларнинг ўрни

Зиёратгоҳларнинг юзага келиши ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига кўра таснифланганда, уларнинг моддий кўринишидан келиб чиқиб фикр билдирилган эди. Воҳа зиёратгоҳларининг тарихи, топонимикасига эътибор қаратилса, қадамжолар билан боғлиқ қарапшларнинг халқ онгидага сақланиши ва бугунги кунга қадар етиб келишида халқнинг диний қарапшари, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналари ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини қузатиш мумкин.

Воҳа зиёратгоҳлари билан боғлиқ маҳаллий аҳоли дунёкараши, асосан, исломий амалларга асосланган бўлсада, лекин айрим ўринларда қадимий эътиқодлар билан боғлиқ тасавурлар ҳам учрашини кўриш мумкин. Тарихдан аёнки, Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунига қадар бу ерда кўплаб қадимий динлар ва диний қарапшлар хукмронлик қилган. Аждодларимизнинг тарихий шароит ва табиат ҳодисаларининг моҳиятини англашга интилиши, табиат ва жамият ҳодисаларига ибтидоий қарапшари кўплаб диний эътиқодларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига сабаб бўлди ва натижада тотемизм, афсунгарлик (магия), рухлар эътиқоди билан боғлиқ шомонлик, зардуштийлик каби қадимий диний қарапшлар ва диний эътиқодлар вужудга келди.

Қадимги Уструшонада ҳам аҳолининг маънавий – диний ҳаёти ислом дини оммалашгунча турли хил кўринишда бўлган. Чорвадорларнинг диний эътиқодлар қориши масидан иборат бўлган тасаввурларида, шомонийлик – Кўк Тангрига, аждодлар руҳига, қуёш (олов)га, табиат ҳодисаларига, тоғ ва дарёларга сифиниш, шунингдек, хўжалигида мавжуд жониворларларга, ҳам алоҳида меҳр кўрсатиб, уларни илоҳийлаштирганлиги сезилади. Дехқон ва чорвадор аҳоли ўртасида диний эътиқод

борасида фарқлар мавжуд бўлсада, қайсиdir маънода улар бир-бирини тўлдирган. Масалан, зардуштийликка хос тушунчалар дехқон аҳоли таъсирида чорвадорлар орасида ёйилған бўлса, шомонийлик ва тотемистик қарашлар чорвадорлар таъсирида ўтрок воҳаларда оммалашған¹⁰⁴. Аждодларимизнинг асрлар давомида шаклланган диний маросимлари инсонийлик, аждодларга ҳурмат, азалий қадриятларга садоқат, жамоани, оилани муқаддас билиш, унинг шаъни учун курашиш каби тушунчаларни ўз ичига олган. Ислом динининг кириб келиши ва оммалashiши бу умумисоний қадрият ва анъаналарнинг янада сайқал топишида ижобий рол ўйнаган. Бу зиёратгоҳларнинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Энг қадимий даврларга оид табиат кучларига сифиниш билан боғлиқ муқаддас бўлган тошлар, шохларига латта боғланган дараҳтлар, ғайритабиий ғорлар, қоялар, муқаддас булоқлар, ҳозирда кўп жойларда учрайди ва у жойлар муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилган¹⁰⁵. Халқимизда бундай жойларни тез-тез зиёрат қилиш “назр-ниёз”, “ис” чиқариш каби маросимларни ўша жойларда ўтказиш савобли иш ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда воҳа халқи орасида қадимий эътиқод излари яққол ажралган ҳолда намоён бўлмайди, балки айrim элементлари ислом дини қарашлари билан симбиоз¹⁰⁶ тарзда учрайди. Бунинг сабаби сифатида жамият хаётидаrudемент кўринишда сақланган илк диний қарашларга хос хусусиятларни исломий қоидалари билан интеграциялашуви ҳамда бир муддат аҳолининг турмуш тарзида диний муносабатларнинг тақиқа учраганини келтириш мумкин. Тадқиқот жараёнида қўлга киритилган этнографик маълумотлар асосида муқаддас қадамжоларда қадимги эътиқодлар излари сақланиб қолган. Булар зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши хақидаги қарашларда, қадимиий эътиқод изларининг маросимларда акс этиши, қадимиий эътиқодларнинг табу кўринишидаги амалларнинг

¹⁰⁴ Тошбоев Ф.Э. Уструшона чорвадорларининг исломгача бўлган диний эътиқодлари ҳақида // Имом Бухорий сабоқлари. Тошкен т., 2018 №2. 36-38 бетлар

¹⁰⁵ Жабборов И. Ўзбеклар.—Тошкент: Шарқ, 2009. —Б. 167.

¹⁰⁶ Симбиоз – икки хил организмнинг муайян бир мухитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб бирга яшashi // Русча-ўзбекча лугат. – Тошкент: ЎзСЭ, 1984. – Б. 417.

айрим атрибутларни муқаддаслаштиришда күриш мумкин. Марказий Осиё ҳудудида ислом дини кириб келгунга қадар ҳукмронлик қылган шомонлик, зардустийлик каби диний эътиқодлар ва турли хилдаги диний қарашлар бугунги кунда расман бархам топган бўлсада, лекин уларнинг излари кўплаб маросим ва урф-одатларда айниқса муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар билан боғлиқ турфа хил урф-одатлар ва расм-русумларда ҳамда ушбу зиёратгоҳлар билан боғлиқ ҳалқона қарашларда сақланиб қолганини кўриш мумкин

Воҳада жойлашган зиёратгоҳларнинг аксарияти турли авлиё ёки кароматга эга шахслар билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Жумладан, Зомин туманидаги Қоплон ота зиёратгоҳи тўғрисидаги қарашларда тотемистик эътиқод билан боғлиқликни кўриш мумкин. Ахборотчиларимизнинг берган маълумотига кўра, ҳалқ орасида ушбу зиёратгоҳ пайдо бўлиши ҳақида қуийдагича қараш мавжуд: кунлардан бир куни Қоплон ота дағн этилган жойга келиб, жонлик (кўй) сўйиш ниятидаги чўпон йигит ўз сурви орасидан бир қўзини саралаб, уни яхшилаб парваришлайди. Қўзи семириб, катта қўчкор бўлиб етишгач, ҳалиги чўпон уни бозорга олиб бориб, битта қўчкор ўрнига иккита қўзи олишни ният қиласди. Қўчкорни бозорга олиб кетаётганида, Қоплон ота қабри ёнидаги булоқ томондан бир қоплон югуриб келиб, қўчкорни олиб қочади. Чўпон қўрқанидан қишлоқ аҳлини хабардор этиб, уч-тўрт йигит қоплон орқасидан қувишади ва улар қўчкорни муқаддас булоқ ёнидаги қозиққа боғланган ҳолда учратишади. Шу куни қишлоқдошлар булоқ бошига келишиб, қўчкорни сўйиб, худо йўлида Қоплон ота руҳига атаб қурбонлик қилишади. Шундан бери маҳаллий аҳоли ушбу муқаддас булоқ бўйида ҳар йили Наврӯзда қўй, хўroz ёки бошқа жонликлар сўйиб, қурбонлик маросимларини ўтказадилар.

Воҳа зиёратгоҳлари таснифига эътибор қаратилса, айрим зиёратгоҳларда турли ҳайвон культи билан боғлиқ қарашлар ва одатлар сақланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Бахмал туманидаги “Новқа ота”, Янгиобод тумани, Юқори Сармич қишлоғидаги “Бўтатош Вали”, Фориш туманидаги “Жондаҳор ота”, “Нарвон ота” зиёратгоҳларида туже хотеми билан боғлиқ қарашлар ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Бундан ташқари, Нурота ва Моргузар тоғларида ўрганилган бронза даврига оид қоятош расмларида ҳам туялар алоҳида композицияда тасвирланган¹⁰⁷. Ўлкашунос Оға Бургутли Бахмал туманидаги “Новқа ота” зиёратгоҳи номланишини кўпроқ “Нақъатун” (арабча), яъни “туя” маъноси билан боғласа¹⁰⁸, Сайид Азимнинг “Бахмалнома” китобида Новқа булоги ва “Науқат” шахри ҳақида маълумот берилган¹⁰⁹. Бошқа бир таърифга кўра Новқа атамаси сўғдча бўлиб, “Навкат”, яъни “Нав” – янги, “кат”, “кет”, “кент” – “қишлоқ”, “қўргон” маъносини англатади¹¹⁰. Бундан ташқари, қадим Уструшонанинг шимоли-ғарбий худудлари аҳолиси орасида “қўй культи” – “фарн”га сифиниш ҳам кенг ёйилганлиги қузатилади. Тасаввурларга кўра, қўй – (шохдор қўчкор) давлатмандлик, шон-шуҳрат, куч-қудрат тимсоли. Шу сабабли, шохдор қўчкор ҳайкалчалари, сопол идишларда, улар дастасида, тамға ва ўрналарда, айниқса, чорвадор туркийлар моддий маданияти намуналарида кўплаб учрайди¹¹¹.

Зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги турлича қарашларни ҳалқ орасида муқаддас ҳисобланган тепаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аҳоли дунёқарашида турли тотемистик қарашлар билан бир қаторда зиёратгоҳларнинг келиб чиқиш тарихи ёки унинг характерли жиҳатларини айрим тепаликлар ва чилтонлар билан боғлиқ ҳолда талқин этишлари ҳам учраб туради. Зиёратгоҳлар таркибида тепаликларнинг муқаддаслаштирилган ҳолда қадамжога айланганлари ҳам талайгина. Бундай жойлар ҳақидаги турли афсона ва ривоятлар ҳалқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келади. Жумладан, воҳадаги Бойбултепа, Муллатепа, Номсизтепа, Ёртитетпа, Таймантепа, Айвонлитепа каби тепаликлар тарихий қийматга эга бўлиб, айримлари воҳа тарихини

¹⁰⁷ Тошбоев Ф.Э, Холматов А.Н. Сузмаил ота қоятош расмлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарқанд, 2019. – Б 29.

¹⁰⁸ Оға Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 9.

¹⁰⁹ Сайид Азим. Бахмалнома. – Жиззах: Сангзор. – 2001. – Б. 59–60.

¹¹⁰ Пардаев М. Отчет Джизакского отряда по Бахмалскому району Джизакской области за 1986 год. Архив института Археологии АНРУз. – Самарқанд, 1987. Л. 5. Ф.6, О.1, Д.26.

¹¹¹ Пардаев М. Қўй ва бўри руҳига сигинишнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. – № 1-3. – Б. 39–42.

очиб берувчи археологик объектлар ҳисобланади. Аҳоли орасида эса, тепаликларнинг хислати (улар билан боғлиқ ҳолда сақланиб қолган афсона ва ривоятлар)дан келиб чиққан ҳолда турли маросимларни ўтказиш жойи сифатида қадрланади.

Ҳозирда бу жойлар турли сайиллар ва маросимлар нишонланадиган маскан вазифасини ўтайди. Бу ерларда баҳор ойларида Наврӯз ва Дарвишона, куз ойида эса Ҳосил байрами каби маросимлар ўтказилади. Демак, бундай тепаликлар воҳа аҳолиси ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаб, аҳоли турмуш тарзида ижтимоий-психологик, комуникативлик функцияларини бажарган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашларда чилтонлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кенг тарқалган. Чилтон (*форс-можикча* “чиҳилтон”) – диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий 40 та руҳ ёки “қирқта одам” деган маънени билдириб, улар кўзга кўринмайдиган, бирбиридан ажралмайдиган афсонавий махлукотлардир¹¹². Халқ орасида тарқалган ривоятга кўра, “... ер юзида чилтонлар бор. Булардан юқори мартабада турадиган ҳафтан бор. Улардан ҳам юқори мартабада турадиган ситанлар бор. Буларнинг устидан Қутби Абдол каттадурлар. Қачонки қутб оламдан ўтса, ситанлардан бир кишини қутб қилиб сайлайдилар, ҳафтандардан биттасини ситанларнинг ўрнига сайлайдилар, чилтонлардан биттасини ҳафтандарга қўшадилар ва ер юзидаги солиҳ кишилардан бирини топиб, чилтонларга аъзо қиласидилар. Буларнинг ададлари қиёмат кунигача кам бўлмас. Буларни рижолул ғайблар дерлар. Буларнинг дуоларини барокотидин инсонлар вояга етадилар ва кўп кишилар тўғри йўлни топадилар¹¹³, дейилади. Янгиобод туманидаги Баятсойнинг жанубий қирғоғидаги қабристон ичидаги жойлашган Чилмаҳрам ота зиёратгоҳининг пайдо бўлиши билан боғлиқ қарашларда ҳам юқоридаги каби ривоят сақланиб қолган.

Вилоятнинг Шароф Рашидов туманида жойлашган “Қирқчилтон” ва Малик ота зиёратгоҳи ҳудудидаги чиллахона ҳақидаги қарашлар бевосита чилтонлар билан

¹¹²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. Т.4. – Б. 485.

¹¹³Ҳазрати Башир тарихи. “Шарофнома” фонди. –Тошкент, 1994.–Б. 67.

боғланади. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, ушбу зиёратгоҳлар худудида чиллада ўтириш¹¹⁴ ёки чилла сақлаш билан боғлиқ маросимлар ўтказилиб, зиёратчиларнинг аксариятини шу жойдан шифо топган кишилар ташкил этади. Уларнинг айтишларича, кирқ кун чилла амалларига риоя қилиш орқали ўз мушкулларини осон қиласидилар.

Шунингдек, Бахмал туманидаги “Қирқ чилтон” зиёратгоҳига оид қарашларда қирқ оға-ини ботирларнинг шу ерда душманга қарши курашлари ва уларнинг ғойиб бўлганлиги қайд қилинади. Маҳаллий аҳоли ғойиб бўлган ака-укаларнинг сони ва ғайритабиий кучлар билан ҳамоҳанглигидан келиб чиқиб, уларни қирқчилтонлар билан боғлашади. Бундай қарашлар одамларга яхшилик қилувчи, ҳалол, пок, мард, кўзга кўринмайдиган қирқ нафар эзгу руҳларга ишонч натижасида шаклланган бўлиб, адабиётларда бу чилтонлар гоҳ эрқак, гоҳ аёл образларида гавдаланиб, “ғойиб эран”, “кўринмас одамлар” ҳақидаги афсоналар кўринишида акс этган¹¹⁵. Бахмалдаги “Қирқ чилтон” зиёратгоҳининг яна бир характеристи жиҳати у ерга руҳий bemорлар, тери касалликларига учраган одамлар даво истаб келадилар. Бу турдаги bemорлар яқинлари билан келиб жонлиқ сўйишади ва унинг қонини тошларга суртиб, сўнгра таом тайёрлаб тарқатадилар.

Чилтонлар билан боғлиқ маросимлар, зиёратгоҳларни таҳлил қиласидиган бўлсак, уларда ҳалқнинг қадимий эътиқод изларини, турли расм-русумларини ўзида мужассамлаштирган ва воҳа аҳолисининг аждодларидан мерос қолган қадриятларининг қолдиқ кўринишлари ҳолатида сақланиб қолган. Чилтонлар билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳамда ўтказиладиган маросимлар республиканинг турли

¹¹⁴ Чиллада ўтириш – нафсни тарбиялаш ва руҳни тасфия қилиш мақсадида хилватга кириб, маълум муддат Аллоҳ билан яккана-якка, дунёвий машғулот ва ўй-фикрлардан узоқ ҳолатда ибодат ва зикр билан шуғулланиб, вакт ўтказилади. Бунинг маълум муддати йўқ. Аммо қирқ кун ўтириш анъянадир. Шу боис хилватга «қирқ» маносини берувчи форсча «ҷеҳил»дан келиб чиққан «чилла» ва арабча «арбаин» (кирқ) сўзлари қўлланади. Қадимда зиёратгоҳларда чилла ўтириш учун алоҳида ҳужралар бўлган.

¹¹⁵ Андреев М. Чильтаны в среднеазиатских верованиях (В.В Бартольду). – Ташкент, 1927. – С. 334–338; Басилов В. Чильтан. Мифы народов мира. Т. 2. –М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 629.

худудларида мавжуд (жумладан, Фаргона водийси, Хоразм воҳаси, Бухоро вилояти, Жанубий Ўзбекистон худудлари)¹¹⁶ бўлиб, бу маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва диний қарашлари каби омиллардан келиб чиқсан ҳолда ўзига ҳослик касб этади.

Зиёратгоҳларда аҳоли томонидан бажариладиган маросимлардан бири – ўтганлар хотирасига атаб чироқ ёқишидир. Бундан ташқари, ўчоқда ёнаётган оловга ёғ сепиш одати ҳам сақланиб қолганлигини ҳам учратиш мумкин. Ахборотчиларнинг маълумот беришича, чироқ ёқишидан мақсад пиликдаги ёғ ёнган сари кўпроқ ис чиқаради, натижада мозордаги аждодлар руҳига унинг иси тезроқ етиб бориб, дуолар ижобат бўлади.

Бугунги кунда халқнинг зиёрат маросимларидан ҳисобланган чироқ ёқиши ҳам қадимдан худди дараҳтларга мато бўлагини боғлашдек зиёратчи томонидан бажарилган асосий одатлардан бири сифатида анъанавийлигини сақлаб қолган. Воҳа зиёратчилари ўртасида кенг тарқалган расм-русумлардан бири – зиёратгоҳлардаги дараҳтларга мато боғлашдир. Туркий халқларда қадимги фетишизм билан боғлиқ диний эътиқодларга кўра, дараҳт шоҳларига латта боғлаб, руҳларга қурбонлик келтирилмаса, ҳомий ёки бошқа руҳ томонидан кишиларга зиён-захмат етказилиши мумкин, деб тушунилган¹¹⁷. Бизнингча, зиёратгоҳлардаги дараҳтларга мато парчасини боғлаш зиёратчи билан муқаддас жой ўртасидаги рамзий боғланишнинг белгиси бўлиб, ҳар бир зиёратчи латта боғлаш орқали ўз тилак ва истагини ифода этган. Бу ҳолат Марказий Осиёнинг бошқа халқларига ҳам хос бўлиб, жумладан, қозоқлардаги бу одат ҳақида С.М.Абрамзон шундай ёзади: “Табиатнинг барча ғайриоддий кўриниши, масалан, чўлда ўсаётган дараҳт, шоҳлари ажойиб ўсимлик ҳам муқаддас

¹¹⁶ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тарихий-этнологик тадқиқот (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан.ном....дис.-Тошкент, 2006. –135 б.; Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари(тарихий-этнологик тадқиқот): Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис. –Тошкент, 2018. – 174 б.; Ҳазрати Башир тарихи. “Шарофнома” фонди. – Тошкент: Маъориф, 1991. –Б. 67; Жўраев М., Сайдова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 42.

¹¹⁷ Моногарова Л.Ф. Материалы по этнографии язгулемцев // Среднеазиатский этнографический сборник. Т. 2. – М.: Наука, 1959. – С. 72.

саналиб, зиёратгоҳ вазифасини ўтаган. Ҳар бир йўловчи, ушбу дарахтга кўйлакнинг ёки бирон-бир матонинг парчасини боғлаб, бирон-бир ҳайвонни қурбонликка келтирган”¹¹⁸.

Ушбу расм-русумни бажарувчиларнинг айтишича, турли мато бўлакларини боғлаш орқали зиёратчи муқаддас жойга нисбатан умид ва ишончини билдиради ҳамда у билан рамзий алоқа ўрнатади. Зиёратчининг истаги рўёбга чиққач, у иккинчи бор келиб боғлаган матони ечиб, белгиланган маросимни ўтказади. Воҳадаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳи яқинидаги муқаддас горда одамлар томонидан тошларга осиб, маҳкамланган минглаб мато бўлакларини учратиш мумкин. Ахборотчи аёлларнинг айтишича, зиёратгоҳга келган аёллар айнан ўзларининг рўмолидан бир парчасини “бошимиздан садақа”, деган маънода ғордаги тошларга осиб кетар экан. Бу жараён билан боғлиқ маросимларга кўра, ҳар бир хонадондан вакиллар келиб, мазкур муқаддас жойдаги аждодлари руҳига атаб “ис” чиқариши керак. Дастурхонга эса турли пишириқлар, хусусан, қатлама, бўғирсоқ, сутли кулча, кўк сомса каби таомлар тайёрланган ва маросим нихоясига етгач, “хайр-садақа” сифатида қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғларга тарқатилган.

Хўжамушкент ота зиёратгоҳига тез-тез келиб турувчи ахборотчимизнинг таъкидлашича, бир неча йиллар фарзанд кўрмаган қизини ушбу зиёратгоҳга олиб келиб, шифобаҳаш сувлардан ичириб, дуо олиб кетгач, орадан вақт ўтиб қизи фарзандли бўлган. Шундан сўнг, бу зиёратгоҳга мунтазам кела бошлаган. Жумладан, учинчи бор келишида набирасининг бир тутам сочини зиёратгоҳга эҳсон сифатида қолдирган. Қолган сочи (кокил)ни эса муқаддас булоқлардан ҳосил бўлган сой сувига оқизган ҳамда булоқ сувидан олиб кетиб, набирасини шу сувда тез-тез чўмилтириб турган. Бу каби ҳолатлар кишилар орасида ушбу зиёратгоҳларга ҳар йили ўз оиласи билан зиёратга келиб, қурбонликлар қилишни талаб қиласи.

¹¹⁸ Абрамзон С.М. Предметы культа казаков, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов кавказа. Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978. – С. 5.

Зиёратгоҳларда бажариладиган маросимларда воҳа аҳолиси сонларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ахборотчиларнинг айтишларича, Боғимозор ота зиёратгоҳига аёллар 7 чорсанбада 7 та чалпак пишириб келишади. Ярмини зиёратчиларга тақдим этишса, қолганини муқаддас булоқ атрофида бажариладиган маросимда танаввул қилишган. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, маросимлар 3, 7, 11 каби тоқ кунларда ўтказилади ва шу сондаги таомлар билан зиёратгоҳларга ташриф буюришади.

Воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларни таҳлил қилиш натижасида айтиш мумкинки, қадимий эътиқод излари мавжуд бўлган урф-одатлар архаик кўринишида бугунги кунга қадар етиб келган. Айрим жараёнлар ислом дини қарашлари билан аралаш ҳолатда учраса, баъзилари алоҳида ўз хусусиятини сақлаб қолган.

Қадимий эътиқодларнинг табуларда сақланиши. Воҳа зиёратгоҳларида аҳоли томонидан тегиниш таъқиқланган турли буюмлар, дарахтлар ва жониворларга бўлган муносабат натижасида, уларга нисбатан қисман ёки мутлақ муқаддаслаштириш ҳолатлари кўзга ташланади. Бундан ташқари, муқаддас қадамжоларга ҳос удумлар ва бажариладиган жараёнларда мавжуд табулар¹¹⁹ ҳам қадимий эътиқод изларини ўзида мужассамлаштирган.

Кузатувлар натижасида айтиш жоизки, зиёратгоҳлардаги ғор ва тошларни, дарахт ва ўсимликлар, айримларида хайвонлар муқаддаслаштирилганлиги боис, уларга зиён-захмат етказиш, жумладан, тошларни синдириш, балиқларни овлаш, дарахтларни кесиш, юлиш таъқиқланган бўлиб, қарийб барча зиёратчилар бунга амал қиласиди. Воҳадаги муқаддас қадамжоларда алоҳида сифатларга эга бўлган ва табуга учраган дарахтлар жумласига чинор, арча, тут, жийда, қатрон, писта, қайрағоч ва бошқаларни киритиш мумкин. Ташриф буюрувчилар ушбу дарахтларга нисбатан салбий муносабат, албатта, ўз таъсирини кўрсатади, деб ишонадилар. Ўтказилган

¹¹⁹Табу – халқнинг турмуш-тарзи ва урф одат, маросим ҳамда бошқа диний маросимларни бажаришда кўйилган айрим таъқиқ //Фрэзер Ж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С. 188–250.

сўровномалар натижасида маълум бўлдики, ташриф буюрувчиларнинг 83 фоиз дараҳтларни муқаддас хисоблаб, унга ёмон муносабатда бўлмаслик керак, деб хисоблашади. Сўровда иштирок этган аёлларнинг барчаси бу фикрга қўшилса, 23 фоиз эраклар ҳам табу масаласига ижобий қарайди.

Воҳа зиёратгоҳларида кенг тарқалган амаллардан яна бири – у ердаги булоқларга ташриф буюрувчилар ният айтишиб, сўнgra танга, мунчоқ, тош, мато парчаси, нон увоқлари ташлайдилар. Бу жараённинг ўзига хос томонларидан бири шуки, Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Бофимозор ота зиёратгоҳларидаги муқаддас булоқлар алоҳида тилга олиниб, уларга нарса ташлаш тақиқланади. Яъни, уларга нисбатан табу қўйилган бўлсада, зиёратчилар ният қилиб юкорида айтилган предметларни ташлашни канда қилмайди. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, қадимдан маҳаллий аҳоли орасида “кимки ушбу булоқларга эзгу ниятда келиб, дуо қилиб, булоқларга қўл тиқсаню, унинг қўлига бирор бир буюм илинса, унинг муроди ҳосил бўлади”, деган қараш устувор аҳамият касб этиб келган. Шу боис аксарият бефарзанд аёллар Қоплон ота, Хўжа Сероб ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳор ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Новқа ота ва Бофимозор ота зиёратгоҳларida турли дуолар ўқиб, ният қилиб булоққа қўл солганлар. Қайси бир аёл булоқдан одам шаклига ўхшаш тошча топса, демак, у яқин орада фарзанд топиш баҳтига мусассар бўлади, деган қараш шаклланган.

Муқаддас қадамжоларда турли кўринишдаги табуларнинг юзага келиши ва бугунги кунга қадар сақланиб қолиши инсонларнинг табуга учраган предметлар билан ўзаро муносабати асосида шаклланган бўлиб, бунда аҳолининг ilk диний қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади. Табуларнинг сақланиши ва амалда ҳанузгача қўлланилиши уларни ғайритабии ҳислатга эга бўлишидан ташқари, ўша ердаги экосистемани (дараҳтларни ҳолати, сувнинг тозалиги, ҳайвонот оламининг ташқи хавфдан сақлаш) ҳам бир меъёрда ушлаб туриш имконини ҳам беради.

Зиёратгоҳлардаги атрибутлар. Воҳадаги зиёратгоҳларда қадимги тотемистик диний эътиқодлар билан боғлиқ расм-руслар ҳам маҳаллий аҳоли орасида яхши

сақланган. Масалан, балиқ, тая, от, қўй, қоплон, хўroz каби ҳайвонларни муқаддаслаштириш айрим ҳолларда мазкур ҳудуддаги қадамжоларнинг зиёратгоҳ сифатида шакланишига туртки бўлган. Жумладан, ҳозирга қадар воҳадаги айрим зиёратгоҳлар булоқларидағи балиқларни маҳаллий аҳоли “балиқ қиёфасидаги авлиёлар”, деб ҳисоблайди. Шу сабабдан, азалдан халқ орасида ушбу балиқларни ўлдириш ёки ушлаш оғир оқибатларга олиб келади, деган тушунчалар шаклланган.

Ахборотчиларнинг айтишларича, Фаллаорол туманидаги Саъд ибн Абу Ваққос, Баҳмал туманидаги Новқа ота, Фориш туманидаги Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларидағи сув ҳавзаларида яшаётган балиқларнинг магик хусусиятларига ишонч мавжуд бўлиб, ривоятларга кўра, қадимда баъзи табиблар касалга афсун ўқиб, баданига жойлашиб олган ёвуз руҳларни ҳайдаб чиқариш учун дардманд кишига айнан ушбу сувлардан олиб келиб ювиниш кераклигини уқтиришган ва шу тариқа уларни даволашга ҳаракат қилишган.

Бу каби, балиқларнинг даволаш хусусиятларига ишониш Фарғона водийсидаги Садқак ота ҳамда Ҳазрат Али мозоридаги балиқлар билан боғлик бўлиб, “сариқ касал билан оғриган кишилар уларга қараса, касаллик балиқларга ўтиб улар дардан фориғ бўлади”¹²⁰, деган тушунчалар юзага келган.

Юқоридаги ишонч маҳаллий аҳоли мифологик қарашларига кўра, балиқ бор жойда ёвуз руҳ чекинади, соғлиқ ва ҳалоллик пайдо бўлади, инсон покланади, деган тушунчани юзага келтирган. Шу нуқтаи назардан зиёратчилар орасида қадамжоларда балиқларнинг яشاши бу ҳудуднинг пок сақланишига олиб келади ва қилган зиёрат ҳамда сўралган ният тезда амалга ошади, деган қараш шакланишига сабаб бўлган.

Зиёратгоҳларда нафакат жониворлар, балки айрим дараҳтлар ҳам хусусиятига қараб қадамжонинг таркибий қисмига айланган. Зиёратчилар томондан турли фетишистик эътиқодларга ишончнинг мавжудлиги ва айрим ривоятлар шу тизимни юзага келтирган. Жумладан, Ш.Рашидов тумани Паймард қишлоғи аҳолиси муқаддас

¹²⁰ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан. ном.... дис. – Тошкент, 2006. – Б. 127.

саналган тепаликда тоғ тошлари орасидан униб чиққан уч туп улкан қатрон дарахтига юқоридаги каби муносабатда бўлишади. Бундай одатларни воҳанинг Зомин туманидаги Бобоёнғоқ, Тоғтерак, Минг арча ва Қатрон ота зиёратгоҳларида ҳам учратиш мумкин. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида “Сиз ушбу дарахтларнинг қандай ғайритабиий кучига ишонасиз?”, деган саволга 36 фоиз ахборотчилар унинг таъсирини сезишларини қайд этган бўлсалар, 41 фоизи буни отабоболаридан ўтиб келаётган анъана эканлигини таъкидлашдилар. Факат 22 фоиз ахборотчиларгина “Ушбу дарахтларнинг магик хусусиятини тушунмасликларини билдирилар¹²¹. Бу тоифадаги зиёратчиларнинг аксариятини ўкувчи ва талабалар ташкил қиласиди.

Воҳа зиёратгоҳларида муқаддаслаштирилган учинчи атрибут турли булоқлардир. Ахборотчиларнинг айтишича, маҳаллий аҳоли ўртасида булоқлар кишиларнинг келажак тақдиридан хабар берувчи восита сифатида талқин қилинади. Шу сабабдан ҳам, ҳар бир зиёратчи тақдирини билиш учун булоққа қўл солади. Бу жараёнда булоқда зиёратчи қўлига нима олса, бу нарса унинг келажаги билан боғлиқ бўлган. Масалан, зиёратгоҳлардаги муқаддас булоқларга, асосан, бефарзанд аёллар қўл солиб, ўз баҳтларини синаганлар. Агар аёлнинг қўлига булоқ тубидаги бирор-бир мунчоқ, маржон илинса, демак қиз фарзанд кўради, агар унинг қўлига танга ёки ошиқ чиқса, демак, ўғил фарзандли бўлади ёки булоқдан ҳеч нарса топмаса, демак унинг на фарзанди, на бойлиги бўлади, деб қаралган.

Бундан ташқари, Нурота тоғ тизмаларидағи булоқлар суви билан кун кечирадиган аҳоли булоқ – “ҳаёт чашмаси” деб, унга жиддий муносабатда бўлишган. Сув мўл бўлиши, унинг камайиб қолмаслигини сўраб худога илтижо қилиб, дуолар ўқишган, қўй сўйиб, қурбонликлар қилишган¹²². Бу ҳолат айнан ичимлик суви манбаи, асосан, булоқлар билан боғлиқ бўлган воҳанинг тоғ ва тоғолди минтақаларида бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

¹²¹Этносоциологик тадқиқот муаллиф томонидан 2016 йилда Паймард қишлоғидаги зиёратгоҳда ўтказилган.

¹²² Корабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.–Тошкент: Шарқ, 2002.–Б.137–138.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, аҳолининг зиёратгоҳларда бажарадиган маросимлари жараёнини таҳлил қилсак, қадимий эътиқод излари юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчасида турлича кўринишда сақланиб қолган. Ўтказилган сўровномалар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, ахборотчиларнинг аксарияти қадимий эътиқод излари кўпроқ маросимларда ва табуларда сақланишини амалда кўрсатиб беришди. Яъни, бир бутун зиёрат қилиш жараёни кузатилса, юқорида тилга олинган икки йўналишда қадимий эътиқод излари кўпроқ учрашига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, аҳолининг зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашлари ва халқона ривоятлари ҳам шу икки асосга қурилган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, зиёрат қилувчиларнинг баъзи хатти-харакатлари айрим қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб (тош ва ёғочларни тавоф қилиш, улар устида сирпаниш, ёғоч ёки дарахтларга мато бўлагини боғлаш, тошларни муқаддаслаштириш, улар атрофида афсунлар ўқиш кабиларда ибтидоий фетишизм, анимизм, магия (сехргарлик), ҳатто табиат ва аждодларга сифиниш каби диний эътиқодларнинг излари мавжуд), улар маҳаллий халқлар турмуш тарзида таъқиқланганлигига қарамасдан, бугунги кунгача сақланиб қолганлигини кўрсатди.

2.2. Зиёратгоҳлардаги ислом дини билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар

Зиёратгоҳларнинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган функцияси аҳолининг диний қарашлари ва менталитети билан узвий боғлиқ. Зиёратгоҳларда кўзга ташланадиган асосий ҳолат бу – қадамжоларда бажариладиган маросимларнинг ilk диний ва бугунги кундаги замонавий жамиятнинг диний қарашлари билан ўзаро мутаносиблик касб этмаслигидадир. Воҳа аҳолисининг ислом динига бўлган муносабати ва дин доирасида бажариладиган одатлари алоҳида хусусиятга эга бўлиб, характер жиҳатидан қадимий эътиқодий маросимлардан фарқ қиласди.

Юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг шаклланиш тарихига оид тадқиқотларга эътибор қаратсак, ислом динининг ўлкада кенг ёйилиши исломдан

аввалги диний эътиқодлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган зиёрат масканларининг трансформациялашувига олиб келган ва ушбу муқаддас қадамжолар ислом оламидаги машҳур саҳобалар ва дин уламолари номлари билан атала бошланган. Бундан ташқари, исломни ўлкаларга ёйиш мақсадида (ислом дини йўлида) мاشақат чеккан, бошқаларга динни тўғри талқин қилиб бера олган ёки душманлар билан жангда ҳалок бўлган шахсларнинг хотираси ўлароқ турли зиёратгоҳлар ва қадамжолар юзага келган. Натижада, аждодлар руҳи билан боғлиқ маросимлар ҳамда исломнинг айрим бошқа одатлари баъзан яхлит ҳолда, баъзан қадимги диний эътиқодлар ҳамоҳанглигидаги ёки исломнинг ҳалқона қўринишлари шаклида зиёратгоҳларда ташкил қилинган. Воҳа аҳолисининг зиёратгоҳларда ўтказиладиган исломий маросимларини таҳлил қиласиз, аксарият одатларнинг қўшни Самарқанд ёки Тошкент воҳаси урф-одатлари билан ўхшаш жиҳатлари бисёр эканлигини, айрим зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашлар қадимиий эътиқод изларини ўзида сақлаганлиги сабабли маросимлар ҳам қоришиқ қўринишда акс этишининг гувоҳи бўлдик. Ахборотчиларнинг айтишича, Жиззах вилоятининг ҳозирги ҳудуди тарихнинг турли даврларида турли давлатлар ва хонликлар (Сўғд, Уструшона, Бухоро ва Кўқон хонликлари) таркибида бўлғанлиги ҳисобига айрим қарашларда ўхшашликлар ёки такрорий жиҳатларни учратиш табиий ҳол. Аммо, маҳаллий ҳудуднинг географик хусусияти ва ёш авлод онгига шаклланган миллий характер жиҳатидан зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда маълум этнохудудий фарқлар кўзга ташланади.

Қурбонлик (худойи). Қурбонлик арабча худога яқинлашиш, яъни унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлиқ сўйишни англатади¹²³. Ислом анъанасига мувофиқ мазкур дин билан боғлиқ муқаддас қадамжоларда аксарият ҳолларда ўша авлиёлар, уларнинг авлод-аждодлари руҳи учун Аллоҳ йўлида катта-кичик маросимларда жонлиқ сўйиб, худойи ўтказилиб, “эҳсон” ва “садақа” берилган.

¹²³ Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017. – Б. 619–620

Зеро, эҳсон ва садақани фақат рамазон ойи ва ҳайит кунларида эмас, балки бошқа вақтларда ҳам бериш тўғрисида шаръий ва диний китобларда зарур тавсиялар берилганд. Диний адабиётларда қурбонликни амалга ошириш ислом динининг кенг тарқалган маросим амалларидан бири эканлиги қайд этилган¹²⁴. Зиёратгоҳларда амалга ошириладиган қурбонлик ва эҳсонлар ҳам шулар жумласидандир.

Воҳа аҳолиси орасида қурбонлик маросими зиёрат мавсумининг барча босқичларида амалга оширилади. Зиёратгоҳларга ташриф буорган зиёратчилар эҳсон учун имкон қадар қўй ва эчкини қурбонлик қилганлар. “Мухтасар” китобида эҳсон учун қурбонликка сўйишнинг ҳукмларида аксарият ҳолатларда қурбонлик учун, асосан, қўй назарда тутилган¹²⁵. Чунончи, ислом динида фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига атаб жонлиқ, яъни қўй сўйилади¹²⁶. Марказий Осиё халқларининг маросимларда ўтказиладиган қурбонлик қилиш жараёнида қўлланиладиган ҳайвонларга алоҳида эътибор қаратилган. Одат бўйича қурбонликка тужаҳ, хўкиз, от ва қўй сўйилган. Жониворларни худоларга атаб қурбон қилиш қадимги диний эътиқодларнинг барчасида учрайди. Жумладан, қўйни қурбонликка сўйиш зардўштийлик динида ҳам кенг тарқалган. Кўй, кўчкор Фарннинг рамзи ҳисобланган, уни турли маросимларга атаб қурбонлик тарзида сўйганлар¹²⁷. Авваллари қурбонликка аталган ҳайвоннинг териси рангига ҳам эътибор берилган. Масалан, Хива хонларининг муқаддас мозорларда қилган қурбонликлари оқ рангда бўлган. Маълумки, оқ ва қора рангларнинг мифологик мазмуни оламни яхши-ёмон, ёруғ-зулмат курашидан иборат, деб тушунган аждодларимизнинг қадимги диний

¹²⁴ Садака хусусида // Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр ахлидан сўранг. – Тошкент: Hilo нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 225–233.

¹²⁵ Зоҳид Р. Мухтасар.– Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б.146–148.

¹²⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр ахлидан сўранг... – Б. 223.

¹²⁷ Литвинский Б. Кангюйско-сарматской фарн (К историко-культурным связям племен Южной России в Средней Азии). – Душанбе: Дониш, 1968. – С. 86.

қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир¹²⁸.

Зиёратгоҳларда қурбонлик (худойи) маросимлари ислом дини қоидасига мувофиқ эхсон сифатида бугун ҳам оммавий равишда амалга оширилади. Кузатишлар натижаси ва аҳолининг қурбонлик маросимидағи ниятлари, тилаклари ва фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, воҳада бу маросим қуидаги сабабларга кўра ташкил қилинишининг гувоҳи бўлдик:

- маълум бир касалликлардан фориг бўлиш мақсадида;
- фарзандли бўлиш, фарзанди борлар эса ўғил ёки қиз кўриш мақсадида;
- дехқончиликнинг ривожи ва йиғилган ҳосилдан эхсон сифатида;
- оиланинг ота-боболардан қолиб келаётган анънавий зиёрати давомида;
- аввал қилган ниятларининг ижросини таъминлаш мақсадида;
- қасб эгалари томонидан ўзларининг ҳомийси (пирлар) қўллаши мақсадида;
- лавозим ёки ютуққа эришганидан кейинги миннатдорчилик туйғуси сифатида ва ҳ.к.

Воҳада олиб борилган тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, қурбонлик учун сўйилиши керак бўлган ҳайвонлар бир йил, олти ой давомида яхшилаб боқилиши керак. Баъзан, чорвадорлар орасида эгизак туғилган қўй ёки эчкиларнинг биттаси туғилган вақтида қурбонлик учун ният қилиб, алоҳида боқилиши кузатилади.

Кузатишлар натижасида аён бўлдики, воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган Қурбонлик маросимларининг баъзи бир (хомталаш қилиш, қонлаш) жиҳатларида исломий деб талқин қилинадиган жиҳатлар ҳам сақланиб қолинган. Бундан ташқари, бугунги кунда қурбонлик маросими инсонларнинг жамиятдаги мавқеини ҳам белгилаб, кишилар ўртасида рақобат муҳитини ҳам юзага келтирмоқда. Ишларини ривожи учун иқтисодий аҳволи яхши оиласалар тез-тез қўй сўйиб қурбонлик қилсалар, тадбиркорлар йирик шохли моллар, жумладан хўқиз сўйиб қурбонликни ким ўзарга амалга ошириш ҳолатлари ҳам мавжуд.

¹²⁸ Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис.– Тошкент, 2018. –Б.108.

Ақиқа – воҳа аҳолисининг айни вақтда, Жиззах шаҳри ва унинг атрофидаги Шароф Рашидов туманига қарашли қишлоқ ва маҳаллаларида истиқомат қилувчи кишилар орасида кенг тарқалган бўлиб, айримлари зиёратгоҳларда ташкил этилади. Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, воҳа аҳолиси орасида бу маросим оиласийлик касб этиб, асосан, диний маросим сифатида талқин қилинади. Ақиқа гаров бўлиб, болага етадиган бало, бедаво касалликларни олдини олиш мақсадида унинг номидан бирор жонлиқни сўйиб, садака қилишни англатади. Бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ривоят қилинган ҳадисларда “Янги туғилган болага “ақиқа” қилинглар, қон чиқариб, азиятларни даф қилинглар”¹²⁹, деганлар. Шунингдек, “Ақиқа болага гаровдир. Еттинчи куни қўй сўйилади, исм қўйилади ва сочи олинади”¹³⁰, дейилади. Воҳа аҳолиси орасида сақланиб қолган маросим шартларига кўра янги туғилган чақалоқ ўғил бўлса – 2 та, қиз бўлса –1 та қўй сўйиш жоиз¹³¹ ҳисобланади.

Воҳада юқорида келтирилган худудлардан ташқарида бу маросим диний илмдан хабари бор, асосан, эшонзодалар, сайдилар авлодлари ва хўжалар томонидан ўтказилиб келинган бўлса, ҳозирги кунда аҳолининг бошқа қатламлари орасида ҳам урф бўлиб бормоқда. Бунинг сабаби, мустақиллик йилларида аҳолининг соғ исломий билимларини ривожлантириш мақсадида жойларда имом хатиблар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижаси, дейиш мумкин.

Воҳада ақиқанинг мазмуни бошқа жойларда бўлгани каби янги туғилган чақалоқка мулла ёки имом томонидан уни чилласи чиқмасдан ёки оиласинг иқтисодига қараб ёшига етгунга қадар қулоғига аzon айтиш ҳамда исм қўйишни ташкил этади. Воҳада ақиқа йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, эркаклар дастурхони учун хурмо, аёллар учун сутли кулча қўйилиб, таомларидан ҳолвайтар, бўғирсок, қатлама, чўзма дастурхонда бўлиши талаб қилинади. Ақиқа маросимида дастурхонга хурмо қўйиш одати Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан, Абу Мусо (р.а.)дан

¹²⁹ Имом Бухорий. Саҳих ал Бухорий.–Байрут.:Дар ат тасил, 2018.–Б.1178–1179.

¹³⁰ Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Язид Қазвиний. Саҳихи ибн Можа.–Риёз:Маъориф, 1998.Жилд 3. –Б.92.

¹³¹ Фазлуддин Иқрориддин. Оила ва никоҳ рисоласи. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2004. – Б. 28–29.

ривоят қилингандай “Мен ўғил кўрганимда уни Набий (с.а.в.) ҳузурларига олиб бордим. У зот уни Иброҳим деб номладилар, хурмо ила танглайини кўтардилар ва унга барака тилаб дуо қилиб, менга тутқаздилар...”¹³², – деган мазмундаги ҳадисдан келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Агар ақиқа маросими зиёратгоҳда ўтказилса, фақат қурбонлик зиёратгоҳда қилиниб, доғланаётган мойга чўзма ва бўғирсоқлар ҳамда биринчи иккинчи таомлар пиширилади, қолганлари ўз хонадонида тайёрланиб келинади. Ақиқа маросимининг этноҳудудий қўринишларидан бўлган исломий деб талқин қилинадиган одатларидан бири шуки, воҳа хонадонларида ёки Хўжамушкент ота, Новқа ота, Парпи ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Хўжабоғбон ота сингари зиёратгоҳларда одатга кўра тажрибали ва хонадоннинг ёши улуғ аёллари ақиқа маросими ўтказилгандан сўнг, шу ерда эҳсон учун сўйилган қўйнинг ошиғини ушбу гўдак соғ-саломат улғайсин, чимилдиқ қўрсин, деган мақсадда олиб кетишади ва уни ушбу чақалоқ вояга етганида унинг чимилдиғи ёки кўрпасининг бир четига туғиб қўйишади. Қолган суюкларини яхшилаб тозалаб, янги оқ матога ўраб хонадоннинг тоза жойига кўмиб қўяди. Ахборотчиларимиздан бунинг сабаби сўралганда, бу боланинг ризқи уни бегоналар ёки ит олиб кетмаслиги керак,- деб жавоб беришди. Ақиқа маросими билан боғлиқ яна бир одат – сўйилган қўйнинг тўртдан бир қисмини ёки битта сонини чақалоқнинг онаси учун олиб қўйишдир. Бунинг сабаби – эҳсондан онанинг сути орқали

Мавлуд зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар қаторида баъзи қўринишларини инобатга олмаган ҳолда, ислом дини қоидалари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Исломда ҳар йили ҳижрий йил ҳисоби бўйича рабиул аввал ойи (халқ тилида “Мавлуд ойи” деб ҳам аталади) келганда “мавлуд маросимини ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, ўтмишда Шароф Рашидов туманидаги Парпи ота ва Фориш туманидаги Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларида Пайғамбар мавлудига атаб, боқилган қорамоллар билан бир қаторда, туя жонлиқ сифатида қурбонлик қилингандай.

¹³² Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Зикр ахлидан сўранг... – Б. 240.

Нима учун айнан түя қурбонлик қилиниши тұғрисида улар “түя ҳайвонлар ичида эңг сабр-бардошли бўлиб, унинг гўштини еган мўминлар ҳам сабр-тоқатли бўлади”, деган фикрни билдирилар.

Аслида, “Мавлуд” сўзи луғатда “Мавлудун набий” тарзида қўлланганда, Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилган кунлари маъносини англатади. Бироқ ўзбек тилида мазкур маъно учун “мавлуд” сўзи ишлатилиб, ушбу маросимга нисбатан “мавлуд” сўзи ҳам қўлланилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар иккала сўзда бир маъно, яъни Пайғамбаримизнинг туғилган кунларига атаб ўтказиладиган маросим кўзда тутилади. Мавлуд қўпчилик ислом тарафдорлари томонидан бидъат сифатида қаралади ва мавлуд байрам қилинмайди¹³³.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ислом динига хос бўлган маросимлар ва байрамларга маҳаллий ҳалқларнинг одатлари ҳам қўшилиб, уларни бойитган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, “хайитлик” бериш, янги ва тоза либослар кийиш, қўни-қўшнилар, қариндошлар, қариялар, касал ва ноҷорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб борган¹³⁴. Аммо, айrim ҳолатларда зиёратчилар Мавлуд маросимини ислом дини қоидаларига зид ҳолда ҳам ўтказиб, унинг моҳиятига тўла тушуниб етмасликлари ҳам кузатилиди.

Воҳа аёллари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, Мавлуд, шу ном билан аталадиган ой киришидан бошлаб тўрт ой давомида бир марта ўтказилади. Жумладан, 2019 йил ҳолатига кўра январь, февраль, март ва апрель ойларида ўтказилган.

“Чилла ўтириш” ва “Чилла сақлаш” воҳа зиёратгоҳларида бажариладиган исломий (Чилла ўтириш) ва исломий деб талқин қилинадиган (Чилла сақлаш) одатлардан ҳисобланади. Ҳалқона ислом анъаналарига мувофиқ, қоришиқ тарзда бажарилиши кенг тарқалган. Биринчи кўринишда ҳақиқий дин йўлига кирган киши

¹³³ Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Тошкент:Шарқ.2005.-Б.361.

¹³⁴ Корабоев У. Ўзбек ҳалқи байрамлари. Тошкент: Шарқ, 2002.-Б.42.

(сўфий, мурид, муршид) қирқ кун чилла сақлаши шарт ва у ерда тез-тез “Ёсин” сурасини ўқиб турган. Фориш тумани Гараша қишлоғидаги сайидзодаларнинг айтишларича, бу ердаги муқаддас қабристонга дафн этилган ҳар бир майит учун “Ёсин” сураси ўқилиши шарт ҳисобланади. Манбаларда “Кимки мақбараларга кирганда “Ёсин” сурасини қироат билан ўқиса, Аллоҳ ўша куни уларга енгиллик беради ва унга ўша ердаги нарсалар ададича хасанотлар бўлади”,¹³⁵ дейилади. Шу қишлоқлик кишилар қабр зиёратини ҳам, асосан, жума, шанба, душанба ва пайшанба куни амалга ошириш мақбул, деб ҳисоблайдилар.

Ахборотчиларнинг айтишларича, одатда, илгарилари чилла амаллари хонақоҳ, масжид, мақбара, чиллахона ва шу каби жойларда амалга оширилган. Яъни зиёратга келган киши 40, 20 ёки 7 кун мобайнида бу жойларда мазкур амалларга риоя қилган ҳолда, чин эътиқод ва ихлос билан ибодат қилган. “Чилла ўтириш” жараёнида у билан боғлиқ амаллар тасаввуф тариқати амаллари асосида хилватхоналар, масалан, ёлғиз уй, хонақоҳ, мақбара, масжид, ғор, чиллахона, муқаддас дараҳтлар тагида, муқаддас, деб ҳисобланган булоқ бўйларида ёки муқаддас тепаликларда бажарилса, инсон рухияти тезроқ покланади. Бундай хилват жойлар танланишида инсон тасаввурлари янада бойиши, инсон бундай жойларда ёлғиз қолиши орқали унинг эътиқоди янада мустаҳкам бўлиши қайд этилди. Хилватхона ва унга кириш, чиқиш жойлари тор ва коронғу бўлиши керак бўлган.

Ваҳоланки, ислом динидаги сўфийлар ва муридларга хос диний одатга кўра, мурид 40 кун мобайнида тоат-ибодат қилиши, йирик сўфий намояндаларининг қароргоҳлари, масалан, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий, Бухоро яқинидаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида чилла ўтириш учун алоҳида хужралар бўлган¹³⁶. Бундан ташқари, оғир аҳволга тушиб қолган беморларни ҳам яқинлари чиллага солишади. Бу жараёнда уларнинг ёнида ўтирган киши ҳар куни қирқ марта Куръони каримнинг “Ёсин” сурасини ўқиб туриши талаб қилинади. Маҳаллий аҳоли

¹³⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг... – Б. 222.

¹³⁶ Ислом // Справочник. – Тошкент: Ўзбекистон энциклопедияси, 1989. – Б. 276.

орасида сақланиб қолган юқоридаги каби ҳолатлар халқона ислом анъаналарига кўра бугунги кунгача етиб келган.

Воҳа аҳолиси орасидаги исломий деб талқин қилинадиган аммо, ўзида қадимги диний эътиқодлар кўринишларини сақлаб қолган навбатдаги “чилла сақлаш” одатларига қўйидаги ҳолатларда амал қилиб келинмоқда:

- Руҳий қувват олиш мақсадида чилла сақлаш. Қўл олиш, сурпа янгилаш билан боғлиқ “касаллик”ларда чилла сақловчи хасталиқдан фориғ бўлиш мақсадида 3 кун ёпиқ (фақат уйда ёки чиллахонада ҳеч ким билан кўришмасдан, қоронғу жойда ўтириш) ва 3 кун очик (ташқарига чиқиши мумкин, аммо бирор билан қўл бериб саломлашмайди) чилла сақлаш. Уч кунлик ёпиқ даврда уни зарур нарсалар билан чиллага кириш вақтида ҳамроҳлик қилган яқин кишиси таъминлайди ва кўмак беради;

- янги келин-куёвларнинг қирқ кун чилла сақлаши (жумладан, келин-куёвларнинг сутканинг қоронғу вақтида ёлғиз қолмаслиги, бошқа жойларда тунамаслиги);

- чақалоқ туғилганда она ва чақалоқ сақлаши керак бўлган чилла (ёш бола ва онаси бегона кишиларнинг назаридан сақланади ва ёлғиз қолдирилмайди);

- оила аъзоларидан бирор киши вафот этганда сақланадиган чилла.

Туркий халқларда қадимдан чилла сақлаш маросимлари ўтказиб келинган бўлиб, “оилада бола туғилишиданоқ чилла даврига эътибор берилган. Чакалоқ туғилганидан сўнг йўлдоши тушганидан бошлаб, кейинги 6–8 ҳафталик муддат чилла даври ҳисобланган. Анъанага кўра, она ва чақалоқ 40 кунгача уйидан чиқмаслиги, болали уйга бегона одам қадам босмаслиги ва чиллали уйда чироқ ўчмаслиги керак”¹³⁷, деб ҳисобланган.

Воҳада аҳоли томонидан чилла сақлаш уй шароитида ва зиёратгоҳларда алоҳида ажратилган жойларда амалга оширилади. Бугунги кунда Чилмаҳрам ота,

¹³⁷ Корабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Тошкент: Шарқ, 2002.–Б.117.

Форбобо, Қирқчилтон ва Тешиктош қадамжоларида чиллахоналар мавжуд бўлиб, кузатувларимиз жараёнида “руҳий қувват олиш мақсадида чилла сақлаш”нинг дастлабки уч кунини зиёратгоҳлардаги чиллахонада ўтказилиши аниқланди. Қолган турдаги чилла сақлаш одатлари, асосан, уй шароитида ўтказилсада, якунлангандан кейин бу ерга келиб маросим ўтказиш сақланиб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, воҳадаги зиёратгоҳларда ўтказиладиган ислом дини билан боғлиқ маросимлар, расм-русумлар ва унинг қоидаларини ўрганиш натижасида мазкур маросимлар ислом дини билан боғлиқ ҳолда ёки ислом динига оид, деган қарашлар асосида шакллангани ва улар халқона ислом анъаналари, қоидалари асосида ҳамда воҳа аҳолисининг асрлар давомида аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келаётган маросимлари орқали ривожланганлиги аниқланди. Зеро, ислом анъанасида авлиёлар қайсиdir бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлган, дуолари мустажоб, солих, қобил, камтар кишилар сифатида қадрланади. Шундай авлиёларнинг мозорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш ислом динида савобли ишлардан ҳисобланиши юкорида таҳлил этилган адабиётларда ўз исботини топган.

2.3. Воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг локал хусусиятлари.

Зиёратгоҳлар ва уларда ўтказиладиган турли маросимлар умумий ва хусусий жиҳатлари билан ажralиб туради. Республика миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, барча зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар ва иштирокчилар қарийб ўхшаш ҳолатда ташкил этилади. Лекин, айрим хусусий ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараён аҳолининг турмуш тарзи, кундалик машғулоти, орзу-истаклари ва маҳаллий анъаналар билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хослик асосида юзага келади. Чунки, анъана, урф-одат ва маросимларнинг юзага келиши ва халқ ижтимоий ва диний хаётида муҳим ўрин эгаллаши мураккаб жараён бўлиб, унга бир қанча омиллар таъсир ўтказади. Яъни, миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-

иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий-географик ўрнашув, аҳолининг машғулотлари, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади¹³⁸.

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ташкил этиладиган маросимларда ҳам умумўзбекка хос жиҳатлар билан бир қаторда, хусусий кўринишлар ҳам мавжуд. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, қадамжоларда ўтказиладиган маросимлар характер жиҳатидан қўйидаги қисмлардан иборат: маросимлар турлари ва уни ўтказилиш жараёни; маросимга хос таомлар; маросимда ишлатиладиган предметлар, уларнинг ранги ва сони.

Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар ва уни ўтказилиши жараёни. Воҳада зиёратгоҳлардаги маросимлар ижрочиларининг аксариятини, асосан, аёллар ташкил қилиши юқорида таъкидланди. Зеро, аёллар томонидан авлиёлар мозорини ва муқаддас деб эътироф этилган қадамжоларни зиёрат қилиш, улар орқали худодан ўз мушкуларини осон қилиш, дардига даво ҳамда фарзанд сўраб, шу тарзда оналик баҳтига мұяссар бўлишга ишонч асрлар мобайнида шаклланиб келган ва натижада мозорларни зиёрат қилиш аёллар учун анъанага айланган¹³⁹. Воҳа зиёратгоҳларида амалга ошириладиган маросимларга эътибор қаратсак, унда аёллар ва уларнинг жамоаси томонидан ташкил қилинадиган турлари кўпроқ. Масалан, мушкулкүшод, мавлуд, бибисешанба, бибичорshanба ва бошқалар. Ушбу маросимларда барчанинг иштирок этиши мумкин бўлсада, вояга етмаган қизларнинг ёлғиз қатнашиши ёки алоҳида ўзлари ташкил қилиши мумкин эмас. Зиёратгоҳларда ташкил қилинадиган айрим маросимлар эса алоҳида тайёргарликни талаб қиласди. Жумладан, чилла маросимини ташкил қилиш ва ўтказиш икки нафар иштирокчини талаб қиласди ва у бошқалардан ҳоли равишда ўтказилиши зарур.

¹³⁸Аширов А. Этнология: ўқув қўлланма.– Тошкент: Yangi nashr, 2014. – В. 189.

¹³⁹Горшунова О. Образ жизни современной узбекской женщины (по материалам Ферганской долины): Афтореф....кан. ист. наук. – М., 2000.– С. 23.

Подат қўшиши маросими. Бу маросим, асосан, воҳанинг Зомин, Фориш, Бахмал ва Шароф Рашидов туманларининг тоғли ҳудудларига хос бўлиб, ҳар йили март ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. Маросимда қишлоқда истиқомат қилувчи уруғлар навбати билан (қариндош уруғлар жамоасига бир неча йилда бир марта навбат келади) қўй сўйиб қурбонлик қилишади. Бунда қишлоқнинг ҳар бир хонадонидан бир нафардан ёши улуғ вакили иштирок этади. Ушбу маросимда кимлар бу йил чўпонлик қилиши, чўпонга ҳар бир бош чорва моллари (от, қорамол, қўй ва эчки учун алоҳида табакалаштирилган) учун тўланадиган пул ёки унинг ўрнини босувчи натурал маҳсулот (буғдой, арпа ёки чорва моллари) миқдори, чўпонларга қўйиладиган талаблар келишиб олинади.

Ушбу маросимни зиёратгоҳларда ўтказилиш сабабини ахборотчиларимиз қўйидагича изоҳлашди: биринчидан, зиёратгоҳларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам инобатга олинган бўлиб, чорва молларининг баракаси, уларни касалликдан саклашда қадамжодаги авлиё муҳофаза вазифасини ўташига ишониш бўлса, иккинчи томондан, муқаддас жойда берилган ваъда ёки келишилган битим оғзаки бўлиб, унинг ишончлилиги ва амал қилувчи томонларнинг виждонига боғлиқ бўлади.

Шу сабабли, аҳоли орасида зиёратгоҳларнинг магик хусусиятларидан чўчиш, у ерда ёлғон гапирмаслик каби диний қоидалар томонларнинг маънавий бурчини эслатишга ишониш ҳисси мавжуд. Қолаверса, айнан зиёратгоҳлар на давлатга на маълум бир шахсга тегишли бўлган ўзига хос муқаддас маскан ҳисобланиб, халқ эътиқодларига кўра айнан бу ҳудудда амалга оширилган ҳар қандай келишув илоҳий аҳамиятга эга бўлади. Шу боис бу ерда тузилган оғзаки шартнома муқаддас келишув ҳисобланиб, уни бузиш оғир гуноҳ билан тенглаштирилади. Айнан бу ҳолатдан зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг ўзига хос сакрал хусусиятлари билан бирга, уларнинг келишув обьекти тарзидаги бошқа муҳим функцияси ҳам намоён бўлади. Умуман олганда, Марказиё Осиё халқлари ҳаётида зиёратгоҳлар маҳаллий аҳоли учун энг муқаддас маскан ҳисобланган ва бу ерда бажарилган ҳар қандай амал ҳамда

маросимга ўзгача тус бериш, инсонлар рухияти учун ижобий аҳамият касб этиш кенг тарқалган.

Авлодлар учрашуви. Жиззах воҳасида қадимдан турли элат ва миллат вакиллари истиқомат қилиб келишган. Турли тарихий даврларда воҳа худудлари Бухоро ва Кўқон хонликлари таркибиغا ўтиб туриши, миллий худудий давлат чегараланиши, коллективлаштириш ва чўлларни ўзлаштириш сиёсати ёки бошқа омиллар натижасида қўшни худудлар билан ассимиляцияга учраган. Жумладан, аҳоли ўзлари туғилиб ўсган худудлардан айрим масалаларда, хусусан, коллективлаштириш, колхозлаштириш ва чўлни ўзлаштириш мақсадида республиканинг бошқа минтақаларига ва қўшни республикаларга кўчирилиши ушбу жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Воҳага хос жиҳатлардан бири – турли сабабларга кўра бошқа худуларга кўчиб кетган кишиларнинг оиласи тарзда (ёш авлод вакилларининг қатнашиши мунтазам кузатилади) воҳадаги зиёратгоҳларга бир вақтда ташриф буюриши ва учрашув чоғида турли диний маросимларни бажаришидир. Бу маросимлар Шароф Рашидов тумани Кулписар ота зиёратгоҳида қозоқ миллати вакиллари, Фориш тумани Ҳазрати Эшону Халифа ва Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳида тожик миллати вакиллари ҳамда Бахмал туманидаги Моргузар ота зиёратгоҳида қирғиз миллати вакиллари томонидан ҳар йили 8 – 10 май кунлари оралиғида ўтказилади. Маросимда аввалги йилги келишув асосида танланган киши томонидан зиёратчиларнинг сонига қараб қорамол ёки бир нечта қўй ва эчкилар қурбонлик қилинади. Маросимни ўтказиш жараёнининг муҳим қисмларидан бири – ёши катталар билан бир қанча оиласи масалаларни келишиб олинишидир. Яъни ташриф буюрувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, бир-бирларининг муаммолари, қийинчиликларининг ечими ва хурсандчилик кунларини ташкил қилиш борасида фикр алмашишади. Маросим охирида ўтганлар рухига Қуръон тиловат қилиниб, келтирилган ортиқча маҳсулотлар эҳсон қилинади. Йиллар давомида учрашувни ташкил қилиш ва маросимларни ўтказиш борасида ўзига хос анъана шаклланган бўлиб, айрим жараёнлар зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар билан

омухталашиб кетган. Айнан бу тадбирларда ҳам зиёратгоҳларни жамоавий тарзда муқадаслаштирилган ва барча учун энг сакрал худуд бўлганлиги боис, ушбу муқаддас масканда инсонлар хурсандчилик лаҳзаларини биргаликда ўзаро жамоавий тарзда нишонлаш анъанасини кўришимиз мумкин. Бу турдаги маросимларнинг ўтказилиши маълум бир ижтимоий зарурат сабабли, тарихнинг кейинги даврларида вужудга келган зиёрат амалларининг янги кўринишидир.

Маросимларда амалга ошириладиган одатлар. Этнографик тадқиқотлар жараёнида воҳа муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларида маросим охирида бажариладиган удумларда ҳам ўзига хос хусусиятлар кузатилди. Парпи ойим ҳамда Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларида ўтказилган маросимлардан сўнг ҳудудидаги сирпанчиқ тошларга сирпаниб кетишлари кузатилди. Ахборотчилар бунинг сабабини гуноҳлардан, турли инсу жинслар таъсиридан ҳамда уларни қийнаб келаётган касалликлардан шу жойнинг ўзида фориғ бўлиш билан изоҳлашди.

Фикримизча, зиёратчилар томонидан қурбонлик амалга оширилганда ёки маросимларда фойдаланилган атрибулар ва озиқ-овқатларни шу жода қолдиришдан мақсад, барча ёмонликлар ва уларни қийнаётган жиҳатлар шу ерда қолсин, ўзи билан уйга эргашиб кетмасин, деган фикр бўлган бўлса. айримларини олиб кетиш маросим аталган боланинг келажагига, соғлигига гаров бўлади, деган ишончини юзага келтирган.

Маросимга хос таомлар. Зиёратгоҳларда ташкил қилинадиган барча маросимлар турли таомлар ҳамда егуликлари билан ажралиб туради. Маросимий таомларнинг кундалик таомлардан фарқи аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одат ва маросимнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик объектига айланиб боради¹⁴⁰. Яъни, маросим таомлари бажариладиган удумнинг бир бўлаги, уни тайёрлашдан то истеъмолга қадар бўлган жараёни бир бутунликни ташкил қиласди. Жиззах воҳасида ҳам маросим таомлари ўзига хос кўринишда бўлиб, ўзида

¹⁴⁰ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б. 195–196.

воҳа аҳолисининг машғулоти, турмуш тарзи, ҳудуднинг иқлими каби хусусиятларни бирлаштиради. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, воҳада маросимларга аталган егуилклар орасида сутли ёки сут аралаштириб тайёрланадиган таомлар кўпроқ учрайди. Ҳудуднинг катта қисми тоғ ва тоғ олди минтақаларидан иборат эканлиги, аҳолининг чорвачилик билан шуғулланишига сабаб бўлган ва хонадонда кўпроқ сақланувчи сут маҳсулотлари турли касалликларга қарши қўлланиши билан бир қаторда, унинг мистик жиҳатлари ҳам шаклланган. Жумладан, мушкулкушод маросимида тайёрланадиган умоч оши, ширгурунч, қатиқли ошнинг тайёрланиши ёки ақиқа маросимида тайёрланадиган чўзма, бўғирсоқ ва кулчалар таркибига сут солиниши фикримиз исботидир. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларига кўра, ҳудуд об-ҳавосининг кескин ўзгариб туриши донли ва бошқа таомларнинг тезда қотиб қолишига сабаб бўлади, бу егуилкларга сут солиниши эса уни узоқ вақт юмшоқ сақланишига олиб келади.

Бевосита таомларнинг ўзига тўхталағидиган бўлсақ, воҳада ҳар бир маросимда тайёрланиши шарт бўлган таом турлари мавжуд, яъни ритуал таомлар тушунчаси шаклланган. Агар бошқа худудлар маросимларига эътибор қаратилса, ҳар бир микроҳудуднинг алоҳида таомланиши ва тайёрланадиган егулик мавжуд. Жумладан, Хоразм воҳаси зиёратгоҳларида, асосан, қурбонлик, дарвешона ва садақа маросимларида ритуал таом қорма (*шавла*)¹⁴¹, Бухоро¹⁴² ва Тошкентда ҳалиса ёки ҳалим, Қашқадарёда *шўрва*, *тўғрама* дарвешонада *гуруч оши*, Фарғона водийсида ҳалим тайёрланади¹⁴³. Сурхандарёда чўзма, *чалпак*, *ис*¹⁴⁴ таёрганади¹⁴⁵. Жиззах

¹⁴¹ Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тариҳий-этнологик тадқиқот): Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис.– Тошкент, 2018. – Б. 112.

¹⁴² Курбонова М. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири ва XXI бошлари): Тар. фан. ном.... дис. – Тошкент, 1994. – Б.103.

¹⁴³ Аширов А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б.132.

¹⁴⁴ Файзуллаева М. Сурхон воҳаси аҳолиси таомлари билан боғлиқ анъана ва маросимлар: Тар. фан. ном.... дис. – Тошкент, 2010. – Б .23

¹⁴⁵ Зунунова Г. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: Extremium-press, 2013. – С.255.

воҳасида эса барча маросимларда бўғирсок ва чўзма тайёрланади. Ҳар иккиси ҳам хамирни пахта ёғида пишириш жараёнидан иборат бўлиб, ахборотчиларнинг айтишича, таомларни тайёрлашда атрофга тарқаладиган ҳиддан ўтиб кетган аждодларнинг арвоҳлари баҳраманд бўлиб, уларнинг руҳлари шод бўлади. Шунингдек, ақиқада доимо эркаклар дастурхони учун хурмо меваси, аёллар учун сутли кулчаларнинг қўйилиши алоҳида аҳамият касб этади. Бошқа худудларда бу мева ўрнига асалдан фойдаланилиши кузатилсада, Жиззах воҳасида айнан хурмо бирламчи ўринда туради. Воҳага хос маросим таомлари маълум магик хусусиятлари билан бирга уларни тайёрлаш узоқ вақт, яъни бутун маросим жараёнини қамраб олади. Умоч оши, ширгурунч, ҳолвайтар каби таомлар шулар жумласидандир.

Шароф Рашидов тумани Сарайлик маҳалласи худудида жойлашган Адҳам саҳоба зиёратгоҳида баҳор ойларида аҳоли томонидан сумалак пишириш ҳам урф бўлган. Бундаги ўзига хос хусусият шундаки, сумалак пишириш учун қозон қизитилиб ёғ доғланганда қариндош-уруғлар сонига қараб, лекин энг кўпи билан 21 тагача чўзма пиширилади. Аёллар ўzlари солган 40 дона ёнғоқ ва тошларни сумалак сузилганда ўzlари олиб, уни йил давомида, яъни кейинги сумалак пишириш маросимигача ёки хонадонларида сақлашади.

Жиззах воҳасига хос *маросимларда фойдаланиладиган предметлар* иккисига ажратилади: биринчиси – иштирокчилар ўzlари билан олиб келадиган анжомлар, иккинчиси – маросим жараёнида зиёратгоҳдаги айрим предметлардан фойдаланиш ёки ўzlари билан олиб кетиши ҳамда қайтаришидир.

Воҳа зиёратчиларининг аксарияти маросимлар чоғида атаб чироқ ёқишиади. Бунда, улар ўzlари билан ёғ, пахта каби “ислик” олиб келишиади. Новқа ота, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳларига келган ҳар бир киши ўзи билан “ислик” олиб келади. Шунингдек, маросим бажарилиши жараёнида қурбонлик тарзида парранда ёки қўй сўйиш одати мавжуд. Юқоридагилардан ташқари, зиёратчилар ўzlари билан зиёратгоҳдаги азиз авлиёга аталган мато, чироқ, пул ва чўзма ҳам олиб келишиади. Ташриф буюрувчилар зиёратгоҳга мунтазам қатновчилар тоифасига кирса ёки бирор

мушкулотни ечимидан сўнг зиёрат қилишни ният қилган бўлса, аввалроқ хадя қилишга буюм атайди ва алоҳида тугунга солиб қўяди. Одатда, олиб келинган буюмлар зиёратгоҳдаги ишчиларга тақдим қилинади. Шунингдек, айрим предметларни вазифасини ўтаб бўлгач, ёкиб юбориш одати ҳам сақланган. Жумладан, Мўғол қишлоғига кираверишдаги тепалик устида жойлашган Кўктўнли ота зиёратгоҳидаги қўк тошга, асосан, болаларда учрайдиган қўк йўтални даволаш учун ташриф буорадилар. Бу ерда ўтказиладиган маросимларнинг хусусияти шундаки, зиёратчилар боланинг бўйига мос келадиган қўк матодан қўғирчоқ ясаб келишиб, қўк тошдаги ковакчага сув қуиб ичилгандан сўнг, пастдаги сойликка олиб тушиб қўғирчоқни ёкиб юборишади. Бизнингча, бунинг сабаби бола вужудига кириб олган ёвуз руҳлар ва касаллик маросим давомида қўғирчоққа ўтади. Уни ёкиб юбориш ёвуз руҳлар ва касалликдан фориғ бўлишнинг энг мақбул йўли эканлигига ишонишидир.

Воҳа зиёратгоҳларига олиб келинаётган *мато рангларининг* ҳам ўзига хос функцияларини Янгиобод туманидаги Бўтатош Вали зиёратгоҳида учратиш мумкин. Бу ерга фарзанд қўриш мақсадида келган зиёратчилар оқ мато олиб келишса, тутқаноқ ва жинчалди касаллигидан халос бўлиш учун келган зиёратчилар қора матодан тикилган ёпинчиқда келиб маросимдан сўнг ушбу матоларни ирим сифатида қолдириб кетишлиари кузатилади. Авлиёларнинг оқ ва яшил тусдаги кийимда кўринишлари улар билан боғлиқ зиёратгоҳларни кейинчалик шу номлар билан машҳур бўлишига олиб келган. Валийларнинг оқ ва қўк либосларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, “Агар оқ ранг қайси тоифаники, деб сўрасалар, жавоб бергилки, оқ ранг – кундузнинг рангидир ва дили равshan жамоаникидир ва уларнинг қўкси кудурат, кина ва ғубордан покдир. Кимки оқ рангли хирқа кийса, субҳи содик каби бўлади ва кундуз мисоли барчага равшанлик бағишлайди. Агар яшил ранг кимники, деб сўрасалар, айткилки, яшил ранг – қўкат ва сувнинг рангидир ва бу рангдаги хирқани олий ҳимматлилар ва кўнгли ҳамиша тирик одам киядилар. Яшил рангли тўн кийганлар кўкат-майсалар каби яшнаган, хандон чехра ва хуррам

бўладилар ҳамда сув янглиғ ҳаётбахш, ёқимли бўладилар”¹⁴⁶, деган қарашлар асосида шаклланган.

Бундан ташқари, кузатувларимиз жараёнида воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларда сонлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши аниқланди. Хусусан, Зомин тумани Қуччиболғали қишлоғидаги Хўжа Кўндаланг зиёратгоҳига даво истаб келган зиёратчилар чиллашир касаллиги билан оғриган боланинг ёшига қараб чироқ ҳамда чўзма олиб келишса, Туркман қишлоғидаги Хўрор ота зиёратгоҳига хўрозак (нафас йўлларининг бўғилиши) касаллигига чалинган бола йилнинг неchanчи ойида туғилганига қараб чироқ ва чўзма олиб келиши одат тусига кирган. Демак, бу каби анъаналар қадимги даврда диний тафаккур, табиат ва руҳларга сифиниш, уларни муқаддас деб билиш воҳа аҳолисининг бугунги кундаги урф-одатларида сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Зиёратгоҳдан олиб кетиладиган буюмлар эса турли кўринишда бўлиб, ташриф буюрувчининг нима мақсадда предметга эҳтиёж сезишидан ва зиёратгоҳнинг хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Жумладан, воҳанинг Парпиойим, Хўжамушкент ота ва Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларига қўпроқ фарзандталаб зиёратчилар келишади. Бефарзанд аёл муқаддас булоққа ёки мозорга келгач, “зиёратгоҳ ҳомийси”¹⁴⁷га ташриф буюриш мақсадини баён этади. Зиёратчи аёл расм-русумларни тутатгач, унга олдин зиёратгоҳга келиб, фарзандли бўлган она боласининг кокилидан берилади. Жараённи ташкил қилувчи ходим: “Кейинги келишингизда иккита қилиб олиб келасиз”, – деб таъкидлайди. Бу билан ўша аёлни фарзанд кўриб, фарзандининг ҳам кокилини олиб келишига ишорадир. Шунингдек, Зомин туманининг Увол қишлоғи ҳудудидаги Парпи ойим зиёратгоҳи нафақат

¹⁴⁶Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати.–Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1994.– Б.44.

¹⁴⁷Илгарилари зиёратгоҳда Қуръон оятларидан ўқиб, дуои фотиха қилиб турувчи диний илмдан хабардор киши шундай аталган. Бундай вазифани ҳозирги кунда воҳадаги аксарият зиёратгоҳларда ўш зиёратгоҳни таъмирлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишларига бош-кош бўлаётган фахрий кексалар ёки имомлар бажарадилар.

маҳаллий халқ вакиллари, балки республикамизнинг кўплаб худудларидан фарзандталаб кишилар ташриф буорадиган маскандир.

Ахборотчиларнинг маълумотларига таянадиган бўлсак, ушбу зиёратгоҳга кўп йиллардан буён фарзанд кўрмаган ёки фарзандлари бир ёшга тўлмасдан вафот этган аёллар келишади ва дуолари ижобат бўлишига ишониб, фарзандли бўлишгандан сўнг бу ердан олиб кетган тошларини қайтариб олиб келишиб, турли расм-русумларни ўtkазадилар. Демак, зиёратгоҳлардан олиб фойдаланиладиган аксарият предметлар маълум мушкулотни осон қилиш ёки касалликни бартараф қилиш мақсадида сақланади ва натижага эришилгач, бошқаларга ҳам фойдаси тегиши учун орқага қайтарилади.

Жиззах воҳасидаги зиёратгоҳларда ташкил қилинадиган маросимларни ўtkазиш борасидаги ўзига ҳос жиҳатлари қўйидагича:

Маросимлар турлари ва уни ўтказилиш жараёни	Маросимга хос таомлар	Маросимга хос предметлар
Авлодлар учрашуви, Пода қўшиш, қонлаш каби ҳамда кўпроқ аёллар иштироки сўраладиган маросимлар – мавлуд, мушкулкушиод, кокил қўйииш ва олии.	Унли ва сутли маҳсулотлар – умоч оши, ҳолвайтар, қатиқли ош, бўгрисоқ, чўзма, қатлама, сутли кулча.	Зиёратчилар келтирадиган ва ўзлари билан олиб кетадиган предметлар, уларни сони ва ранги

2.1-расм. Зиёратгоҳда ўтказиладиган маросимлар.

Воҳадаги тури маросимларнинг ташкил қилиниш ва ўтказилиш жараёнида айrim қадимий эътиқод излари ёки ислом динига хос бўлмаган одатлар ҳам ўрин эгаллайди. Бу ҳолатларнинг юзага келиш сабабларидан бири, узоқ йиллар давомида маросимларнинг аралаш кўринишда авлоддан-авлодга ўтиб келиши бўлса, яна бири – маросим ўтказаётган зиёратчилар, қадамжода фаолият кўрсатаётган мутасадди

ҳодимларнинг ўзлари ҳам маросимларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёни ҳамда аҳамиятини тўла англамаганликларидандир.

Бундан ташқари, воҳа зиёратгоҳларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу – зиёратгоҳлар билан боғлиқ афсона ва ривоятларнинг аҳоли кундалик турмуш тарзи, машғулотлари ҳамда географик жойлашуви билан алоқадорлигидир. Зиёратгоҳларнинг ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида қўйидаги қўринишда учрайди:

Аҳолининг турмуши тарзи ва машғулотининг зиёратгоҳлар билан боғлиқ ривоятларда акс этиши. Воҳа аҳолисининг асосий машғулотлари қадимдан чорвачилик билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги сабабли, қўйидаги зиёратгоҳлар ва уларга номи берилган авлиёларнинг кароматлари айнан шу соҳа билан боғлиқ тарзда талқин қилинади.

- Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳига номи берилган Хўжа ибн Исоқ шахси билан боғлиқ. Тадқиқот жараёнида маҳаллий аҳоли ўртасида сақланиб қолган бир қанча ривоятлар ёзиб олинди, уларнинг бирида “Хўжа ибн Исоқ исмли, ислом оламида ўзининг нуфузига эга, кўп кароматлар кўрсатишга қодир киши бўлган. У киши ўз иниси (ёки шогирди) билан қувғинда юрган вақтларида Хўжамушкентнинг кун ботар томонида жойлашган Буқабулоқ ота қишлоғига келишади ва шу ерда истиқомат қиласидиган бир ёлғиз кампирдан тунаш учун жой сўрашади. Кампир ўз уйида тунаш учун рухсат беради ва уларни қўлидан келганича меҳмон қиласиди. Эртанги куни кампирни қиласидиган яхшиликларидан хурсанд бўлган меҳмонлар унга бир яхшилик қиласидиган эканлигини айтишади. Маълум бўлишича, кампир бисотидаги битта эчкисининг сутини бой хонадонга топшириб кун кўтарар экан. Шунда Хўжа ибн Исоқ тол дарахтининг новдаларидан “човли” (новда ёки симдан тўқилган, угра, шилпилдок ва шу каби хамир овқатларни сузуб олиш учун ишлатиладиган чўмичсимон рўзгор асбоби¹⁴⁸) тўқиёди ва ҳар куни сутни бой хонадонига олиб боришидан олдин шу човлидан ўтказиши кераклигини таъкидлаб

¹⁴⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лўгати. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 502.

йўлга тушади. Кампир авлиёлар айтганини қилиб сутни човлидан ўтказиши билан пақир тўлармишу, аммо косадаги сут тугамас экан. Ушбу келтирилган ривоятда авлиёлик даражасига етган шахсларнинг кўрсатган кароматлари билан бир қаторда, воҳа аҳолисининг чорва билан боғлиқ орзу-истакларини кўриш мумкин.

Худуднинг географик жойлашуви билан боғлиқ ривоятлар. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлардаги қўйидаги афсона ва ривоятлар воҳа чегара ҳудудларида жойлашганлиги сабабли, авлиёлик даражасига эришган кишилар аҳолини ташқи душмандан ҳимоя қилганлиги билан изоҳланади:

- Янгиобод тумани Жўлангар қишлоғи ҳудудида жойлашган Сайдисоҳўжа зиёратгоҳига номи берилган шахс билан боғлиқ қўйидагича ривоят сақланиб қолган. Ушбу қишлоққа Ўратепа томондан душман бостириб келаётган вақтда, аҳолининг қирилиб кетишини олдини олиш мақсадида, Сайдисоҳўжа аллоҳга илтижо қиласида ва оғзига сув солиб пуркаганида бутун ҳудудни туман қоплади. Натижада, душман қишлоққа бостириб келиш учун йўл тополмай ортига қайтиб кетади. Шу боис, бу воқеани кўрган аҳоли Сайдисоҳўжани соҳибкаромат сифатида эъзозлашади ва у кишининг вафотидан кейин қабри зиёратгоҳга айлантирилади.

- Қорамозор ота зиёратгоҳи Зомин туманининг Молгузар тоғ тизмасининг энг юқори қисмида жойлашган бўлиб, ушбу зиёратгоҳ тўғрисида маҳаллий аҳоли орасида қўйидагича ривоят сақланиб қолган: “Қадимда ушбу қишлоқ аҳолиси ҳозирги қишлоқнинг тепа томонидан Катта қишлоғ деган жойда яшашган бўлиб, у ерга ўтиш мумкин бўлган йўлни йўлбарс арча душманлардан қўриклар экан. Бир куни Ўратепадан келаётган эшонбоболар ушбу йўлдан ўтаётганида ёши қарийб минг йилга тенг бўлган, танасига икки одамнинг қучоғи етмайдиган арча йўлни тўсиб ётганини кўриб: “Эй Қорамозор ота кўкрагингизни кўтARING”, – деганида арча тик туради. Ахборотчиларнинг айтишича, зиёратгоҳ номининг юзага келишига шу воқеа сабаб бўлган. Худди шу жойдан йигирма метрлар тепада Қотмозор арча деб аталадиган арча ҳам мавжуд. Ушбу арчаларнинг пастки томонида узунлиги 4 метрлар келадиган

қабр сақланиб қолган бўлиб, ушбу қабрни маҳаллий аҳоли Қорамозор ота қабри деб хисоблайди.

Зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши уларга номи берилган шахсларнинг авлиёлик кароматлари тўғрисидаги ривоятлар, жумладан, касалликларни бартараф этиш, ташқи душмандан ҳимоя қилиш, шахсий ҳаётда учрайдиган вазиятларда тўғри йўл кўрсатиш каби хислатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Тадқиқотимизнинг иккинчи боби юзасидан куйидагича хulosага келиш мумкин: воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган аксарият маросимлар ва бажариладиган одатларда ислом дини қоидалари устунлик қилиши билан бир қаторда, зиёрат қилувчиларнинг айрим тош ва ёғочларни тавоф қилиши, улар устида сирпаниш, ёғоч ёки дарахтларга мато бўлагини боғлаш, тош, коя ва ғорларни муқаддаслаштириш, булоқ сувларидан олинадиган турли нарса-буюмларнинг башоратчилик хусусиятларига ишониш, улар атрофида афсунлар ўқиши каби амалларда қадимий диний эътиқодлар қолдиқлари ҳам қоришиқ ҳолда учрайди.

Шунингдек, воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг хусусиятлари ва уларни ўтказишдан кўзланган мақсад-муддаоларда, ишлатиладиган предметларнинг ранги ва сонини белгилашда, маросимларда тайёрланадиган таомларнинг турларини танлашда айрим локал хусусиятлар учрайди. Бунга маҳаллий худуд иқлими, жойлашган ўрни, аҳолининг машғулотлари ва яшаш шароити каби жихатлар ҳам таъсир ўтказган.

III БОБ. ЗИЁРАТГОХЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

3.1. Мустақиллик йилларида зиёратгоҳларни муҳофаза қилиш масаласи

Истиқлол йилларида республиканинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам маданий мерос обьектларини асраш, уларни келажак авлодларга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасида Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳамда вилоятлар ҳудудидаги тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни муҳофаза қилиш, илмий, амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тарихга назар солсак, советлар даврида қанчадан-қанча ёдгорликлар, айниқса, муқаддас зиёратгоҳларни бузиб юбориш оддий ҳолга айланиб, айрим кимсалар томонидан маданий мерос обьектларининг ўрнига экин майдонлари ташкил этилди. Бундан ташқари, муқаддас мозорларни шўролар мафкурасига зид эканлигини баҳона қилиб, уларнинг таркибига кирувчи шифобахш сув манбалари ва даволаш хусусиятига эга бўлган предметлар таркибини ўрганиш бўйича маҳсус мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, муқаддас масканларда хизмат кўрсатувчи инсонларнинг кирдикорларини фош қилувчи кўргазмали экспонатлар ташкил қилиниб, кенг жамоатчилик олдида намойиш қилиш ишлари оммавий тус олди¹⁴⁹. Бу эса халқимизнинг азалий урф-одат ва маросимларидан, аждодлардан қолган бой маданий меросидан маҳрум бўлишга, уларнинг мазмун-моҳиятини англаб етмасликка олиб келди.

Шунинг учун ҳам мамлактимизда давлат мустақиллигининг ilk даврларидан бошлаб маданий меросни қайта тиклаш, уларни муҳофаза этиш ишларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди.

¹⁴⁹ Алимухамедов А. Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. –Тошкент : Ўзбекистон, 1969. –Б. 90–91.

Шу ўринда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни муҳофаза қилиш масаласини қўйидаги уч қисмга бўлган ҳолда тадқиқ этиш мумкин:

- давлат томонидан муҳофазага олиниши;
- аҳоли томонидан муҳофазага олиниши;
- зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар натижасида ўзини-ўзи муҳофаза қилиш.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинини. Маслага бугунги давр нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни давлат томонидан муҳофаза қилиниши масаласи, албатта, соҳага оид чиқарилган қонунлар, фармон ҳамда фармойишлар ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ушбу соҳага оид бир қанча ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли “Маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва “Маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисида”ги Низом ҳамда “Ўзбекистон Республикаси маданий мерос обектлари давлат кадастрини юритиши тўғрисида”ги Низом талабларини ишлаб чиқилиши, ушбу соҳадаги обектларни давлат томонидан муҳофазасини таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бир вақтлар қаровсиз аҳволга келиб қолган маданий мерос обектлари қайта тикланиб, уларнинг тарихи ҳамда халқимиз маънавиятида тутган ўрни тадқиқ қилинмоқда.

Биргина 2013 йилгача бўлган маълумотларга кўра, республика ҳудудидаги жами 3000 дан зиёд маданий мерос обектлари, тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, археологик манзилгоҳлар, монументал ёдгорликлар рўйхатга

олинган¹⁵⁰. 2017 йил маълумотларига кўра юртимиизда маданий мерос обьектлари сони 7 минг 300 дан ортиқни ташкил этиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Жиззах вилояти ҳудудида ҳам 2017 йил 24 ноябрь ҳолатига кўра жами 372 та маданий мерос обьектлари давлат муҳофазасига олинганлиги фикримизнинг далилидир.

Зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муҳофаза қилиншии. Ер юзида табиатнинг шундай ажойиб мўжизалари борки, улар маҳаллий аҳоли томонидан муқаддас ҳисобланниб, асрлар давомида асраб-авайланиб келинади. Оддий доривор гиёҳдан тортиб, виқорли тоғларнинг кичик тошигача муқаддас ҳисобланган табиат неъматлари борки, улар маҳаллий аҳоли томонидан асраб-авайлаб келинмоқда. Айниқса, Ҳиндистанда бу ҳаракатнинг давомийлигига аёлларнинг хизмати катта бўлиб, улар бу жараёнларга ҳукуматнинг эътиборини қаратади. Яқин бир неча йиллар давомида ҳалқнинг диний дунёқараси, анъаналаридан келиб чиқиб, дарахт, ўсимлик, тоғ, тепалик ва ғорларнинг сақланишига давлат ҳам қўмаклашмоқда¹⁵¹. Худди шундай, Жиззах воҳасидаги муқаддас масканлар ҳам улар жойлашган қишлоқ ёки маҳалла вакилларининг аждодлари эътиқод қилиб келган, худудда истиқомат қилган кишиларнинг ҳомий авлиёлари манзили сифатида эъзозланиб келинади. Бу каби зиёратгоҳларга бегона кишиларнинг зиён етказишлари улар учун аждодлари руҳини топталишини англатади. Айнан шунинг учун ҳам уларнинг муҳофазаси маҳаллий аҳоли томонидан амалга оширилади.

Зиёратгоҳлар билан боғлиқ аҳоли ўртасидаги қарашлар натижасида уларнинг ўзини-ўзи муҳофаза қилиши. Туркий ҳалқарида “муқаддас жойлар ўзини-ўзи ҳимоя қиласи” деган қадимги қарашлар мавжуд¹⁵². Муқаддас зиёратгоҳлар кичик бир ари, нуроний чол, даҳшатли махлук, улкан ёлли илон, йиртқич қоплон, от, қуш

¹⁵⁰ Эралиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти). 1-китоб. – Тошкент: Turon Zamin Ziyo. – 2014. – Б. 4.

¹⁵¹ Bas Verschuuren., Sacred natural sites. Conserving nature and culture. First published in 2010 by Earthscan. –310 -р.

¹⁵² Мурашко О.А. Священные места народов севера: Защита по закону и по обычаям//Этнографическое обозрение.– М.: РАН, 2004.–№6.–С. 37.

кўринишида ўзини ҳимоя қилиши тўғрисида халқимиз орасида ривоятлар сақланиб қолган. Маълумки, Марказий Осиё халқарида зиёратгоҳлардаги мавжуд ҳайвонот олами ҳам ўзига хос тарзда муқаддаслаштирилган. Бу эса, ўз навбатида муқаддаслаштирилган ҳайвонлар ҳақидаги ривоятларни келтириб чиқарган.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, воҳаликлар муқаддас қадамжога айланган тепаликлар ва зиёратгоҳларнинг сир-синоатига ишониб, мазкур манзилларни авлиёсифат нуроний киши ёки ёлли баҳайбат илон қўриқлайди, деган афсоналарга ишонишади. Айнан ушбу ҳолат туфайли тепаликларга зиён етказиши, шудгорлаб экин экишдан сақланишган. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, тепаликларни муқаддаслаштирган яна бир ҳолат, уларни бузиш билан боғлиқ жараёнлардир. Шу кунга қадар мазкур тепаликларни бир неча бор бузишга ҳаракат қилинганда унда иштирок этгандарнинг айримлари оғир хасталикларга учрагани ҳамда баъзилари шу жойнинг ўзида вафот этгани¹⁵³ ҳақида халқ орасида нақллар тарқалган. Булар эса тепаликлар ҳамда зиёратгоҳларни янада синоатли кўринишида сақлаб келмоқда.

Кирғизистонлик тадқиқотчи Гулнара Аитпаеванинг таъкидлашича, “зиёратгоҳлар орасида шундай ажойиботлари борки, уларни асраб-авайлаш учун на бир ҳукumat на бир уюшган ҳаракатга зарурият бор. Бунинг сабаби эса оддий, улар ўзларини-ўзлари ҳимоя қила оладилар. Халқ орасида шундай бир эътиқод мавжудки, агар муқаддас ҳисобланган дарахт кесилса, уни кесган шахсга зиён етади. Ҳаттоки, ушбу ҳолат ўша шахснинг вафотига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яна шундай муқаддас булоқлар борки, улар ҳар кимни ҳам сувдан кечиб ўтишига ва ичишига рухсат беравермайди”¹⁵⁴.

Ушбу тартибларга амал қилмаган кишиларни мазорнинг ўзи жазолаши ҳақида аҳоли ўртасида қадимги қарашлар мавжуд. Муқаддас мазорларга қараб туфлаш ёки

¹⁵³Ўша манба.

¹⁵⁴ Gulnara Aitpayeva. Sacred sites of Ysyk-köl: spiritual power, pilgrimage and art.–Bishkek: Aigine Cultural Research Centre, 2009.–354.p.

ёмон сўз айтиш, айниқса, у ерларда ёзилмоқлик катта гуноҳ, деб қаралган. Фарғона водийсида ҳам кимки, бу таъқиқларга амал қилмаса, тез орада зиён топишига ишонгандар.¹⁵⁵ Бу каби қарашлар сақланиб қолиши эса муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг экологик ҳолатини асрлар давомида ўзгармасдан қолишига сабаб бўлиб келмоқда.

Сўнги йилларда вилоятда давлат муҳофазасига олинган маданий мерос объектларига қаратилаётган алоҳида эътибор ҳамда худуднинг соф экологик ҳолати сақланиб қолинганлиги туфайли зиёрат қилувчилар сони мунтазам ортиб бориши кузатилмоқда. Зиёрат қилувчилар орасида нафақат Ўзбекистон, балки Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари фуқаролари ҳам кўпчиликни ташкил этмоқда. Бу эса худудларда жойлашган айрим зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларни бугунги қун талаблари даражасида таъмирлаш ва ободонлаштиришни тақозо этмоқда.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда зиёратгоҳлар жамиятнинг иқтисодий соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, дунёда туризмнинг фаол тури ҳисобланган зиёрат туризми бўйича республикада қабул қилинган қарорлар ва шу асосда вилоятда амалга оширилаётган ишлар шунга яраша бўлмоғи лозим. Шубҳасиз, зиёратгоҳлар ва қадамжоларнинг сақланиб қолиниши нафақат миллий қадриятларни асрлаб-аввалишда, балки давлатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадқиқотлар жараёнида зиёратгоҳлардаги таъмирлаш ободонлаштириш, сайёхларга зарур имкониятлар яратиш борасидаги ишларга ҳам эътибор қаратилди. Бундай саъй-ҳаракатлар ва ташабbusлар айрим зиёратгоҳларда вилоят ва туман ҳокимликларининг эътиборидаги масала эканлиги аниқланди. Бу борада воҳа туманлари ҳудудидаги айрим зиёрат манзилларида масжид имом хатиблари, маҳалла фуқаролар йигинлари фаоллари, кекса фахрийлар ва ҳомийлар томонидан мустакиллик йилларида зиёратгоҳлар ҳудудини ободонлаштириш,

¹⁵⁵ Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. –Тошкент: Шарқ, 2005.–Б.14.

атрофини ўраш, зиёратгоҳ худудидаги архитектура объектларини асраб-авайлаш, уларни реконструкция қилиш, зиёратчилар маросимлар ўтказиши ва яхши хордик чиқаришлари учун алоҳида қулайликлар яратиш каби бир қанча ижобий ишлар амалга оширилиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.


2004 йилда Жиззах туманидаги Парпи ота зиёратгоҳида, қишлоқ оқсоқолларининг бир неча йиллик мурожаатларининг самараси сифатида, хонақоҳ, айвон, алоҳида масжид биноси ҳам қайта таъмирдан чиқарилган. Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота зиёратгоҳи худудида ҳам яқин йилларда замонавий кўринишдаги бир қанча иншоотлар, хусусан, рамзий қабр устида мақбара, масжид, чойхона, меҳмонхона ва дам олиш жойлари, зиёратгоҳга кираверишдаги нақшинкор дарвозалар барпо қилинган бўлиб, зиёратгоҳнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Бахмал туманининг Темирқадам қишлоғи қабристони худудида жойлашган Хўжа Кўндаланг (Шаҳид бува) зиёратгоҳи ҳам 2014 йилда Турсунов Акрам бошчилигига (маҳаллий аҳолининг 60–65 млн сўмлик ҳомийлик маблағи ва ҳашари билан) ободонлаштирилиб, қабр устига кўркам ва маҳобатли кўринишга эга хонақоҳ барпо этилган.

Шунингдек, воҳанинг Чилмаҳрам, Хожа Шоҳимардон Қутлуғхон Баҳодир Шердор, Кўк тўнли ота, Хожа Қаҳҳор Валий, Хўжай Сероб ота, Малик ота, Хўжа Бағбон ота, Ҳасан ота, Жондаҳор ота, Қозон ота, Саъд ибн Абу Ваққос сингари зиёратгоҳлари ҳам мустақиллик йилларида ободонлаштирилди.

Фориш туманидаги Гараша қишлоғидаги Жондаҳор ота зиёратгоҳи воҳанинг энг чекка қадамжоларидан ҳисобланади. Ушбу манзилгоҳга яқин жойлашган Мухаммад Шариф хонақоси 1814 – 1815 йилларда самарқандлик уста Олимжон томонидан қурилган бўлиб, у 1931–1932 йиллардаги атеистик ҳаракатлар оқибатида ташландиқ аҳволга тушган. XX асрнинг 70-йиллари у қулаш арафасига келиб қолган. Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида шу қишлоқлик фахрий отахон Сайдмурод Ҳожи Толипов томонидан олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида зиёратгоҳ янгитдан барпо этилиб, обод масканга айлантирилди. 2018 йил баҳорида мазкур

манзилгоҳга ташрифимиз чоғида у ерда катта қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Аммо, бу борада хали етарлича муаммолар борлиги кўзга ташланди. Аксарият камчиликлар маҳаллий ҳокимият вакиллари зиммасидаги вазифалар бўлиб, республика миқёсида бажариладиган ишлар қарийб ниҳояланган. Тадқиқотлар жараёнида воҳадаги 8 та зиёратгоҳда ўтказилган социологик сўровлар натижаси қўйидагича:



3.1 -расм. Зиёратгоҳлардаги ўзгаришларга зиёратчиларнинг муносабати

Албатта, ушбу ҳолат воҳадаги барча зиёратгоҳлар учун хос, деб бўлмайди. Биз тадқиқ этган зиёратгоҳлар орасида ташаббускор инсонлар ҳомийлиги ва бошчилигига ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Вилоятнинг маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган зиёратгоҳлардан бири Зомин туманидаги Хўжай Сероб (Сароб) ота манзилгоҳи бўлиб, бу қадамжо вилоятдаги энг кўп зиёратчилар ташриф буюрадиган муқаддас жойлардан биридир. Зиёратгоҳ фаоллари ва масjid имомининг айтишича, ушбу зиёратгоҳга ҳар йили салкам 7000, баъзан 8000 га яқин киши ташриф буюради. Ушбу жой ҳам мустақиллик йилларида алоҳида таъмирдан чиқарилган бўлиб, Хўжай Сероб ота қабри устидаги мақбара янгитдан

қурилган. Йўлаклар таъмирдан чиқарилиб, мевали ва манзарали дараҳтлар ўтқазилиб, боғ ташкил қилинган. Бундан ташқари, зиёратгоҳда маҳалла фаоли Абдуғани Маматқулов томонидан Хўжай Сероб ота ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Мазкур музейдаги экспонатлар Зомин тумани ва Пешағор қишлоғининг энг қадимги давридан бугунги кунгача бўлган ҳаётини акс эттиради.

Мустақиллик йилларида вилоятдаги 12 та, жумладан, Саъд ибн Ваққос, Нарвон ота, Қозон ота, Султон Бурҳониддин Қилич, Ҳазрати Эшон Халифа, сингари зиёратгоҳларда ҳам шундай хайрли ишлар амалга оширилди.

Вилоятда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги хайрли ишлар амалга оширилиши баробарида, ҳали соҳада анчагина муаммолар борлиги кўзга ташланади. Хусусан, зиёратгоҳларга олиб борувчи автомобиль йўллари талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, вилоятдаги аксарият зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларнинг деярли барчаси таъмирталаб бўлиб қолган.

Зиёратгоҳларда зиёратчилар ва меҳмонлар учун шарт-шароитлар (ибодат учун қулайликлар, кутиш, хордик чиқариш жойлари, меҳмонхона ва ошхона кабилар)нинг етарли эмаслиги кўзга ташланади. Аксарият зиёратгоҳларнинг санитария-гигиена ва экологик ҳолати қониқарли эмас.

Жумладан, воҳадаги 300 дан зиёд маданий мерос объектларининг умумий ҳолати ва санитария-гигиена талабларига мослиги вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган Комиссия ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вакиллари томонидан ўрганиб чиқилган. Улардан 37 таси қайта қурилиб, архитектура меъёрий талабларига мослаштирилган. 2018 йилда жами 26 та лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 85,1 млрд сўмдан ортиқни ташкил қиласди. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 300 га яқин иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Айниқса, воҳадаги Хўжа Боғбон ота, Ўсмат ота, Новқа ота, Сайфин ота, Арчамозор ота, Ғубдун ота, Парпи ойим, Қоплон ота зиёратгоҳларида имкон даражасида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган бўлсада,

ҳали-ҳануз зиёратчилар учун етарли шарт шароитлар яратиб берилмаган. Айрим зиёратгоҳлар шунчаки одамларнинг таом тайёрлаб, хордиқ чиқариш масканига айланиб қолган. Ваҳоланки, диний китобларда ёзилишича, “Мозорларда ва зиёратгоҳларда кўпчилик бўлиб таом пишириб ейиш на диний ва на миллий одоблардан бирортасига тўғри келмайди. Мозорга зиёрат ва қабрдагиларнинг ҳақларига дуо қилиш учун борилади. Таом ейиш учун эмас”¹⁵⁶. Шунингдек, турли зиёратгоҳлар тарихи, улардаги объектлар ҳақидаги умумий маълумотлар қайд қилинган йўл кўрсаткичлар, реклама паннолари ҳамда ушбу зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берувчи адабиётлар билан таъминланиши қониқарли даражада эмас.

Мазкур бўлимда қайд этилган фикр-мулоҳазаларнинг якуни сифатида воҳадаги моддий-маданий мерос объектлари, хусусан, зиёратгоҳлар ҳолатини янада яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан айрим таклиф ва мулоҳазаларни беришни лозим топдик. Улар қуидагилар:

- биринчидан, воҳадаги аксарият зиёратгоҳларга олиб борувчи йўл тармоқлари, айниқса автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларига вилоят ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар, шунингдек Республика “Вақф” хайрия жамоат фонди маблағларининг бир қисмини йўналтириш зарур;

- иккинчидан, зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларга йўл кўрсаткичларини ўрнатиш ва реклама панноларини жойлаштириш лозим; Шунингдек, зиёратгоҳларга олиб борувчи серқатнов йўлларни ёритиш ускуналари билан жиҳозлаш ва тадбиркорларни жалб қилган ҳолда ёқилғи қуиши ва умумий овқатланиш шоҳобчаларини ташкил қилиш ҳамда уларда туристлар билан иш юритиш жараёнини тўғри ташкил қилиш лозим.

- учинчидан, зиёратгоҳларда зиёратчилар ва меҳмонлар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, қурилиш-ободонлаштириш ишларини назорат қилишни, бу борада вилоят мусулмонлари идораси ва маданий мерос объектларини муҳофаза

¹⁵⁶ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Зикр аҳлидан сўранг. – Тошкент: Hiloл нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 223.

қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси фаолиятини кучайтириш лозим. Ваҳоланки, бугунги кунда зиёратгоҳларда амалга оширилаётган қурилиш, ободонлаштириш ишлари, жумладан, маблағларнинг манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах воҳаси зиёратгоҳларини асраш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва келажак авлодларга етказиш масаласига имкон даражасида эътибор қаратиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Аммо, воҳа ҳудудидаги зиёратгоҳларнинг ўзига хослиги, этник, ижтимоий хусусиятлари, архитектураси, географик жойлашуви ва миллий калорити билан ажralиб туришини инобатга олган ҳолда, уларни асраб-авайлаш борасида вилоят ҳокимлиги, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси вилоят бўлими, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги томонидан ҳамкорлиқда алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, юқорида таъкидланган ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган масала ҳисобланади.

3.2. Жиззах воҳасида зиёрат мавсуми ва унинг иқтисодий имкониятлари

Зиёрат инсоннинг маънавий эҳтиёжлари асосида амалга оширилиб, кишиларнинг диний қарашлари, миллий менталитети ҳамда анъанавий одоб-ахлоқ нормаларига асосланган ҳолда юзага келади. Зиёрат яхлит тизимга солинган жараён бўлиб, у ўзида инсонларнинг руҳий дунёсини мужассамлаштиради. Республика бўйлаб улкан ислоҳотлар ва янгиланишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади. Айниқса, сўнгги йилларда тарихий меросни асраб-авайлаш, маданий мерос объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, жумладан, зиёрат туризми соҳасини равнақ топтиришга, шу орқали аҳоли турмуш

тарзини яхшилаш, улар учун муносиб ҳаёт асосларини яратиб бериш борасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастурининг қабул қилиниши¹⁵⁷ ушбу масалаларга бугунги кунда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганилиги¹⁵⁸дан далолатдир. Республикада ички ва зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлардан бири – уларга фаслнинг исталган вақтида ташриф буюриш имкониятининг мавжудлигидадир. Бу ҳолатнинг юзага келиши сўнгги йилларда маданий мерос объектларига бўлган муносабатнинг ўзгаргани ҳамда давлат томонидан ички ва ташқи зиёратчилар учун республика даражасидаги зиёратгоҳлар ва уларнинг атрофида зарур шароитлар яратилмоқда.

Зиёратга бориш ва унинг ташкил этилиши жараёнидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу жараён характер жиҳатидан зиёратни амалга оширишга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, бажариладиган амаллар хусусиятидан келиб чиқиб зиёратчилар таркибини шакллантириш, ўтказиладиган маросимлар учун керакли нарса-буюмларни ҳозирлаш ва назарда тутилган зиёратгоҳга ташриф буюриш каби бир неча босқичларга бўлинади ҳамда ушбу ҳолатларни умумлаштирувчи жиҳат – кишиларнинг қайси зиёратга ва нима мақсадда боришини белгилаб беради. Юқорида келтирилган омиллар эса аҳоли ўртасида зиёрат туризмининг шаклланишига олиб келади. Зиёрат туризми – турли хил конфесияларнинг ўз динига бўлган ҳурмати ва эътиқоди нуқтаи назаридан муқаддас қадамжолар, шаҳарлар, қабристон ва азиз санаалган масканларга зиёрат қилишни билдиради.

Аҳоли орасида норасмий “зиёрат мавсуми” ҳамда “зиёрат минежери” тушунчалари ҳам шаклланган бўлиб, асосан, шу даврда “зиёрат минежер”лари

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли Фармони// Халқ сўзи. 2018 йил, 8-февраль. №26-сон.

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февралидаги ПҚ-3514-сонли Қарори / www.lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори / www.lex.uz.

томонидан аҳолининг жамоа-жамоа бўлиб қадамжоларга ташрифини ташкил этиш кузатилади. Зиёрат мавсуми тушунчаси ва у билан боғлиқ амалиётнинг юзага келиш сабаблари сифатида, худуднинг ички имкониятлари, бажариладиган маросимнинг характерли жиҳатлари (бино ичида ёки ташқарида бажарилиши фасл билан бевосита боғлиқ), зиёратгоҳнинг жойлашган ўрни ва ташриф буюрувчининг машғулот тури каби омилларни келтириш мумкин.

Зиёрат мавсуми икки қисмдан, яъни ташриф буюрувчилар ва маросимни ташкил қилувчилар учун қулай ҳамда муқаддас манзилга бориш йўлларининг хавфсиз вақти, иқлиминг мўътадиллиги ва хўжалик юмушлари камайган давр тушунилса, иккинчи жиҳати эса, халқ орасида айрим ҳафта кунлари зиёрат учун мақбул кун сифатида талқин қилинишидадир.

Зиёратгоҳга ташриф буюриш кунлари тўғрисидаги мулоҳазаларга назар солсак, исломгача бўлган даврда аждодларимиз якшанба, душанба, пайшанба ва жума кунларини баҳтли кунлар деб қарашган бўлишса, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари баҳтсиз кунлар сифатида эътироф этилган¹⁵⁹. Ислом ақидаларида таъкидланишича, чоршанба куни Аллоҳнинг иродаси билан мавжуд ўсимлик дунёси ва сувларга жон ато этилган. Жума куни юлдузлар яратилган ва шу куни Мұхаммад пайғамбар туғилган. Модомики, чоршанба куни ўсимлик ва сувларга жон ато қилинган экан, озиқ-овқат, кийим-кечак орқали киши баданига кириб олган ёмон рухларни чоршанба куни қувиш кўпроқ фойда келтиради¹⁶⁰, деб қаралган. Бугунги кунда ҳам республиканинг турли худудларида ҳафта кунлари турлича талқин қилинишини учратиш мумкин. Жумладан, Хоразм воҳаси аҳолиси чоршанба, пайшанба ва жума кунлари зиёратга келишса, Тошкент, Бухоро ва Фарғона водийсида

¹⁵⁹ Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): Тар. фан.бўйича фал. док. (PhD)... дис.–Тошкент, 2018. – Б. 123.

¹⁶⁰ Саримсоков Б. Ўзбек маросими фольклори... – Б.154.

чоршанба куни зиёратгоҳларга ташриф буориб, маросим ўтказиш мақбул ҳисобланади¹⁶¹.

Шунингдек, самарқандлик ўзбек ва тожик миллатига мансуб аҳоли орасида ҳафтанинг маълум кунлари маҳсус зиёрат қилинадиган кунлар тариқасида белгилаб олинган бўлиб, асосан, чоршанба ва шанба кунлари азиз авлиёлар қабрларини, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш энг маъқул кунлар, яъни зиёрат кунлари ҳисобланган. Чунки улар ушбу кунларнинг муродбахшик хусусиятларига ишонишган¹⁶².

Жиззах воҳасида зиёратчиларнинг аксарияти ҳафтанинг *шанба ва якшанба* кунлари ташриф буоришса, воҳа аёллари ҳафтанинг *чоршанба* кунида кўпроқ зиёратгоҳларга келишади. Чунки, шу кунлар ташриф учун ўзларига қулай вақт саналиши билан бир қаторда, қадамжоларда бажарилган амалларнинг фойдаси кўпроқ тегишига ишонишади.

Шунингдек, Жиззах воҳасида азалдан мусулмончилик анъаналарига мувофиқ зиёратгоҳларга йилнинг маълум вақтида чиқиш, яъни зиёрат қилиш ёки маълум бир ойларда зиёрат қилиш учун сафарга чиқмаслик анъанаси ҳам мавжуд. Бу борада ойлик зиёратларга кўра ислом тақвими, “Қамария йил ҳисоби”даги иккинчи ой “Сафар ойи”да зиёрат қилишлик яхши эмаслиги ҳақидаги фирмалар ҳалқ онгida сақланиб қолган ва бу ҳакда турли кўринишдаги тақиқлар мавжуд. Яъни, “сафар ойи – хатар ойи”, “сафар ойида сафарга чиқиб бўлмайди”, “сафар ойи хосиятсиз ой”, деган қарашларга кўра зиёратга бориш ва бошқа маросимлар (тўй ва бошқ.) ҳам тақиқланган.

Фарғона водийсида ҳам Сафар ойи билан боғлиқ “Сафар қайтди” маросими зиёратгоҳларда ўтказилиб, маҳаллий аҳоли таъкидлашича, “Сафар ойи”нинг қайсиdir куни осмондан бир томчи заҳар томар эмиш. Шу заҳар кимга тегса унинг иши ёки сафарида қўнгилсизлик юз беради. Шунинг учун агар “сафар қайтар” маросими

¹⁶¹ Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари... – Б. 123.

¹⁶² Токарев С. Религия в истории народов мира. – М.: Политическая литература, 1976. – С. 534.


үтказилса, захар қайтиб кишиларга ҳеч қандай зиён-захмат кўрмайди¹⁶³, деган қараш сақланиб қолган. Бунинг сабаби сифатида аҳоли орасидаги қуидаги фикрлар асос бўлган. “Сафар ойи”нинг охирги чоршанба куни овга чиққан Ҳазрат Али оғир яраланиб кўп қон йўқотганлиги учун мусулмонлар ўша кунни мотам куни деб эълон қилишган экан.

Абу Райхон Берунийга кўра, мусулмонлар сафар ойини хосиятсиз деб қарашларининг сабабларидан бири – айнан сафар ойида арабларда ўлат тарқалиб, касаллика чалинган одамларнинг юзи сарғайиб кетаверган. Ҳатто, арабча “асфар” сўзи ҳам сариқ ранг маоносини англатган¹⁶⁴. Бу анъана баъзи қишлоқларда бугунги кунгача ҳам сақланиб қолинганлиги тадқиқотлар давомида ўз исботини топди.

Воҳа зиёратгоҳларидағи кузатишлар натижасида аниқландик, зиёратчиларнинг кўплаб ташрифи апрель-май ва август ойларида бўлса, кун жихатидан чоршанба, шанба ва якшанба кунлари мақбул ҳисобланади ва зиёрат мавсуми баҳорнинг охири ҳамда эрта куз ойларига тўғри келади. Маҳаллий аҳоли орасида зиёрат куни, вақти ва мавсуми билан боғлиқ дунёқараш турли омиллар таъсири натижасида юзага келган. Ўтказилган сўровномалар қуидаги натижани берди:

¹⁶³ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Фарғона вилояти мисолида): Тар.фан.ном.... дис. – Тошкент, 2006. – Б.103.

¹⁶⁴ Ислам. Энциклопедический словарь. Выпуск 3. –М.: Восточная литература РАН, 2000.–С.85.



3.2-расм. Зиёрат куни ва мавсумини қандай белгилайсиз?

Юқоридаги натижалардан келиб чиқсан ҳолда қуйидагича хулоса қилиш мумкинки: Жиззах воҳаси аҳолисининг мунтазам зиёрат қиласиган вақти мавжуд бўлиб, азалдан маҳаллий аҳоли ўз вақтларининг маълум даврини зиёрат учун ажратишган ва бу удум оила даврасида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бу каби зиёрат мавсумининг пайдо бўлишида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва машғулот туридан ташқари, воҳа учун хос бўлган географик омил –аксарият зиёратгоҳларнинг тоғли ҳудудларда жойлашгани билан характерланса, зиёрат куни – аҳолининг исломий қарашлари асосида шаклланганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кундаги таҳлиллар асосида таъкидлаш жоизки, ички туризм соҳасининг кенг қамровли ва ривожланиб бораётган турларидан бири – бу зиёрат билан боғлиқ жараёнлардир. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, республиканинг барча ҳудудларида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг сон жиҳатдан қўплиги бир пайтнинг ўзида барча ҳудудларда туризмнинг ушбу турини кенг миқёсда ривожлантириш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Кейинги йилларда воҳага

ташриф буюрувчи ички сайёхлар сони ортиб боришига ҳам айнан юқоридаги омиллар сабаб бўлмоқда.

Жиззах вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий вакиллиги маълумотлари ҳамда шахсий кузатувлар асосида зиёратчилар ташриф буюрадиган мавсумда воҳанинг йирик 10 та зиёратгоҳларида бир кунда ташриф буюрувчиларнинг ўртacha рейтинги ўрганилди. Ўрганишлар қўйидагича натижаларни берди:

№	Зиёратгоҳ номи	Кунлик ташриф буюрувчилар
1	Саъд ибн Баққос зиёратгоҳи	250-300 нафар
2	Зомин сиҳатгоҳи йўлидаги зиёратгоҳлар (Кўктўнли ота, Тоғтерак ота, Бобоёнғоқ)	200-250 нафар
3	Хўжамушкент зиёратгоҳи	170-220 нафар
4	Парпи ота зиёртагоҳи	150-170 нафар
5	Новқа ота зиёратгоҳи	130-160 нафар
6	Хўжай Сероб ота зиёратгоҳи	120-150 нафар
7	Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳи	100-130 нафар
8	Боғимозор ота (Сайд Мир Халилуллоҳ хонақоси) зиёратгоҳи	80-100 нафар
9	Ҳазрати Занубиддин зиёратгоҳи (2500 ёшли арча билан биргаликда)	50-80 нафар
10	Жондаҳор ота зиёратгоҳи	30-50 нафар

3.1-жадвал. Зиёратгоҳларга бир кунда ташриф буюрувчилар сони

Таққослаш учун таъкидлаш жоизки, Жиззах воҳаси бўйича рўйхатга олинган 42 та (бизнинг тадқиқотларимиз жараёнида воҳада 82 та зиёратгоҳ мавжудлиги

аниқланди) мұқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар¹⁶⁵нинг юқоридаги жадвалда келтирилгандардан бошқаларида ташриф буюрувчиларнинг сони кам бўлиб, улар ҳам доимий ҳолатда эмас. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари қўйидагилардан иборат:

- биринчидан, воҳадаги аксарият зиёратгоҳлар аҳоли яшаш манзилларидан бирмунча узоқда жойлашган;
- иккинчидан, улар ҳақида жуда кам маълумотлар қайд қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми турли кўришидаги рекламага муҳтож;
- учинчидан, зиёратагоҳларга олиб борадиган транспорт ва йўл инфратузилмаси эскирганлиги;
- тўртинчидан, зиёратгоҳларда зиёратчилар учун яратилган шароитлар етарли эмаслиги каби муаммоларни келтириш мумкин. Бу каби муаммолар воҳадаги кўплаб зиёрат масканларига ички туристларни оқимини кўпайтиришга асосий тўсиқ бўлмоқда.

Бундан ташқари, зиёрат мавсуми давомида туризмнинг ушбу шаклини зиёрат вақтида ташриф буюрувчилар томонидан йўл қўйиладиган айрим хато ва камчиликлар ҳамда зиёрат жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар (маҳаллий ҳокимлик томонидан ҳал қилиниши керак бўлган жиҳатлар) кўринишида ажратиш мумкин.

I. Ташриф буюрувчилар билан боғлиқ айрим хато ва камчиликлар.

Кузатишлар жараённида маълум бўлдики, ташриф буюрувчилар томонидан қўйидаги салбий ҳолатлар тез-тез кўзга ташланади: зиёратга мос либосда келмаслик, турли маросимларни ташкил этиш ва зиёрат қилиш жараённида атроф-мухитни ифлослантириш, маҳсулотларни исроф қилиш, баъзан маросимларни ким ўзарга ташкил қилиш, тақиқланган ирим-сиримларни (дараҳтларга мато бўлагини боғлаш, чироқ ёқиш, булоқ сувларига нарса-буюмлар ташлаш ва қабр тупроғидан олиб кетиши)

¹⁶⁵ Жиззах вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси маълумотномаси, 2018 йил.

бажаришга уриниш, зиёратгоҳ худудидаги ўсимликларни юлиш, дараҳт шохларини синдириш ва шу каби муаммолар. Бу каби ҳолатлар кузатилиши ҳалқ орасида зиёрат одоби ва маросимларни ташкил қилиш борасида кўникма ва билимларни шакллантиришга бўлган эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида зиёратгоҳда фаолият юритувчи шахслар томонидан тарғибот ишларини жонлантириш ҳамда турли хабарнома кўринишидаги қоидалар мажмуини қадамжолар бўйлаб жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

II. Зиёрат жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар.

Кузатувлар асосида айтиш мумкинки, воҳанинг бу соҳадаги потенциали юқори бўлиб, ундан ўз ўрнида самарали фойдаланиш ва зиёрат жараёнини тўғри ташкил қилиш кўзланган самарани бериши мумкин. Қуйида воҳа қадамжоларида ва зиёрат туризми соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган камчиликлар ва уларнинг ечимига тўхталиб ўтамиз:

- зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш ва ёритиш ускуналарини яхшилаш ҳамда йўл кўрсаткичлар тизимини янгилаш. Жумладан, Янгиобод тумани бўйича Сайд Исоҳўжа, Зомин туманидаги Парпи ойим, Хўжай Сероб ота, Бахмал туманидаги Қирқчилтон ва Теракли ота зиёратгоҳларга бориш катта қийинчиликни юзага келтиради.

- ёқилғи қўйиш ва умумий овқатланиш марказлари фаолияти. Воҳада зиёрат йўналишлари бўйлаб алоҳида транспорт ҳаракати йўлга қўйилмаган. Аксарият зиёратчилар ўzlари ёки тадбиркорлар томонидан ташкил қилинган транспорт воситаларида ҳаракат қилишади. Уларга ёқилғи қўйиш, техник хизмат турларини таклиф қилиш масаласи оқсаноқда. Жумладан, Янгиобод туманининг қарийб барча зиёратгоҳларида, Зомин туманинг Сайид Бурхониддин Қилич, Хўжай Сероб ота, Арчамозор ота ва Қоплон ота зиёратгоҳлари, Фаллаорол туманидаги Соврук ота ва Қозон ота каби зиёратгоҳларга олиб борувчи автомобиль йўлида бундай хизматлар мавжуд эмас. Иккинчидан зиёратчилар овқатланиши учун ошхоналарнинг камлиги ҳам кузатилди. Мавжудларида эса санитария ҳолатини яхшилаш вазифаси

долзарблигича қолмоқда. Янгиобод, Фориш ва Бахмал туманларида жойлашган зиёратгоҳларга бориша овқатланишнинг имкони кам бўлса, Ш.Рашидов туманида жойлашган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар йўлларида жойлашган овқатланиш шохобчалари антисанитар ҳолатда фаолият юритмоқда.

- меҳмонхоналардаги алоқа ва интернет тизимидағи муаммолар. Кузатишлар жараёнида маълум бўлдики, аксарият меҳмонхоналар шаҳар ёки туман марказларида жойлашган бўлиб, улар ҳам саноқли хисобланади. Бу эса уй меҳмонхоналарини ташкил қилиш, мотел ва меҳмонхоналар сонини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Иккинчи томондан, рўйхатдан ўтган айрим уй меҳмонхоналари талаб камлиги ва сарфланган харажатларни қопламаётганлиги сабабли ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. Замонавий талаблар асосида зиёратчилар тунайдиган масканларда интернет хизматини ташкил қилиш асосий муаммолардан биридир. Таҳлиллар асосида таъкидлаш мумкинки, зиёратчилар билан ишловчи ташкилотларга турли иқтисодий енгиллик ва қулайликларни тақдим этиш, масаланинг ечимларидан биридир.

- зиёратгоҳларни реклама қилиш. Бугунги кунда зиёратчи ташриф буюрадиган зиёратгоҳ ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлишни, яратилган шароитлар билан танишиш ва онлайн равиша меборадан жой ҳамда такси ёки автобус хизматига буюртма беришни истайди. Статистикага эътибор берилса, 2018 йил мобайнида 90 минг нафарга яқин маҳаллий ва 6120 нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг асосий қисмини Франция (24%), Россия (18%), Германия (10%), Хитой (12%), Туркия (11%) ва МДҲ (14%) мамлакатлари фуқаролари ташкил этган. Бошқа томондан, электрон йўл кўрсаткичлар, зиёратгоҳларнинг сайтларини яратиш, маълумот марказларини ташкил қилиш ва турли қўлланма, хариталар нашри ҳамда уларни тарқатиш масаласи очик қолмоқда. Бу жараёнлар зиёратгоҳларни нафақат минтақа бўйлаб, балки дунё миқёсида реклама қилиш имконини беради.

- зиёратгоҳлардаги иқтисодий жараёнларни тартибга солиш. Қадамжоларни таъмирлаш ва турли қулайликлар яратиш учун сарфланадиган маблағлардан бири – эхсон пуллари дидир. Сир эмаски, зиёратгоҳлардаги тушумларни түғри хисобга олиш ва мақсадли сарфлаш масаласи муаммолигича қолмоқда. Чунки, бугунга қадар бу борада мукаммал тизим тўла амалиётга жорий этилмаган. Бу эса маблағлардан мақсадсиз фойланиш каби ҳолатларни юзага келтирмоқда. Ўтказилган сўровномалар ва кузатишлар жараёнида маълум бўлдики, ташриф буюрувчиларнинг аксарияти эхсонни натурал (ҳайвонлар, мато, нон, алоҳида тугун ва б.) кўринишида эмас, балки пул шаклида тақдим этишади.

Ахборотчиларга: “Сиз ҳар бир зиёратингизда ўртacha қанча эхсон қиласиз?”, - деган суворнома қуйидаги натижани берди:

№	Зиёратчилар (%)	Ўртacha эхсон миқдори
1	20-23% зиёратчилар	1000-1500дан 3000 сўмгача
2	50-55 % зиёратчилар	2000дан 5000 сўмгача
3	10-12 % зиёратчилар	5000 сўмдан 8000 сўмгача
4	8-10 % зиёратчилар	Эхсон миқдорини ошкор қилишмади

3.2 - жадвал. Зиёратчиларнинг бир кунлик эхсон маблағлари хисоби

Тадқиқотлар жараёнида зиёратчиларнинг Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларида айрим зиёратчилар томонидан 50 мингдан 500 мингача, ҳатто 1–2 млн сўмгача бўлган нақд пул ва совға-саломлар эхсон қилинганлиги қайд қилинди. Диний мазмунга эга бўлган қурбонлик, худойи, дарвешона каби байрамларда ҳамда авлодлар учрашуви маросимларида иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланган зиёратчилар томонидан қўй, эчки, гилам, кўрпа-тўшаклар ва ҳатто, электр жиҳозлар ҳам эхсон қилинади. Сўровлар жараёнида айрим зиёратгоҳларнинг бир йиллик тушуми (Қурбон ва Рамазон ҳайити кунларида тушумлардан ташқари) 5–6 млн сўмдан, 15–20 млн сўмгача етажтганлиги аниқланди. Аммо, ушбу хайр-эхсонлар қандай мақсадларда фойдаланилмоқда., деган саволга аксарият зиёратгоҳ назоратчилари ва мутасадди

шахслар аниқ жавоб бера олишмади. Бу эса ҳанузгача ушбу масалада вилоят зиёратгоҳларида муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқот давомида ташриф буюрган барча зиёратгоҳларда хам тушумлар ва уларни тақсимлаш борасида муаммолар борлиги кўзга ташланди. Шу сабабли, биринчидан, воҳа зиёратгоҳларидағи кунлик ва йиллик тушумларни назорат қилувчи мутасадди ташкилотлар, хусусан, вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш лозим; иккинчидан, зиёратгоҳлардаги кунлик тушумларнинг асосий қисмини Республика “Вақф” хайрия жамоат фондига ўтказиб, хайр-эҳсонларни зиёратгоҳ ва маҳаллий маъмурият мутасаддилари томонидан “талонтарож” бўлишига йўл қўймай мутаваллиларнинг бу борада олиб бораётган ишларни вижданан бажаришлари учун Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасининг маҳсус кўрсатмаси ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

Сўнгги йилларда воҳада зиёрат туризмига қаратилган эътибор натижасида бу соҳа янги босқичга кўтарилимоқда. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши вилоят имиджини шакллантириш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилса, зиёрат амалларини бажариш, зиёрат одоби борасида амалга оширилаётган ишлар кишиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шундай бўлсада, зиёратчилар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар ва зиёрат туризмини ташкил қилиш борасида айрим долзарб ҳамда жузъий камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Бу каби муаммоларни бартараф этилиши зиёрат мавсумини самарали ташкил қилиш, ички туризмни ривожлантириш имконини бериши билан бир қаторда, мамлакат иқтисодиётига салмоқли сармоя киритилишига олиб келади.

3.3. Ёш авлодни тарбиялашда зиёратгоҳларнинг ўрни

Тарихдан маълумки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгилинишлар, ислоҳотлар сари интилаётган ҳар бир жамиятда, биринчи галда шу юрт истиқболини мустаҳкамлаш, муҳим стратегик тараққиётини белгилаш билан бир қаторда, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги янгидан ривожланаётган давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳам айнан миллий-маънавий тарбия усусларини ишлаб чиқиш ва замонавий жамиятда миллий ўзликни англаш тенденцияларини жорий этиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ёш авлодни глобаллашув жараёнларига рақобатбардош шахслар этиб тарбиялашда миллий дунёқараш ва менталитетга хос белгилар муҳим ўрин тутади. Маълумки, зиёратгоҳларда маҳаллий ҳудуднинг бой тарихи, тараққиёт босқичлари ва халқнинг руҳияти, маънавияти, ўзлиги акс этади¹⁶⁶. Айнан шунинг учун ҳам, улар билан боғлиқ ҳолда тарих синовларидан ўтиб келаётган тарбиявий аҳамиятга эга афсона ва ривоятлар, зиёрат давомида ўтказиладиган маросимларнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган чин инсоний фазилатлар ва уларнинг жамият тараққиётида, кишилар ўртасидаги бирдамлик, сабр-тоқат фазилатларини такомиллаштиришдаги ўрнини тарғиб қилиш, миллий-тарбиявий дунёқарашни қарор топтириш билан бир қаторда, уларни комил инсон бўлиб шаклланишига хизмат қиласиди. Бу эса ўз навбатида ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш усусларидан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, зиёратгоҳлар ва у ерда ўтказиладиган маросимлар жамиятдаги миллий ва диний қарашлар билан бир қаторда кишиларнинг аждодларига бўлган хурмат ҳиссини акс эттиради. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда ташкил этиладиган турли маросимларда ёш авлод вакилларининг иштироқи миллий

¹⁶⁶ Абдурасулов А., Абидова З. Хоразмдаги қадамжо ва зиёратгоҳлар (этнографик лавҳалар). 1-китоб. – Тошкент: Янги нашр, 2016. – Б. 61.

анъаналар ва урф-одатларнинг сақланишига олиб келгани ҳолда, уларнинг турмуш тарзига ҳам сингиб боришини таъминлайди.

Юқоридаги концептуал вазифаларни инобатга олган ҳолда биз куйида Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари мисолида замонавий Ўзбекистон ёшларининг зиёратгоҳларга ташрифи, уларнинг зиёратгоҳлар ҳақидаги билимлардан хабардорлиги, зиёрат одобларига нисбатан муносабати каби масалаларнинг таҳлилига тўхталиб, муқаддас қадамжоларни ёшлар маънавий дунёкараши шаклланишида тутган ўрни долзарб аҳамият касб этишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Ёшларнинг зиёратгоҳларга ташрифи. Воҳа зиёратгоҳлари бўйлаб ўтказилган дала-этнографик тадқиқотлар жараёнида маълум бўлдики, зиёратгоҳларга ташриф буюрувчилар орасида ўқувчи ва талаба ёшлар умумий зиёратчилар сонига нисбатан бирмунча озчиликни ташкил қилмоқда. Ёшларнинг зиёратгоҳларга ташрифининг камлиги бир неча омиллар билан боғлиқ эканлиги аниқлангани ҳолда, уларнинг ташриф буюриш жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич: ёшларнинг оила аъзолари билан ташрифи (даврий жиҳатда 3–16 ёш оралиғи) – ахборотчиларнинг фикрича, бу ёш оралиғидагилар зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимда асосий (субъект) иштирокчи бўлса, зиёратчидан бошқа болага қаровчи бўлмаса ёки зиёрат вақти таълим жараёнига тўғри келиб қолмаган ҳолатларда ташриф буюришади. Кўпинча, ушбу ташрифлар ота-оналар қарамоғида юз бериб, бу босқич ёш авлодда зиёрат одоби, маросим тури ва бажарилиши зарур бўлган жиҳатларга доир билимларнинг шаклланиш даври ҳисобланади.

Иккинчи босқич: турли кўринишдаги урф-одат ёки маросимларни бажариш учун ташриф (даврий жиҳатда 16–19 ёш оралиғи). Асосий зиёратчилар, айнан шу ёш даври оралиғида кўпчиликни ташкил қиласди. Чунки, ёшларнинг зиёратгоҳларга келишдан кўзланган мақсадларида умумий ўрта таълимни кўнгилдагидек тамомлаш, ўқишга кириш, талаба бўлиш ёки ўсмирликка ўтиш даврига хос бўлган катта орзуларга эришиш истаги устун келади. Аниқроғи, ёшларнинг айрим синовлардан олдин зиёратгоҳларга келиши анъанавий одат тусига айланган. Шу боисдан, бу ёш

оралиғидагиларнинг ташрифи мавсумий характерга эга бўлиб, умумий ўрта ва ўрта маҳсус касб-хунар таълимини тугаши ва олий таълим учун бошланажак синовлар арафасида юз беради. Буни қуйидаги сўров натижаларидан ҳам кўриш мумкин:



3.3-расм. Сиз кўпроқ қайси мавсумда зиёратгоҳларга ташриф буюрасиз?


Ёшларнинг зиёратгоҳларга ташрифининг учинчи босқичи 20 ёш ва ундан катта ёшлилар ўртасида кузатилиб, асосан, гурӯҳ-гурӯҳ шаклида, олий таълим муассасаларида ёки шахсий ташаббус асосида ташкил қилинади. Бу босқич тавсифий кўринишда бўлиб, ёшлар онгида зиёратгоҳларни тарихий обьект сифатида ўрганиш, унинг тарихига қизиқиши каби жиҳатлар шаклланиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Муқаддас қадамжоларга ёшлар ташрифининг учинчи босқичи ёшларда мустақил зиёрат маросимларини бажариш ва қадамжоларнинг инсон руҳий ҳаётида тутган ўрни масалаларига доир қарашлар шаклланиши билан харakterланади.

Юқорида зиёратгоҳларга ёшларнинг ташрифини мавсумий характерда бўлишининг асосий омили сифатида синов жараёнларини сабаб қилиб кўрсатдик. Шу билан бир қаторда, зиёратгоҳларга келувчи мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг ташрифлари ҳам айнан ушбу даврга тўғри келади. Ўтказилган дала

этнографик тадқиқотлар натижасига кўра, ёшларнинг ёз мавсумидаги зиёрат кўрсаткичлари юкори бўлишининг биринчи сабаби—таътил мавсуми бўлса, иккинчидан, ота-оналарнинг аксарияти ҳам ушбу даврни зиёрат учун қулай, деб ҳисоблайдилар. Куз мавсуми (сентябрь ойининг биринчи ярмидан ташқари)да ёшларнинг зиёратларга ташрифи бир оз камайиши бу – воҳада аҳолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда истиқомат қилиши билан бир қаторда, йигим-терим мавсумига боғлиқ бўлиб, ёшлар ҳам катталар қатори ушбу даврда кўпроқ хўжалик юмушлари билан банд бўлишидадир.

Ёшлар маънавий ҳаётида зиёратгоҳларнинг тутган ўрнини аниқлаш борасидаги навбатдаги масала, уларнинг ҳудуддаги маданий мерос объектлари тарихи ва зиёратгоҳларнинг номланиши тўғрисидаги маълумотлардан хабардорлик даражаси билан белгиланади. Ушбу масалада ўтказилган социологик сўрвнома натижалари қуидагича кўриниш акс этди:



3.4-расм. Ёшларнинг зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумот даражаси

Ёшлар орасида воҳада жойлашган маҳаллий зиёратгоҳларнинг номи, тарихи борасида билимларнинг саёзлиги бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий сабаби сифатида қўйидагиларни қайд этиш лозим:

- қадамжоларнинг нафақат диний, балки миллий-маънавий маскан эканлиги аҳоли ўртасида етарли даражада тарғиб қилинмаслиги;
- уларнинг шаклланиш тарихи ва топонимикасига доир қарашларнинг яхлит системага солинмаганлиги;
- ташриф буюрувчилар учун зиёратгоҳларнинг ўзига хос функцияси тўғрисида маълумот берувчи тарқатма материаллар мавжуд эмаслиги.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш ёшлар орасида таълим ва тарбиявий масалаларни таъминлаш билан бир қаторда, улар ўртасида қўйидаги миллий ўзликни англаш ва ўз ўлкаси тарихига оид билимларини бойитиб, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби ижобий хислатларни қарор топтиради.

Аслини олганда, зиёратгоҳларда бажариладиган урф-одатлар, ўтказиладиган маросимлар маълум бир диний қоидалар асосида юзага келган. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ота-она зиёратгоҳлар билан боғлиқ одатлар, анъаналар ва маросимларни ташкил қилишда ёш авлод вакилларига ушбу муқаддас маскан унинг аждодларига қандай боғлиқ эканлиги ва бу ерга келиш мақсадини ҳамда бажариладиган маросимларнинг аҳамиятини, зиёрат вақтида қайси амаллар мумкину, қайсилари тақиққа учрашининг сабабларини диний томондан тушунтириб беришлари лозим бўлади.

Ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, зиёратгоҳга ташриф буюришдаги энг биринчи қадам бу – ҳар бир кишининг дунёдан ўтиб кетган аждодлари руҳига тиловат қилиш билан бошланади. Аксарият ҳолатларда бу каби этикет маданияти бошқа зиёратчиларни кузатиш орқали шаклланади. Яъни аксарият маросим ва бажариладиган удумлар маҳсус кўрсатмалар ёки мутахассисларнинг тарғибот ишларидан ташқари

зиёратчиларнинг ўзаро ахборот алмашиши ёки бир-бирининг хатти-харакатини кузатиш натижасида кишилар орасида мустақил шаклланади.

Шу ўринда зиёратгоҳлар билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидалари хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Халқимизда қадимдан муқаддас саналган масканларни зиёрат қилишнинг ҳам ўзига хос этикети, яъни ахлоқ-одоб нормалари мавжуд бўлиб, уни амалга оширмоқчи бўлган шахс албатта бу нормаларга амал қилиши шарт ҳисобланган. Қабрни зиёрат қилиш вақтида ундан орқасини ўтириб чиқмаслик, унинг ичига кираётганда ўнг оёқ билан қадам босиб, салом бериб кириш ва ўтганлар ҳаққига бағишлиб дуойи фотиҳа қилиш сингари ахлоқий одатлар туфайли аҳолини қадимдан муқаддас жойларни зиёрат қилишда маълум бир ахлоқ меъёрлари мавжуд бўлган¹⁶⁷.

Бу меъёрларга амал қилиш ва улар билан боғлиқ қарашлар ўз навбатида зиёратгоҳлар тўрисидаги ахлоқ кодекслари ишлаб чиқилишига замин яратган. Шунингдек, зиёратгоҳларга келаётган ҳар бир зиёратчи дастлаб ўзининг устки кийим-бошига эътибор берган. Аввало, бу бош кийими билан боғлиқ бўлган. Бош кийимсиз зиёратгоҳга борилмаган. Бу ўринда аёллар учун рўмол, эркаклар учун асосан дўппи бош кийими бўлиб хизмат қилган¹⁶⁸.

Бугунги кунда юртимиздаги барча муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда бўлгани каби, воҳада ҳам барча зиёрат масканларида қуйидаги “Зиёрат одоблари”га амал қилишлари қатъий белгиланган:

1. Аввало, ниятни тўғриламоқ, ихлос билан, холис Аллоҳ учун зиёрат қилмоқ;
2. Зиёрат пайтида таҳоратли бўлмоқ;
3. Қисқа муддат бўлса ҳам дунё машғулотини тарқ этиб, охиратни эслаш;
4. Икки ракат намоз ўқиши;

¹⁶⁷ Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Тошкент: “Мовароуннахр”, 2005.–Б.9.

¹⁶⁸ Ўша манба. – Б.10.

5. Зиёратгоҳда виқор билан, сокин юриш (Зиёратгоҳда виқор билан, яъни фоят сокин, вазмин, оҳиста юрилади. Эҳтиёж бўлса, зарурий сўзларни оҳиста ва адаб билан гапиради);
6. Қабр аҳлига салом бермоқ;
7. Оёқ томонидан бориб, маййитга яқин ва юзма-юз ўтирмоқ;
8. Қабрни сийпаш, ушлаш ва ўпишдан қаттиқ сақланмоқ;
9. Қабр бошида “Ёсин” сурасини ёки ўзи билган бошқа сура ёхуд оятларни ўқимоқ;
10. Зиёратга пойафзални ечиб кириш;
11. Қабрни босмаслик;
12. Мўминларнинг яхши сифатларини эслаш;
13. Зиёратдан беҳад сокин, вазмин ҳолатда қайтиш¹⁶⁹.

